

АЁЛЛАРГА ОИД ЭНГ ЗАРУР ФИҚҲИЙ МАСАЛАЛАР

Тошкент
«Мовароуннаҳр»
2004

Ушбу китоб «Ҳидоят» журналининг 1999-2000 йиллардаги сонларида «Аёллар саҳифаси», «Хос фикҳий масалалар» рунклари остида эълон қилинган туркум мақолалар асосида нашрга тайёрланди.

Мазкур китобда аёллар учун кундалик ҳаётда лозим бўлган муҳим шаръий масалалар ишончли манбалар асосида содда баён этилган.

Китобда келтирилган маълумотлар, айна пайтда эркаклар учун ҳам ўта муҳим, оила тинч-тотувлиги, фаровонлигининг пойдевори вазифасини ўтовчи маълумотлардир.

Мутаржим: Йўлдош Эшбек

Сўзбоши муаллифи: Анвар Турсун

Муҳаррир: Нуруллоҳ Муҳаммад Рауфхон

Масъул муҳаррирлар: Шўҳрат Исмоилов, Камолиддин Каримов, Абдуманнон Карим

Тақризчи: Муҳаммад Шариф Жуман

ФАЗИЛАТИ УЛУФ КИТОБ

Сир эмас, замонамизда оила, эр-хотин муносабатлари масаласи жамиятимизнинг энг оғриқли, долзарб муаммоларидан бирига айланди. Ажрашишлар сони кўпайган, фарзандларнинг "тирик етим" қолиш ҳолатлари ҳамон оз эмас. Хонадонлар файзи, фарзандлар тарбиясига масъул, оила чароғбони бўлган аёллар бозор иқтисоди сабаб кўчага чиқиб, тижорат билан шуғуллана бошладилар. Бири муҳтожликдан шунга мажбур бўлса, бошқа бири ўткинчи ҳой-ҳаваслар, қаноатсизлик боис бу йўлга кираётгани аниқ. Бу борада эркакларнинг ҳамиятсизлиги ҳам катта сабаблардан биридир.

Аммо буларнинг барчасидан ҳам таъсири кучли, оқибати жуда ёмон бўлган бошқа бир сабаб ҳам бор. У ҳам бўлса Аллоҳ таолога итоатсизлик, илмсизликдир. Эр ҳам, хотин ҳам ўзининг шаръий вазифаларини яхши билмайди, адо этмайди. Оқибатда оила аъзоларининг боши жанжалдан чиқмайди. Болалар тарбияси чала-ярим, қусурли бўлиб қолади. Улар бемехр, оқибатсиз бўлиб улғаядилар.

Алҳамдулиллаҳ, кейинги йилларда ушбу масалаларни ўрганиш, салбий оқибатларининг олдини олиш ишларига эътибор кучайди. Турли йилларда "Мусулмон эрнинг аёли олдидаги вазифалари", "Мусулмон аёлнинг эри олдидаги вазифалари", "Аёлларга хос масалалар" каби китобларнинг нашр этилгани бизни қувонтиради.

Бугун эса яна бир қувончли воқеа устидамиз: "Аёлларга оид энг зарур фикҳий масалалар" китоби босмадан чиқди.

Бу китоб олдингиларидан бир неча жиҳати билан фарқланади.

Аввало, китобнинг кенг қамровини таъкидламоқчиман. Мавзуга оид энг кичик, энг нозик масалалар ҳам эътибордан четда қолмаган. Мундарижага разм солган киши дарҳол бунга ишонч ҳосил қилади.

Иккинчиси, китобнинг ишончлилиги масаласи. Деярли ҳар бир ҳукм мазҳабимизнинг энг машҳур фикҳ китобларидан олингани аниқ кўрсатилган.

Учинчиси, шуки, китобда бугунги турмушимизда урф бўлаётган айрим ҳолатларга тегишли

масалалар юзасидан ҳам асосли ҳукмлар берилган. Китобнинг "Таҳорат ва ғусл", "Ислолда эмикдошлик", "Намоз ҳақида муҳим масалалар" каби бобларида ана шундай "энг замонавий" мавзулардаги саволларга ҳам асосли жавоблар топасиз.

Тўртинчи навбатда айтмоқчи бўлганим шуки, бугун бир тоифа одамлар ғарб маданияти таъсирида одоб-ҳаё каби масалаларда анча қашшоқлашиб қолди. Аллоҳдан қўрқувнинг сусайиши, ҳаёнинг кўтарилиши боис оила муҳитида айрим таҳликали ҳолатлар юзага келаётгани сир эмас.

«Ҳурмати мусахҳара» мавзуга оид ушбу китобда берилган ҳукмлар кишини сергак торттиради, огоҳлантиради.

Хуллас, қўлингиздаги китобнинг фазилатлари беҳисоб. Яратган Парвардигор уни сизу бизга муборак қилсин.

Аллоҳ таоло ўзларимизга, фарзанду зурриётларимизга фойдали илм, тақволи ҳаёт, оилаларимизга меҳр-оқибат файзу баракот берсин, тўғри йўлдан адаштирмасин...

Анвар ТУРСУН

Тошкент шаҳар бош имом хатиби

ТАҲОРАТ ВА ҒУСЛ

Аёллар қаерда таҳорат қиладилар?

Эркалар ҳар тоза жойда таҳорат олаверадилар. Аммо аёллар номаҳрам кўзи тушмайдиган жойда таҳорат оладилар ва бу ишлари билан Ислоннинг тўсилиш ҳақидаги амрини бажарган бўладилар.

Аёл мисвок тутадими?

Мисвок қўллаш муаққад (таъкидланган) суннатдир. Агар мисвок тутишнинг иложи бўлмаса, тиш чўткаси ёки шаҳодат бармоғи билан тишлар тозаланади.

Аллоҳ Расули (с.а.в.) марҳамат қиладилар: «Агар умматимга қийин бўлмасайди, уларга ҳар намоздан аввал мисвок ишлатишни амр этардим» (*Ebu Davud: 1/12*); «Мисвок ўлимдан бошқа ҳар дардга шифодир» (*«Kashful Hafa»: 1/457*).

Баъзи фикҳ китобларида «Аёллар мисвокни доимий ишлатса, тишлари заиф бўлишидан уларга мисвок ишлатиш мустаҳаб бўлади. Сақич унинг ўрнига ўтади» деган сўзлар учрайди (*«Merakil Felah»: 20*).

Аммо ҳадиси шарифларда мисвок фақат эркак учун суннатдир деган ифода йўқ. Аксинча, Ҳазрати Ойиша онамиз (р.а.) шундай дейдилар: «Расулulloҳ (с.а.в.) мисвок тутардилар, сўнг уни ювиш учун менга берардилар. Мен аввал у мисвокни тутиб (яъни, ишлатиб), кейин ювардим ва ўзларига қайтарардим» (*Ebu Davud: 1/13*).

Имом Таҳтавий эса аёлларнинг сақич чайнашга амр этилмаганини, бунда ҳеч қандай савоб йўқлигини қайд қилган (*Tahtavi: 38*). Ҳолбуки, мисвок учун амр бор. Савоби ва кўп томонлама фойдаси борлигини Пайғамбаримиз (с.а.в.) билдирганлар. Дўхтирлар тиш емирилишининг, устида сариқ қатлам пайдо бўлишининг, милк ва оғизда яралар ва яллиғланиш вужудга келишининг олдини олиш, асаблар, кўзлар, нафас олиш ва ҳазм қилиш йўлларидаги турли ҳузурсизликларни ўнглаш учун мисвок қўллашни тавсия этишади. Ҳатто хотира заифлиги, зехн ўтмаслиги каби нуқсонларни ва ёмон ахлоқни тўзатишда, ўнглашда ҳам мисвок улўф тадбирдир. Бунча савобдан, ижтимоий, руҳий ва соғлиқ фойдаларидан маҳрум қолиш тўғри эмас.

Эр-хотин бир-бирини эркалаб суйишса, таҳорат бузилладими?

Либоссиз, яланғоч ҳолда ёки иссиқликни, тан ҳароратини бир-бирига ўтказадиган даражада юпқа, ҳарир либосларда бир-бирини қучса, эр-хотин таҳорати бузилади. Лекин тан ҳароратини тўсадиган қалин либосда бўлсалар ва мазий деган суюқлик келмаса, таҳорат бузилмайди. Агар бу суюқлик, намлик келса, таҳорат бузилади (*Tahtavi: 51*).

Аврат жойларни ушлаш таҳоратни бузадими?

Аёл ёки эркакнинг фақат ўзининг аврат жойини ушлаши таҳоратни бузмайди (*Tahtavi: 51*). Аммо бунда қўлни ювиш мустаҳаб бўлади.

Тирноқ бўялган бўлса, таҳорат дуруст бўладими?

Таҳорат комил бўлиши учун сув таҳоратда ювиладиган аъзоларнинг ҳамма жойига етиши керак. Ювилиши лозим аъзоларда сув етишига тўсиқ бўладиган лаб бўёғи, тирноқ бўёғи, ёғ, сақич каби нарсалар бўлса, таҳорат ҳисоб бўлмайди (*«Fetava-i Hindiyeye»: 1/84*; *«Nimet-i islam»: 45*).

Улама соч устидан масҳ тортиш жоизми?

Пайғамбаримиз (с.а.в.) марҳамат қиладилар: "Ясама соч таққанга ва тақтирганга, баданга чизганга ва чиздирганга Аллоҳнинг лаънати бўлсин!" (*«Tuhfetu'l Ahvezi»: 8/68*).

Улама соч тақиш жоҳилият давридан қолган ёмон одатдир. Ясама соч асл соч бўлмаганидан, унинг устидан масх тортиш бошга масх тортиш ўрнига ўтмайди.

Пайпоқли ҳолда таҳорат оладиларми?

Таҳорат фарзларидан бири оёқ ювишдир. Бирор зарурат туфайли аёл пайпоқли ҳолда оёқларини ювса, таҳорат жоиз бўлади. Ҳанафий мазҳабида оёқнинг тўпикдан пасти аврат ҳисобланмагани учун пайпоқни ечиб оёқни ювиш лозим. Шундай бўлсада, аёлнинг оёғига қасддан қараган киши гуноҳкор бўлади (*«Gunumiz Mesleklerine Fetvalar»*: 2/27).

Кўкрак ва қулоқдан келган қон таҳоратни бузадими?

Бирор хасталик туфайли кўздан оққан сув ёки кўзнинг сувланиши, кўкрак, қулоқ каби аъзолардан қон, йиринг каби суюқликларнинг оқиб чиқиши таҳоратни бузади (*Bilmen, «islam ilmihali»*: 66).

Рўмол устидан масх тортиш жоизми?

Номаҳрамлар аёлнинг сочини кўриш эҳтимоли бўлса ва аёлнинг рўмоли устидан масх тортиганида сув ичига ўтса, унинг устидан масх тортиш жоиз (*"Fetava-i Hindiyye"*: 1/9).

Ётоқ ўрни маний бўлса, ким ғусл қилади?

Эр-хотин ўринларида маний кўриб, ихтилом бўлганларини эслай олмай, бири иккинчисига оид эканини айтса, иккисига ҳам ғусл вожиб бўлади (*Ibn-i Abidin*: 1/154).

Ғусл қилишдан кейин аёлдан маний чиқса, ювиниши керакми?

Ғуслдан сўнг хотиндан келган маний ўзиники бўлмай, эриники бўлса, такрор ғусл қилмайди, таҳорат олса, кифоя. Хотин маний ўзиники эканига қаноат қилса, яъни, маний сарғимтир ва нозик бўлса, ғусл қилади (*Ibn-i Abidin*: 1/154).

Соч бўёғи ва мойи ғуслга моненьми?

Агар бўёқ соч толалари устида қатламни ташкил қилса, ғуслга монездир. Доришуносларнинг фикрича, соч толалари устида соч бўёғи қатлам ҳосил қилади. Шу сабабли соч бўёғининг ғуслга монень бўлиши тасбит ва тасдиқ этилган. Хинадан бошқа барча бўёқлар қатлам ҳосил қилгани сабабли уларни қўллаш жоиз эмас. Соч мойи соч тагига сув етмайдиган даражада қалин сурилса, ғуслга монездир. Агар соч остига сув етса ва кўп ёғли бўлмаса, ғуслга монень эмас.

Яланғоч ювиниш жоизми?

Кимса кўзи тушмас ерда ювиниш учун ёки бошқа бир узрли сабаб билан ечиниши мубоҳдир (*«Sahih-i Muslim" (Davudoglu): 2/1080*). Ювинаётган жой (ҳаммом) майдони беш квадрат зиро (3,5м²) ва ундан каттароқ бўлса, ғусл қилаётганда аврат жойни ёпиш суннатдир (*«Cevhere»*: 1/14). Зиро узунлик ўлчови бўлиб, 0,7 м.га тенг ва у икки хил бўлади — шаръий ва урфий. Шаръий зиро - тирсақдан ўрта бармоқнинг учига қадар бўлган узунлик. Урфий узунлик — елкадан бармоқ учига қадар бўлган узунлик. Ҳар икки ўлчов ҳам ўз ўрнида мўътабардир.

Жунуб ҳолда ейиш ва ухлаш жоизми?

Жунуб бўлган одам бир нарса ейишни истаса, аввал қўлларини, сўнг оғзини ювади, ундан кейин овқатланса, бўлади (*«Sahih-i Muslim" (Davudoglu): 2/1006*).

Жунуб ҳолда ухлашни истаган одам, агар намоз вақтини ўтказиб юбормай уйғонишига амин бўлса, ухлаши жоиз.

Расулulloҳ (с.а.в.) марҳамат қиладилар: «Шубҳасиз, ичида ит, сурат ва жунуб бўлган уйга

фаришталар кирмайди» («*Sahih-i Muslim* " (*Davudoglu*): 2/1000).

Бу ҳадисда жунуб ҳолда юришни одат қилган, бир неча вақт намозни ўтказиб юборганлар назарда тутилган. Демак, жунуб бўлгач, қанча тез ғул қилса, шунча яхши («*Sahih-i Muslim*» (*Davudoglu*): 2/1000).

Жунуб бўлган одамнинг ухлашдан олдин таҳорат олмоғи машруъдир. Баъзилар мустаҳаб дейишган («*Sahih-i Muslim*» (*Davudoglu*): 2/1005).

Жунуб бўлган аёл боласини қандай эмизати?

Эмизикли аёлнинг боласи йиғласа, ғулга ғурсати бўлмаса, кўкрагини ювиб, боласини эмизиши мумкин.

Жунуб ҳолида тукларни ва тирноқни олиш

Жунуб ҳолда киндик ости тукларини тозалаш ва тирноқ олиши макруҳдир («*Fetava-i Hindiyye*»: 5/357). Бу ишларни ғул қилганидан сўнг бажариши лозим («*Fetava-i Hindiyye*»: 3/358). Ой кўрган ва лоҳуса аёллар ҳукми ҳам айни шундай.

Имом Ғаззолий «Иҳёу улумиддин» китобида шундай дейди: «Жунуб бўлган (киши) тирноқ олиши, тукларни қириши, киндик ости ва қўлтиқ остини тозалаши, қон олдириши ёки вужудидан ҳар қанақанги парчани, бўлакни узиши, қўпориши дуруст эмас. Чунки барча аъзолар, бутун вужуд қиёматда тирилганида, ювилмай қолган ёки жунуб бўлганда ювилмай қирилган ҳар тук жунуб ҳолида бўлади» («*Mugnil-Muhtace*»: 1/75).

Спирал ғулга монёми?

Ғулда ювилиши фарз бўлган жойлар баданнинг ташқарисидир. Бачадон баданнинг ташқарисида бўлмагани учун ювиш мажбурияти йўқ. Спирал бачадоннинг ичида бўлганидан ғулга монёлик қилмайди.

Жин билан алоқада бўлганга ғул керакми?

Жинлар менга яқинлашди, алоқада бўлди ва одатдаги жинсий алоқада сезадиган завқни ҳис этдим, деган сўзларнинг ўзи ғулни шарт қилмайди. Аммо хотин киши бундай алоқадан маний кўрса, иҳтилом бўлгани учун ғул қилиши керак («*Fetava-i Hindiyye*»: 1/15).

Аёл соч ўрминий ёйишга мажбурми?

Аёл ўрилган сочларини ғулда ёйишга мажбур эмас («*Dureru'l -Hukkam*»: 1/17). Ўрилган соч тубига сув тегиши етарлидир. Бундан мақсад енгилликдир. Аммо сочлар ўрилмаган бўлса, ҳамма жойини ювиш фарздир. Агар ўримлар бир модда билан бир-бирига ёпишиб, соч тубига сув етиш имкони бўлмаса, соч ёйилиши керак. Умму Салама (р.а.) онамиз: «Ё Расулulloх, мен сочларини ўриб, боғлаган бир хотинман. Жунуб ва ҳайздан ғул қилаётганимда соч ўрминини ечайми?» деб сўраганида, Расулulloх (с.а.в.) марҳамат қилдилар: «Қўш ховучлаб бошингдан уч бора сув қуйсанг, етарлидир» («*Subulu 's Selam*»: 1/91).

Агар эркакнинг узун ва ўрилган сочи бўлса, уларни ёйиб, ечиб ювиши шартдир («*Dureru'l-Hukkam*»: 1/17).

Хотин киши жинсий алоқадан сўнг ҳайз кўрса, ғул лозимми?

Агар хотин киши иҳтиломдан ёки эри билан алоқадан сўнг ҳайз кўрса, ғул ихтиёрий — хоҳласа, ғул қилади, хоҳласа, ҳайздан сўнгга қолдиради. Чунки ғул намоз ўқиш учундир. Намоз эса, ҳайз ҳолига кирган аёл учун қон тўхтамасидан аввал мумкин эмас. Шунга қарамасдан, намоз ўқимайдиган ҳайз муддатида бўлсада, ювинган яхшидир («*el-Mebсут*»: 1/170). Чунки вужудни тоза сув билан ювиш қон айланишини яхшилайдди. Ҳайз муддати тутаган хотин ғул қилмай эри билан алоқа қилган бўлса, яқинликдан сўнг бир ғул етарлидир (*Ibn-i*

Abidin: 1/155).

Ғуслда жинсий аъзони ювиш керакми?

Ҳайз, нифос ва алоқадан сўнг ғул қилаётганида хотин киши жинсий аъзосининг ташқарисини ювмоғи вожибдир. Ичини эмас. Қўз ташқариси, қулоқ ва бурун тешикларини ҳам ювиш вожибдир. Хотин киши ғул қилаётганида жинсий аъзосининг ташқарисини ювади, лекин ичига бармоқ сукмайди (*«Dureru'l-Hukkam»: 1/18*).

Тирноқ бўёғига ўхшаш нарсалар ғулга монёми?

Ғул дуруст бўлиши учун сув терига ва тирноққа тегиши керак. Хотин киши ғул қилаётганида тирноғининг остида, устида ёки вужудининг бошқа бир ерида сув тегишига монёлик кдладиган хамир, балиқ тангачаси (лаб ва тирноқ бўёғи) каби нарсалар бўлса, уларни кетказиши вожибдир. Кетказмаса, ғули ўрнига ўтмайди (*«Cevhere»: 1/12*). Тирноқ бўёғи ғул ё таҳоратдан сўнг сурилган бўлса ҳам кейинги ғул ва таҳорат дуруст бўлмайди. Бинобарин, тирноққа бўёқ суртилган бўлса, қеч бир ибодат дуруст бўлмайди.

Ғул қилаётганда «бисмиллоҳ» айтиладими?

Ғул бошлашда «бисмиллоҳ»ни айтиш суннатдир. Чунки Расулulloҳ (с.а.в.): «Машруъ бўлган ҳар бир иш «бисмиллоҳ» билан бошланмас экан, у ишнинг охири кесикдир (яъни, йўқдир)», деб марҳамат қилдилар (*«Merakil Felah "»: 31; «Cevhere»: 2/12*). Ғул машруъ ва фарз ибодатлардан бўлгани учун «бисмиллоҳ» билан бошланади.

ХОС ҲОЛАТЛАР

Аёл фаржидан уч хил қон чиқади:

1. Ҳайз қони. 2. Нифос қони. 3. Истиҳоза қони.

Ҳайз

«Ҳайз» луғатда «оқмоқ», «сизмоқ» демақдир. Динда «балоғат ёшига кирган ва бола туғиш ёшидан ошмаган қиз ва аёл бачадонидан маълум кунларда келадиган қондир. Бунинг тилимизда «ой кўриш», «ойбоши», "одат" ҳам дейилади. Аёлларнинг ҳайз ҳолатлари диний аҳкомлари билан алоқадор бўлганидан жуда диққат қилинадиган масалалардандир.

Илк ҳайз кўрган аёл ким?

Илк ҳайз кўрган аёл онамиз Ҳазрати Ҳавводир. Бу ҳолат ўша кундан бошлаб барча аёлларда содир бўлади. Баъзилар, илк дафъа ҳайз бани Исроилда кўрилган, дейишади, аммо бу хусусда Жаноби Пайғамбаримизнинг (с.а.в.) муборак сўзлари борлиги учун Имоми Бухорий бу кейинги фикрни рад этган. Ҳазрати Ойиша онамиз (р.а.) айтадилар: «Ҳаж ниятида Мадинадан чиқдик. Сарифа деган жойга борганимизда ҳайз кўрдим. Мен, ҳаж фарзларини ўрнига қўйиб адо этолмайдиган бўлиб қолдим, дея йиғлардим. Расулulloҳ (с.а.в.) ёнимга келдилар ва: «Нима гап? Бетаҳорат бўлиб қолдингми?» деб сўрадилар. «Ҳа», дедим. Марҳамат қилдиларки: «Ҳайз Аллоҳнинг Одам қизларига тақдир этганидир. Ҳожилар адо этган фарзларни сен ҳам адо эт, фақат Каъбани ҳайз тугагунча тавоф қилма» (*«Tecridi Sarih»:* 1/118).

Ҳазрати Ҳавво жаннатдан чиққач ҳайз кўра бошлади, жаннатда ҳайз кўрмас эди. (*«Feyzul Bari»:* 1/370). Нега? Сабаби жаннатда туғмасди. Жаннатда ҳомила орттириш, бола кўриш йўқ эди.

Ҳайз аёлларга жазоми?

Баъзи китобларда шундай нотўғри фикр учрайди: «Ҳавво онамиз Ҳазрати Одамга қўшилди, унга жаннат мевасидан едирди. Бу ҳодиса иккисининг ҳам жаннатдан чиқишига сабаб бўлди. Бунинг учун Жаноби Ҳақ ҳайз ва ҳомиладорликни Ҳазрати Ҳаввога жазо қилиб берди».

Ислом дини келгач, яҳудийлар ва насороларнинг аёллар шаънига ёпиштирган бундай лаънат тамғасини бартараф этди. Одамнинг (алайҳиссалом) жаннатдан чиқишига сабаб бўлган айбни фақат хотинга юкламади. Ҳар иккисини ҳам масъул тутди. Исломда аёл ёмонликларнинг ва шайтон ифволарининг манбаи саналмайди. Ислом ақидасида, Ҳазрати Одамни хотини йўлдан урди, деб инонлмади. Ислом бу ботил эътиқод ва тушунчаларни тамоман рад этган. Жаноби Ҳақ марҳамат қилади:

«Бас, уларни шайтон йўлдан оздириб. масканларидан чиқарди» (*Бақара, 36*).

Қуръони карим Одам ва Ҳавво тўғрисида шундай маълумот беради:

«Сўнг шайтон уларни беркитилган авратларини очиб юбориш учун васвасага солди» (*Аъроф, 20*).

Қуръони карим уларнинг тавбалари ҳақида шундай дейди: **«Улар: «Парвардигоро, бизлар ўз жонимизга жабр-зулм қилдик. Агар бизларни мағфират қилмасанг ва бизларга раҳм қилмасанг, шубҳасиз, зиён кўргувчилардан бўлиб қолурмиз», дедилар...»** (*Аъроф, 23*).

Ҳатто Қуръон баъзи оятларида масъулиятни Ҳазрати Одамга юклайди: **«Сўнг шайтон унга васваса қилиб: «Эй Одам, мен сенга абадийат дарахтини ва йўқ бўлмас мулку давлатни кўрсатайми?» деди... Одам Парвардигорига осий бўлиб, йўлдан озди.»** (*Тоҳа, 120-121*).

Таъқиқланган дарахт мевасидан тотганлик айбини Ҳавво онамизга юклаган, аёлларни хор

ва ҳақир деб ҳисоблайдиган яҳудийлик, насоролик ва буддавийликка оид бунақа жоҳилий қарашларга Қуръони карим нуқга қўйган.

Ҳадиси шарифда ҳам: «Ҳайз Аллоҳнинг Одам қизларига тақдир этганидир», дейилган («*Tecridi Sarih*»: 1/118). Аллоҳнинг тақдири жазо эмас.

Ҳайз ҳақида тиб илми нима дейди?

Қизлар балоғат ёшига киргач, кўнгилларида, вужудларида ҳиссий ўзгариш билан бирга, жисмоний ўзгаришлар ҳам рўй беради (тукланиш, кўкраклар катталашиши, ҳайз кўришнинг бошланиши каби). Жисмоний ўзгаришлардан бири «ой кўриш»дир. Илмий тилда қисқача қилиб айтилса: ҳайз қони гормонал ҳаракат таъсири билан тухумлар ва бачадоннинг ҳомладорликка ойда бир тайёрланиши ва ҳомила бўлмагани учун, ҳозирлик маҳсулининг ташқари отилиши, чиқишидир. Балоғатга етган қизларда, хотинларда бу ҳол ҳомила бўлгунга қадар ойда бир рўй бериб туради. Ҳайз муддатининг меъёрдагиси ҳар йигирма беш билан ўттиз беш кун оралиғида бир марта, ками уч кун давом этади. Бир кунда уч-тўрт бор қон келиши меъёрдагиси ҳисобланади. Етти кундан зиёд - ҳар куни олти мартадан кўп қон келса, мутахассис аёлга мурожаат қилиш фойдалидир («*Saglik Elkitab*»: 11).

Ҳайз қачон ҳисоб бўлади?

Қон бачадондан жинсий аъзо ташқарисига чиқса, ҳайз бўлади. Жинсий аъзо ичида қолса, ҳайз эмас (*Ibn-i Abidin*: 1/263).

Ҳайз ёши

Аёллар қамарий сана (354 кундир) ҳисоби билан балоғат ёшидан, яъни, тўққиз ёшидан то туғишдан қолиш ёшигача (эллик беш) ҳайз кўрадилар. Шундан аввал ёки кейин келган қон хасталик бўлади. Ёш қиз ҳайз кўрмагунча болиға саналмайди, яъни, балоғатга етмаган бўлади. Балоғатга етгачина унга Исломнинг барча амрлари фарз бўлади. Ўғил бола ихтилом бўлмагунча болиғ саналмайди, балоғатга етмайди. Агар «ой кўриш» ва ихтилом ўз вақтида пайдо бўлмаса, балоғат ёши ўн бешдан ҳисоб қилинади. Қарилик ёши тўғрисида оят ва ҳадис бўлмаганидан турли қарашлар бор. Энг саҳиҳ (тўғри) қарашга кўра, эллик беш ёшдир. ("*Merakil Felah*": 42). Аёллар балоғат чоғининг бошланиши тўққиз, охири эллик беш ёшдир. Бунга кўра, тўққиз ёшдан аввал, эллик бешдан кейин келган қон ҳайз қони эмасдир. Баъзан эллик бешдан сўнг ҳам учрайди. Бу мавзуга яна қайтамыз. Вояга етган аёлга «болиға», одати (ҳайзи) тўхтаганига «ойиса» дейилади (*Tahtavi*: 75).

Ҳайз қонининг ранглари

Одат (ҳайз) ҳолидаги аёллар қони олти хил рангда бўлади: қора, сариқ, тупроқ ранг, сиёҳ ранг, яшил, кирчил ранг. Ҳайз муддати ичида келган, бу хил қонларнинг бари ҳайз қонидир. Ҳайз муддати ичида қоннинг узлуксиз келиши шарт эмас. Бу муддат ичида гоҳ-гоҳ оқса ҳам, давомли ҳукмидадир. Тамоман оқаргунча оққан ҳар қон ҳайз қонидир. Масалан, беш кун қон кўрса, сўнг икки кун тўхтаб ўн кунга қадар келган қон ҳайз қонидир, ўн кундан ошса, истиҳоза дейилади.

Қора ва сиёҳранг қон, билиттифоқ, ҳайз қонидир. Ҳазрати Фотима қон кўрардилар. Расулulloҳ (с.а.в.) буюрдилар: «Агар ҳайз қони бўлса, маълум ва сиёҳ рангда бўлади, бунда намоз ўқима, бошқа турли рангда бўлса, таҳорат қил ва намоз ўқи, чунки у хасталанган томирдан келади» (*Ebu Davud; Nesai*).

Ҳайз қонининг рангини бузилган овқатлар ўзгартиради. Яшил ранг қон ёши улғайиб қолган хотинларда келади ("*Neylul-Evtar*": 1/406). Одат кунлари кўрилган бу қонлар ҳайз қонлари эканига далил суннатда мавжуддир. ("*Fethul-Kadir*": 1/12).

Бу мавзуда Ҳазрати Ойишадан ривоят қилинган ҳадис кейинроқ келади...

Ҳайз қонини билдирувчи хусусиятлар

Ҳайз қони ҳид ва суюқлик жиҳатидан тўрт хил бўлади:

1. Қаттиқ, бадбўй қон.
2. Фақат бадбўй, қаттиқ бўлмаган қон.
3. Фақат қаттиқ, жуда бадбўй бўлмаган қон.
4. Ҳам қотмаган, ҳам жуда бадбўй бўлмаган ва кирлан-маган қон ("*Fethul-Kadir*": 1/12).

Ҳайз тугашини аниқлаш

Ҳайз тугаши ранглари ўзгарган қонларнинг тўхташи билан аниқланади. Тиниқ оқлик кўрилган он ҳайз тугайди. Бу дегани ҳайз тугаш асносида бурун сувига ўхшаш бир хил сувнинг келиши ва ёки аёл ўз ҳолатини аниқлаш учун фаржигга қўйган бўз ёки пахтанинг оқ ҳолича қолиши демакдир. Аёллар ҳазрати Ойиша онамизга ҳайз қонидан сариқликка буланган пахталик бўзни кўриб берсин деб юбо-ришарди, Ҳазрати Ойиша, бўз оҳақдай оқармагунча шошилманг, деб жавоб берарди. «Оқаришдан мақсад — ўша бўз кирланмасдан, хира бўлмасдан ёки сарғаймасдан оппоқ қолишидир» (*Ibn-i Abidin*: 1/27). Пахта ҳар қандай ранг билан булғанмасдан оппоқ чиқиши ҳайз муддати тугага-нини биддиради ва шу ондан эътиборан ғул қилиб, намоз ўқиши, рўза тутиши ёки бошқа ибодатлар қилиши мумкин ва шарт бўлади.

Рангни аниқлашда илк вақт аҳамиятлидир

Бўз олинган илк вақтда ундаги қон ранги мўътабар бўлади. Ўша пайтда қон қайси рангда бўлса, унга қаралади. Масалан, ундаги нам тиниқ оқ бўлса-ю, бир муддат ўтиб, намлик сарғайса, оқ деб эътибор қилинади. Агар аввал сариқ бўлиб, кейин оқарса, сариқ ҳисобланади (*Ibn-i Abidin*: 1/226).

Ҳайз муддати

Ҳайзнинг энг кам муддати уч кун-уч кеча, яъни, етмиш икки соатдир. Энг кўпи ўн кун-ўн кеча, яъни, 240 соатдир.

Уч кундан оз, ўн кундан кўп келган қон ҳайз қони ҳисобланмайди, хасталик оқибатидир ("*Bidayetul-Muctehit*": 1/114; *Ibn-i Abidin*: 2/226).

Далил: «Ҳайзнинг бокира қиз ҳамда хотин учун энг оз муддати уч кун, энг кўпи эса ўн кундир», деган ҳадиси шарифдир ("*Nasbur-Raye*": 1/191).

Ҳайз ва поклик муддатининг узун ёки қисқалиги тан тузилишига, тан сиҳатлигига, шароитга, еган-ичган таомларнинг танага таъсирига боғлиқ ("*Hucsetullahi'l-Baliga* ": 1/172).

Икки ҳайз орасидаги поклик муддати

Икки ҳайз орасидаги поклик муддатининг энг ками ўн беш кеча-кундуз, энг кўпининг чегараси йўқ. Баъзи аёллар умрининг сўнгига қадар ҳайз кўрмайди. Бундай давомли поклик ҳолатида бўлган аёлга «мумтаддатут-туҳр — поклиги узайган» дейилади. Баъзи хотинларнинг одат кунлари, яъни, ҳайз муддати маълумдир. Масалан, ҳар ойда беш ё етти ё тўққиз кун ҳайз кўради.

Икки қон орасидаги поклик ҳолати ўн беш кундан оз бўлса, хасталикни билдиради. Қон тўхтаганидан сўнг поклик вақти ўн беш кун ё ундан зиёд давом этса, поклик муддати сифатида қабул қилинади. Икки одат (ҳайз) орасидаги покликнинг ози кўпининг чегараси йўқ. Давомли қон кўрган аёл, ҳар ойнинг ўн кунини ҳайзга ҳисоб қилади, қолган кунлар поклик муддати сифатида қабул қилинади (*Ibn-i Abidin*: 1/229).

Одат бир ҳайз билан белгиланади. Яъни, эндигина одат (ой) кўра бошлаган қиз илк бор етти кун ҳайз кўриб, йигирма икки кун пок бўлса, одат муддати етти кун деб белгиланади

("Fethul-Kadir": "El-Bedai": 1/39).

Ҳайз муддати ичида қон келмаган кунлар

Ҳайз бошланишида келган қон бир муддат тўхтаб, яна келади. Қон тўхтаган кунлар ҳайз муддатига кирадими, кирмайдими? Киради. Бир кун қон кўриб, иккинчи кун пахта кирланадиган даражада қон кўрмаса, кейинги кун яна қон кўрса ва шундай давом этса, бу кунларнинг барчаси ҳайз кунлари деб қабул қилинади ("Fethul-Kadir": 1/112).

Қон кўрилган иккила кун орасида бўлган поклик ҳайз ҳисобланиши шарт (*Ibn-i Abidin*: 1/228).

Муайян кунларда ҳайз кўрадиган хотинлар

Баъзи аёллар маълум кунларда «ой кўришга» одатланган. Масалан, ҳар ой беш ё етти ё тўққиз кун «ой кўради». Бу кунлар уларнинг одат кунларидир. Бундай аёлга "мутода" — одати аниқ дейилади. Одати маълум қиз илк бор саккиз кун «ой кўриб», йигирма икки кун пок бўлса, ҳайз муддати саккиз кун дейилади. Ундан кейин бирор хасталик сабабли давомли қон келса, унинг ҳайз кунлари ва поклик кунлари мазкур ҳолда ҳисоб қилинади (*Bilmen*, "islam ilmihali": 69).

Одат кунлари ҳар хил аёллар

Баъзи аёлларнинг одат кунлари аниқ эмас, алмашиб туради. Масалан, бир ой беш, бошқа ой олти кун ой кўради. Бу вазиятда тадбирли бўлиш керак. Бундай аёл олтинчи кун бўлди дегунча чўмилади (ғусл қилади), намоз ўқийди, Рамазони шарифга тўғри келса, рўзасини тутади, чунки олтинчи кунги қон истиҳоза қони бўлиш эҳтимоли бор. Аммо олтинчи кун чиқмагунча жинсий муносабатда бўлмайди. Ажрашган бўлса, иддаси тугаган ҳисобланмайди. Чунки бу олтинчи кун аёлнинг ҳайз қони бўлиши эҳтимоли бор (*Bilmen*, "islam ilmihali": 69).

Одат кунлари қандай ўзгаради?

Аёлларнинг белгили одат кунлари баъзан ўзгаради. Одат узгарган бўлиши учун ўша пайтгача кўрилган одатига зид икки марта ой кўриши керак. Масалан, ҳар ой беш кун одат кўрган аёл кейин икки марта тўрт кун ё икки марта олти кун қон кўрса, унинг одати беш кундан тўрт кунга ё олти кунга ўзгарган бўлади.

Хуллас, одат белгиланиши бир дафъа билан бўлса, унинг ўзгаргани икки дафъа билан билинади. Имом Абу Юсуфга кўра, одат бир дафъада ҳам ўзгариши мумкин. Бу ҳол янги одатнинг эскисини бузиб унинг ўрнини олиши маъносидаги «Фасҳи одат» ибораси билан аталади ("Menhelul-Varidin ": 88).

Одат ўзгариши икки шаклда бўлади:

1. Вақтда ўзгариш

Қон эски одат вақтини ўзгартириб, табиий муддатда келишидир. Масалан, бир аёл аввалги ойларда беш кун қон кўрарди, бу ойда ўша беш кун вақти келганига қарамай, ҳеч нарса кўрмайди, ҳатто бу ойнинг қолган кунларида ҳам қон кўрмайди ёки ойнинг қолган кунларида беш кун қон кўради — мана шу ҳол одат муддати ўзгариб, бошқа пайтга кўчганини билдиради.

2. Ҳисобда ўзгариш

Аёлнинг аввалги ҳайз ва пок кунларига қараганда кам ё кўп вақт қон кўришидир. Масалан, бир аёлнинг аввалги одати беш кун ҳайз, йигирма беш кун поклик бўлгани ҳолда энди етти кун ҳайз, йигирма уч кун поклик бўлса, одат ўзгарганидир (*C. Ogut*. "Kadin ilmihali": 142).

Одат маълум кунлардан ошса, аммо ўн кундан ортиқ давом этмаса ҳам одат қони бўлади. Бу ҳолатда одат ўзгарган бўлади. Масалан, ҳар ой етти кун қон кўриб келган аёл кейин ўн кун қон кўрса, ҳаммаси ҳайз қони ҳисобланади, фақат одати етти кундан ўн кунга ўтган бўлади. Аммо маълум кунлардан кейин келган қон, маълум кунларга қўшилганида ўн кундан ошиқ

бўлса, етти кундан кейин келган қонлар ҳайз қони саналмайди, истиҳоза (хасталик) қони ҳисобланади. Шу тарзда етти кун қон кўрган хотин сўнгра ўн бир ё ўн икки кун қон кўра бошласа, булардан одат ҳисобланган етти кунлиги ҳайз қони бўлади. Кейинги тўрт ё беш куни хасталик қони бўлади ("*Fethul-Kadir*": 1/12; "*Nasbur-Raye*": 1/191).

Ҳар ой бошидан бошлаб беш кун одат кўрган аёл, бу одатидан кейин яна қон кўрганидек, бундан икки кун ё уч кун ё беш кун аввал ҳам қон кўрган бўлса, уларнинг бари одат саналади, чунки одат муддати жами ўн кундан ошмагандир. Лекин қон кўриш кунларининг жами ўн кундан ошса, одати бўлган аввалги беш кунгина ҳайз қони ҳисобланади, одат бўлган кунларидан ортиқ келган ҳамма қонлар истиҳоза бўлади.

Одат кўраётган аёлдан хасталик сабабли давомли қон келадиган бўлса, унинг кейинги ҳайз ва поклик ҳоллари аввалги маълум кунларига кўра ҳукм қилинади. Масалан, ҳар ой бошидан эътиборан ўн кун қон кўриб йигирма кун ва ё олти ойдан камроқ вақт пок юрган аёлдан давомли қон кела бошласа, унинг эски ҳолидай ҳар ойнинг илк ўн куни ҳайз, қолган йигирма куни ё олти ойдан камроқ куни поклик саналади ("*Nasbur-Raye*": 1/192; *Bilmen*: 70).

Қизнинг балоғат белгилари

1. «Ой кўриш»: Тўққиз ёшли қиз боланинг илк бор қонга ўхшаб келган оқиндини кўриши.

Қизларнинг балоғатга етгани баъзан ёш билан, баъзан белги билан билинади. Қизларда балоғатнинг энг ками тўққиз ёш, энг кўпи ўн икки ёшдир. Ўғил болаларда эса, энг ками ўн икки ёш, энг кўпи ўн беш ёш. Шу икки муддат оралиғида балоғат белгиси пайдо бўлса, балоғат ёши ўша чоғдан бошланган бўлади. Бу муддатлардан аввал пайдо бўлган бекгилар балоғат белгиси ҳисобланмайди. Аммо аввал белги кўрилмаса ҳам, ёшига етганидан кейин қиз ва ўғил бола балоғатга етган деб ҳукм қилинади, бурчли бўлади.

Масалан, уч кун билан ўн кун орасида давом этган қон тўхтаганидан сўнг энг кам ўн беш кун пок юриб, шу ҳол кейинги ойларда ўзи учун бир одат тусини олса, у қиз балоғатга етибди.

2. Бўйида бўлиш: Балоғатга етмасидан турмушга чиққан қиз бўйида бўлса, яъни, ҳомила кўрса, аввал ҳайз кўрмаган бўлса ҳам, балоғат ёшига кирган саналади ("*Nasbur-Raye*": 1/192; *Bilmen*: 70).

Тиб илмига кўра илк ҳайз

Ўлкамизда илк ҳайз кўриш ўртача ўн икки ёшга тўғри келади. Шимолроқда каттароқ ёшда одат кўришади, ўн беш ёшгача кечикиш ҳоллари ҳам учрайди. Илк ҳайз кўриш энг кеч ўн етти ёшгачадир. Ундан кейин ҳам ой кўрмаса, табибга (дўхтирга) мурожаат қилиш керак. Одат қонининг тугаши вақти эллик ёш атрофидадир ("*Saglik Elkitab*": 11).

Қизнинг ҳайз муддатини аниқлаш

Илк марта одат кўрган қиз бола беш кун қон кўрса, ўн беш кун пок бўлиб, кейин яна қон келса, унинг одати беш кун бўлади, қолган пок кунлари намоз ўқийди.

Илк бор ҳайз кўрган қиз ўн кун қон кўрса, ўн беш кун пок бўлиб, яна қон кела бошласа, унинг одати ўн кун ҳисобланади. Намозни шунга кўра ўқийди.

Илк бор ой кўрган қиз ўн тўрт кун қон кўрса, ўн тўрт кун пок бўлса, кейин яна давомли қон кела бошласа, унинг одати илк қон кўрган кундан эътиборан ўн кун. Бошқа ойлардаги поклик кунлари ҳам йигирма кундир ўн беш кун қон келса, сўнг ўн тўрт кун пок бўлса ҳам, ҳукм шундай.

Қиз илк бор ўн тўрт кун қон кўрса ва ўн тўрт кун пок бўлса, кейин яна қон кела бошласа, унинг одати ўн кун, ойнинг қолган кунлари поклик муддатидир. Намозини шунга кўра ўқиб, рўзасини ҳам шунга кўра тутуди.

Қиз илк бор уч кун қон кўриб, ўн беш кун пок турса, сўнг яна бир кун қон келса, икки кун пок турса ва такрор қон кела бошласа, унинг одати уч куни ҳайз деб қабул қилинади. Қолган

йигирма етги куни поклик кунидир. ("*Fethul-Kadir*": 1/12; "*Nasbur-Raye*": 1/92; *Ibn-i Abidin*: 1/263).

Илк ой кўрган қиз тўрт кун қон кўрса, ўн беш кун пок турса, сўнг бир кун қон келиб, икки кун пок бўлгандан сўнг яна қон кела бошласа, одати тўрт кун бўлади.

Илк бор ой кўрган қиздан ўн кун қон келса, кейин ўн беш кун пок турса, сўнгра бир кун қон келиб, уч кун келмаса, сўнг яна давомли қон кела бошласа, унинг одати ўн кун; одатини шунга кўра ҳисоблаб, шунга кўра намозларини ўқийди.

Илк марта ой кўрган қиз уч кун қон кўриб, ўн беш кун пок турса, сўнг тўрт кун қон кўриб, ўн олти кун пок турса, сўнг яна қон кела бошласа, унинг одат кунлари беш кундир.

Илк одат кўраётган қиз уч кун қон кўрса, ўн беш кун пок турса, яна уч кун қон кўриб, ўн беш кун пок турганидан сўнг такрор қон кела бошласа, унинг одати уч кун. Иккинчи қон келганидан сўнг уч кун намозини тарк этиб, ўн беш кун ўқийди.

Илк уч одат кўраётган қиз ўн беш кун поклик, сўнг тўрт кун қон, ўн олти кун поклик, кейинги ой беш кун қон, ўн етти кун поклик кўрса, булардан кейин қон кела бошласа, ўртачаси ҳайз кунлари ҳисобланади, яъни, тўрт кун одат, ўн олти кун поклик муддатидир.

Илк одат кўраётган бир қиз, уч кун қон, ўн беш кун пок, кейинги ой яна уч кун қон, ўн беш кун пок, кейинги ой тўрт кун қон, ўн олти кун пок турганидан сўнг яна қон давом этса, унинг одати уч кун ҳисоб қилинади (*Tahtavi*: 393; "*Nasbur-Raye*": 1/193; "*El-Bedai*": 1/39).

Қизнинг илк кўрган қони давомли оқса, нима бўлади?

Янги ҳайз кўра бошлаган қизнинг одати қарорлашмасдан, қони давомли оқса, ҳар ойдан ўн куни одат ҳисоб қилинади, йигирма кун поклик муддати саналади (*Bilmen*: 70)

Илк бор ҳайз кўрган қиз нима қилади?

Балоғат ёшига кирган қиз илк бор кўра бошлаган қон сабабли дарҳол намозини тарк этади, рўзадор бўлса, рўза-сини қазога қолдиради. Турмуш қурган бўлса, жинсий муносабат қилмайди. Бу қон уч кун ичида, яъни, уч кунга етмай тўхтаса, ҳайз қони эмас. У вақтда қолдирган намозларини қазо қилиб ўқийди. Имоми Аъзамдан нақд этилишига кўра, илк бошланган бу қон уч кун давом этиб ҳам то ҳайз қони экани аниқланмагунча намозини тарк этмайди ва рўзасини давом қилдиради (*Tahtavi*: 394; "*Nasbur-Raye*": 1/192; "*El-Bedai*": 1/70).

Илк одат кўрган қиз қонни қуёшнинг ярми чиққанида кўриб, тўртинчи кун қуёшнинг тўртдан бири чиққанида тўхтаса, бу қон истиҳоза қонидир. Қуёшнинг ярми чиқмагунча ҳайз саналмайди, ярми чиққан вақтда ҳайз ҳисобланади. Масалан, одати беш кун бўлган аёл қонни қуёшнинг ярми чиққанида кўриб, ўн биринчи кун қуёшнинг учдан иккиси чиққанида тўхтаса, беш кундан кўпи истиҳоза қонидир (*Ibn-i Abidin*: 1/270).

Одатини унутган аёл нима қилади?

Бир сабаб туфайли одатини унутган аёлга «мутахоййира» дейилади. Бундай аёл қони тўхтаётган бўлса, ўзининг одати ҳақида қувватли бўлган қараш билан амал қилади. Қувватли қарашга эга бўлмаса, эҳтиётли йўлни ушлайди. Ажрашган бўлса, иддати учун ўн кун, поклик муддати эса, олти ойдан бир соат кам қилиб тайин этилади. Бошқа қарашга кўра, поклик муддати икки ой қилиб қабул этилади ("*el-Mebsut*": 1/152; *Bilmen*: 70).

Одатдан қолиш вақти (Менопоз - ёш қайтиши)

Тибдан бир оз фарқли ўлароқ, халқ менопазни «одатдан қолиш» ва «одат тўхтаган пайт» деб билади. Бу палла аёллар ҳаётида муҳим бир ўзгариш нуқтаси ҳисобланади. Бу ўзгариш сабабли ҳар хил шикоятлар чиқиши, баъзи мушкулликлар пайдо бўлиши мумкин.

Одатдан қолиш палласи қирқ беш ёшларда бошланиб, беш-ўн йилга қадар чўзилиши мумкин. Тиб олимлари бу паллани "жинсий етуклик чоғидан қариликка бурилиш нуқтаси" деб

аташади. Сабаби — бу даврда аёллик гармонлари сусая бошлайди. Бу гормонал сусайиш менопоз бури-лишидаги бирталай шикоят ва рохатсизликнинг асосини ташкил этади. Табиийки, бу белгилар пайдо бўлишини кутиш ва муҳофаза қилиш аёлни бу белгиларни ҳис этишга йўналтирган бир омилдир. Менопоз шикоятларининг бир талайи жинсий гормонларини мувофиқлаштириш билан кетказилиши мумкин; баъзан тинчлантирувчи омилларни қўллаш керак.

Ёши қайтган хотиннинг бола туғиш қобилияти йўқолса ҳам, жинсий истаги ва фаоллиги камаймаслиги, ҳатто баъзан ортиши мумкин. Менопоздаги хотин она бўлолмайди, аммо бу ҳолат аёллигини ҳис этишдан маҳрум эта олмайди. Яъни, энди она бўлолмаслиги аёллик ҳисларини йўқотишга олиб келмайди (*"Saglik Elkitabı": 20*).

Ҳанафийларга кўра: Аёллар кам деганда тўққиз ёшида балоғатга етиб, ой кўра бошлайди. Эллик ё эллик беш ёшларида одат кўриш тўхташ даврига киради. Бу ёш «умидсиз ёши» ҳам дейилади. Бу ёшдан аввал одатдан қолган аёллар ҳам бор (*"Nasbur-Raye": 1/191*).

Эшик беш ёшдан сўнг аёлда одат бўладими?

Ҳанафий мазҳабига кўра, аёл эллик беш ёшидан сўнг қон кўрса, одат эмас. Лекин бу ёшдан сўнг келган қон қуюқ қораранг ёки қуюқ қирмизи тусда бўлса, ҳайз қонидир. Агар қон очиқ рангда бўлса, узр қонидир (*"Menhelul Varidin ": 70*).

Одат саналмаган қонлар

1. Балоғатга етмаган қиз болалар кўрган қон.
2. Одат ҳолининг энг оз муддати ҳисобланган уч кундан кам келган қон.
3. Одат ҳолининг энг кўп муддати ҳисобланган ўн кундан сўнг келган қон.
4. Ҳомиладорлик пайтида келган қон.
5. Одатдан тўхтаган ёшдаги хотинлардан келган қон (*"Menhelul-Varidin": 74*).

ҲАЙЗ ҲАҚИДА БАЪЗИ МУҲИМ МАСАЛАЛАР

Рамазонда қуёш чиққач одат кўрган аёл ҳолати

Рўзани ният қилиб, қуёш чиққач одат кўрган аёлнинг рўзаси бузилади. Аёл бу ҳолда овқатланади. Бундай аёлга рўза ҳаром бўлгани каби, еб-ичмай рўзадорга ўхшаб юри-ши ҳам ҳаром (*Tahtavi: 369*). Бу ҳолда аёлларнинг яширин овқатланиши исломий одоблардандир.

Рамазонда қуёш чиққач пок бўлган аёл ҳолати

Рамазонда қуёш чиққанидан сўнг одат ва лоҳусалиқдан (кўз ёриши муносабати билан келадиган оқиндилардан) покланган аёл, агар рўзага зид иш қилмаган бўлса, дарҳол ният қилиб, рўза тутуди ва рўзага ҳисоб бўлади. Агар қуёш чиққанидан сўнг пок бўлгунга қадар рўзага терс бирон иш қилган бўлса, у куннинг қолган қисмини емай-ичмай оқшомгача юриши бир қарашга кўра вожиб, бир қарашга кўра мустаҳабдир (*Tahtavi: 369*).

Одат қони тўхтамасидан олинган таҳорат

Бир аёл одат ёки лоҳусалиқ қони тўла тўхтамасидан та-ҳорат ёки ғусл қилса, саҳиҳ (тўғри) бўлмагани каби, қилган таяммуми ҳам саҳиҳ эмас (*Tahtavi: 70*).

Одат ичида ёки одатдан ташқари пахта қўллаш

Пахта қўллаш турмуш қурган аёллар учун ҳар доим, қизлар учун фақат одат вақтларида мустаҳабдир. Пахта жинсий аъзонинг ичига эмас, ташқарисига, тоза жойга қўйилади. Бошқа бир қарашга кўра, турмуш қурган хотинларнинг одат вақтларида пахта қўллашлари суннат, пок вақтларда қўллаш мустаҳабдир. Чунки улардан ҳамиша оқинди келиб туриши мумкин (*Ibn-i Abidin: 1/207*).

Одат бўзини ёқса бўладими?

Агар одат бўзи фойдаланиб бўлмайдиган ҳолга келса, уни кўз тушмайдиган жойга, тупроққа кўмиш ёки ёқиб юбориш керак. Ёқишнинг зарари йўқ. Ҳатто оила ҳурмати ва муҳаббатини сақлаш учун бу бўзларни оиладаги катта-кичикларнинг кўзларига кўрсатмаслик исломий ахлоқдандир («*el-Fikh ala 'l-mezahibi l-Erbaa*»: 2/57).

Одатдан сўнг покланган аёлнинг хушбўй суриши

Одат вақтларида қўлланган бўзнинг ҳайз ҳидини кетказиш учун хушбўй суриши, атир сепиши мустаҳабдир. Одат ва лоҳусалиқ битгач, хушбўй суриши, атир сепиши ҳам мустаҳабдир. Ҳатто ювинганидан сўнг пахта ёки бўз парчасига мушк ёки гулёғи каби атирлар суриб, жинсий аъзони ва баданнинг қон теккан жойларини яхшилаб ар-тйб поклайди. Ҳазрати Ойишадан (р.а.) нақл этилади: «Асмо Расулulloҳдан (с.а.в.) одатдан сўнг қандай ювинишни сўради. Расулulloҳ марҳамат қилдилар: "Бирингиз сув ва нилуфар олиб чиройли ҳолатда покланилади. Сўнг сув бошдан тўкилиб, шиддат билан уқаланади. Токи сув соч терисига етсин. Сўнг вужудга сув тўкиб, бўз парчасига мушк суриб, покланилади". Асмо: «У билан қандай покланади?» деб сўради. Расулulloҳ: «Субҳаналлоҳ! Хоҳласанг, хоҳлагандай покланасан!» деб буюрдилар. Ҳазрати Ойиша пичирлаб: «Қон жойига сурасан», деди (*Davudoglu, Muslim: 2/1053; Ibn-i Abidin: 1/267*).

Ҳазрати Ойиша онамизнинг синглиси Асмо айтади: «Расулulloҳдан бир аёл: "Либосимиз устида ҳайз асарини кўрсак, нима қиламиз?» деб сўради. Расулulloҳ (с.а.в.) марҳамат қилдилар: «Либосни қўл билан уқалаб, устига сув қуйиб сиқилади, сўнг оз-оздан сув қуйилади, кейин у либос билан намоз ўқиса бўлади» (*"Husnul-Usve"*: 263).

Ҳайзли хотин уйқудан пок бўлиб турса

Ҳайзли аёл уйқусидан пок бўлиб уйғонса, ухлаётган пайтда ўтиб кетган намозини қазо қилиб ўқийди. Зеро, уйқудаги пайтдан поклиги эътиборлидир (*Ibn-i Abidin: 1/276*).

Аёл пок ҳолда ухлаб ҳайзли уйғонса ва кечаси хуфтон намози ўқимаган бўлса, поклангач қазо қилиб ўқийди. Зеро, қонни кўрган он эътиборлидир (*"Menhelul-Varidin": 85*).

Ҳайз қони муддатидан аввал тўхтаган аёл ҳолати

Бир хотиннинг доимги одати етти кун бўлса, ҳайзнинг энг кам муддати бўлган уч кундан сўнг қон тўхтаса, одатини тамомлагунча, яъни, етти кун тўлгунча жинсий муносабатда бўлиши ҳалол эмас. Чунки қон одат ичида такрор келиб қолиши мумкин ва умуман олганда шундай бўлади ҳам. Бу вазиятда кутиш керак. Шунинг билан бирга, қон тўхтагач, чўмилади, сўнг намозини ўқийди. Рамазон бўлса, рўзасини тутади. Фақат, намоз учун мустаҳаб бўлган вақтинг охирларида чўмилиши у аёлга вожиб бўлади. Яъни, намоз вақтининг мустаҳаб бўлган қисмининг сўнгига қадар, намозни бошламайди. Агар қон келмаса, чўмилиб намозини ўқийди, рўза вақти бўлса, рўзасини тутади. Агар қон мустаҳаб бўлган вақт ичида такрор келса, у аёл одатлидир, намоз ўқимайди, рўза тутмайди (*"Fetava-i Ali Efendi": 1/3; Ibn-i Abidin: 1/264*).

Ҳайзли аёл ўликни ювса бўладими?

Ҳайзли аёлнинг маййит ювиши жоиз. Бунга далил Жаноби Пайғамбаримизнинг: «Мўмин асло нопок бўлмайди», деган ҳадиси шарифларидир (*Buhari, Muslim, Ebu Davud, Tirmizi*).

Ҳайзли холда вафот этган аёлнинг ҳолати

Аёл ҳайз ёки лоҳусалик вақтида вафот этса, мурдаси ювилади. Ювилаётганида поклаш учун оғзини ва бурнини ҳўллаш етарлидир. Ҳайздан ва лоҳусалиқдан поклаш учун бир марта таҳорат қилдириш деб ва яна бир марта жасадни ювиш деб ўликни икки марта ювиш керак эмас (*"Fetava-i Mecmua-i Cedide": 1/38*).

Маййитнинг тирноғи олинадими?

Хоҳ эркак бўлсин, хоҳ ҳайзли, хоҳ ҳайзсиз аёл бўлсин, инсон ўлганидан сўнг вужудининг ҳеч бир еридан тук ке-сиш, соч ва тирноқ олшп жоиз эмас. Булар безак ва ородир, энди у безак ва орога муҳтож эмас (*«Merakil Felah»: 180*).

Ҳайзли вақтда аврат жой тукларидан тозаланиш ва тирноқ олиш

Ҳайзли ёки лоҳусалик ҳолатида аёл аврат жойини тозалаш макруҳ. Чўмилганидан сўнг тозаланса ё тирноқ олса, бўлади. Аврат жой ва қўлтиқ ости туклари энг ками етти кунда, энг кўпи билан қирқ кунда тозалансади. Қирқ кундан ўтмаслиги керак (*"Fetava-i Hindiyye": 5/357*). Худди шунингдек, ҳайзли пайтларида тирноқ олиш ҳам макруҳ. Ғулдан сўнг олиш керак (*"Fetava-i Hindiyye": 5/358*). Жунуб бўлган эркак ва аёл ҳам айни шундай.

Ҳайзли хотин сўйган ҳайвоннинг гўшти ейиладими?

Ҳалол бўлиши учун ҳайвонни фақат эркаклар сўйиши шарт эмас. Ҳайвон сўйишни биладиган аёллар ҳам сўйсалар, бўлаверади. Ҳатто ҳайзли ва лоҳуса ҳолларида ҳам сўйишлари мумкин ва сўйганлари ейилади (*"Fetava-i Ali Efendi": 2/246*).

Ҳомиладор аёл ҳайз кўрадими?

Тиб илмига кўра, ҳомилалик ҳолида одатдаги ҳайзли кунлари жуда оз миқдорда жуда қисқа муддатли қон келиши мумкин. Лекин бу қонлар ҳайз эмас, узр қонидир. Ҳомила ривожлангач, ҳайз кўрмайди (*"Fetava-i Hindiye": 1/38*).

Ҳайздан сўнг жинсий муносабат мумкинми?

Ханафий олимларнинг фикрича, ҳайз муддатининг кўпи бўлган ўн кун ўтса, қон ҳам тўхтаса, чўмилмасдан жинсий муносабатда бўлиш мумкин. Шофеъий ва Моликий олимларнинг қарашича, чўмилгандан сўнггина жинсий алоқа қила олади («*Bidayetul. Muctehit*»: 1/39). Бу фарқлилик "...то покланмагунларича уларга яқинлашмангиз!" мазмунидаги ояти каримада келган "покланмагунларича" сўзини ҳар хил маънога йўйишдан келиб чиққан. Имоми Аъзам покланишни ҳайзнинг тўхташи деб қабул қилганлар, шундан одат битгач, ювинмасдан ҳам жинсий алоқага боришни жоиз деб билганлар. Аммо ювиниб сўнг алоқа қилиш мустаҳабдир ("*Tafsiri Ayatil-Ahkam*": 1/129; "*el-fikh alal-mezahibil- Erbaa* ": 1/134).

Ҳайзли аёлга нималар ҳаром?

Ҳайз ва нифосли аёлга қуйидаги ишлар ҳаром:

1. Намоз ўқиш.
2. Рўза тутиш.
3. Қуръони каримни ўқиш.
4. Эри билан жинсий алоқа.
5. Масжидга кириш.
6. Қуръони каримни ушлаш.
7. Каъбани тавоф қилиш.

1. Ҳайзли, нифосли аёлга намоз ўқиш ҳаром

Фарз, вожиб, суннат, нафл ё қазога қолган намозми — фарқи йўқ, ҳеч қайсисини ўқимайди. Сажда ҳам қилмавди, хоҳ тиловат саждаси бўлсин, хоҳ шукр саждаси бўлсин. Бу вазиятда намоз ва сажда ҳаромдир ("*el-ihthiyar*": 27).

Аёл ҳайзли ва нифосли кунларининг намозларини сўнгра қазо қилиб ўқимайди. Бу унга фарз эмас ("*Dureru'l-Hukkam*": 1/42).

а) Намозда ҳайз кўрган аёл нима қилади?

Аёл хоҳ илк марта, хоҳ навбатдаги одатни кўрган бўлсин, қонни дастлаб кўрган лаҳзадан эътиборан намозни тарк этади. Чунки намози ўз-ўзидан бузилади. Агар бу фарз намози бўлса, уни кейин қазо қилиб ўқиши керакмас. Агар нофила намоз бўлса, тоза бўлгандан кейин қазо қилиб ўқиши вожиб бўлади. Зеро, фарз намознинг ўзи зотан вожибдир, бошлаш билан вожиб бўлмайди. Аммо нофила намозни бошлаш билан у намоз ўқиётганга вожиб бўлади (*Ibn-i Abidin*: 1/268).

б) Нофила намозга ёки рўзага ният қилганидан кейин «ой кўрган» аёл

Аёл нофила намозга ёки нофила рўзага ният қилганидан сўнг «ой кўрса», ҳам намозни, ҳам рўзани қазо қилиши керак. Яъни, ҳайз муддати тутагач, уларни адо этиши лозим бўлади. Чунки бу ибодатлар бошлаш билан вожиб бўлади.

Фарз намозга ёки фарз рўзага ният этгач ҳайз кўрса, кейин рўзанинг қазосини тутиб беради, аммо намозни қазо қилиб ўқимайди (*Ibn-i Abidin*: 1/268).

в) Ҳайз кўрган аёл намоз вақтида нима қилади?

Ҳар намоз вақти кирганида таҳорат олиб, уйининг намоз ўқиш учун ажратилган қисмида намоз ўқилур муддат тас-бех, таҳдил, калимаи тавҳид билан машғул бўлиб ўтириши мустаҳабдир (*Ibn-i Abidin*: 1/168; "*Fetava-i Hindiyee*": 1/33).

Бундай қилиши унинг намозга садоқати ва муҳаббати ифодасидир. Бошқа бир ривоятга кўра, шундай қилса, аёл ҳаётида энг гўзал шаклда ўқиган намоз савобига эришади

г) Аёл ҳайзли ва лоҳусалигида ўцимаган намозларини қазо қилса, нима бўлади?

Аёл ҳайзли ва лоҳусалик вақтларида ўқимаган намозларини сўнг, яъни, пок бўлгач, қазо қилиб ўқиши мак-руҳдир. Худди таҳорат олаётган одам бошга масҳ тортиш ўрнига бутун бошини ювиши макруҳ бўлгани каби (*"Menhelul-Varidin": 95*).

2. Ҳайзли ва нифосли аёлга рўза ҳаром

Ҳайзли ва нифос ҳолидаги аёл фарз, вожиб ва нофила рўза тутмайди, лекин тутолмаган фарз рўзаларини поклан-гач, қазо қилиб адо этади. Агар бошлаб қўйган рўзаси но-фила бўлса, пок бўлгач, у рўзанинг қазоси тугилади. Рўзанинг қазоси ҳайзли ва лоҳуса аёлдан соқит бўлмайди.

3. Қуръон ўқиш ҳайзли аёлга ҳаром

Ҳайзли ва лоҳуса аёл Қуръоннинг бир оятидан оз бўлса ҳам ўқиши ҳаромдир. Чунки Расулуллоҳ марҳамат қилганлар: «Ҳайзли ва жунуб бўлганлар энг кичик бир оят ҳам ўқимайдилар!» (*«et-Tas»: 1/107*).

а) Қуръони каримни Қуръон сифатида ўқиш ҳаромдир.

Дуо оятларини дуо мақсади билан ўқиши мумкин. Басмала, калимаи тавҳид, Қуръонда келган пайғамбарларнинг дуолари каби (*Tahtavi: 82*).

б) Ҳайзли ҳолатида Қуръон ўргатса бўладими?

Қуръони каримни ўргатувчи аёл ҳайз кўрса, Қуръони каримни ушламасдан, ҳарф-ҳарф, калима-калима, ҳижо-ҳижо ўқиб ўрганувчиларга сабоқ бериши мумкин. (*«Halebi Kebir»: 57*). Бир оятни бошдан-охиригача ўқиши ҳаромдир.

в) Ҳайзли аёл Қуръон тинглайдими?

Ҳайзли ёки лоҳуса аёл Қуръони каримни тутмасдан, ўқиладиган Қуръон изидан таъқиб ва такрор этмасдан тинглаши жоиз (*«Halebi Kebir»: 57; «Damat»: 1/26*). Бу ҳолатнинг савоб даражасини фақат Аллоҳ билади.

г) Ҳайз муддати тугамаган аёл ғусл қилиб Қуръон ўқиса бўладими?

Қатъийан Қуръон ўқий олмайди, Қуръонга қўл теккизмайди. Бу ҳолда аёл Қуръон ўқишининг ҳаромлигини билса ҳам, билмаса ҳам. Бордию Қуръон ўқиса, Жаноби Ҳаққа қарши гуноҳкор бўлиши ва илоҳий азобга лойиқ бўлиши шубҳасиздир. Лекин бу ҳолда Қуръон тинглаши мумкин. Қуръонга қараши мумкин.

д) Сажда оятини эшитганида

Қуръонни тингларкан, сажда ояти ўқилса, сажда қилмайди, агар сажда қилса, яна гуноҳкор бўлади.

Ҳайзли ёки лоҳуса аёл намоз ўқишга мукаллаф бўлмагани учун сажда унга вожиб эмас. Лекин жунуб кимсанинг ҳукми бошқача: эракми, аёлми — жунуб ҳолатида сажда оятини эшитса ё ўзи ўқиса, тиловат саждаси уларга вожиб бўлади. Покланганидан кейин бу саждани адо этиши керак (*Tahtavi: 79*).

4. Ҳайзли ва нифослига жинсий муносабат ҳаром

Ҳайзли ва лоҳуса хотин эри билан жинсий муносабатда бўлиши ҳаромдир. Чунки Жаноби Ҳақ Қуръони каримда шундай марҳамат қилади: **«...то покланмагунларича уларга (хотинларингизга) яқинлашмангиз! Пок бўлганларидан кейин уларга Аллоҳ буюрган тарафдан келингиз (яқинлашингиз)!»** (*Бақара, 222, мазмуни*).

Ояти каримадаги «яқинлашманг» сўзидан мурод — жинсий муносабатда бўлмасликдир. Аллоҳ Расули ҳам «Ҳайзли хотинларингизга жинсий алоқадан бошқа ҳамма ишни

қилаверинглар!» деб буюганлар.

Ҳайз ва лоҳуса ҳолда жинсий муносабат қилиш энг катта гуноҳдардандир. Ҳайзли ва лоҳуса ҳолида жинсий муносабатда бўлиш ва хотинга орқадан яқинлашишни ҳалол санаган одам диндан чиқади. Чунки бу таъқиқлар оят ва ҳадислар билан собитдир ("*Dureru'l-Hukkam*": 1/42).

Мулла Хусрав шундай дейди: «Ҳайз ҳолида жинсий муносабатда бўлишни ҳалол санаган кимсага имондан маҳрум бўлди деб ҳукм берилади» ("*Dureru'l Hukkam*": 1/42).

Агар ҳар икки тараф ўз хоҳишларича алоқада бўлишса, иккаласи ҳам гуноҳкор бўлади ("*El-ihthiyar*": 201). Ҳайзли ҳолда бундай муносабатда бўлганлари учун тавба қилишлари керак. Ҳайз ҳолида қилинган жинсий муносабатнинг каффорати ҳам бор.

Ҳайзли ва лоҳуса аёл билан яқинликнинг каффорати

Ибн Аббосдан ривоят қилинган ҳадисда Расулulloҳ (с.а.в.) шундай марҳамат қиладилар: «Хотини билан ҳайзнинг илк кунларида алоқа қилган бир динор, сўнгги кунларида алоқа қилган ярим динор садақа беради» ("*Et-Tac*": 1/105).

Бу хусус Абу Довуд ва Ҳокимнинг фикрича: «Агар келган қон қирмизи бўлса, бир динор, сариқ бўлса, ярим динор садақа беради» (*Ebu Davud. "Taharet": 105; Tirmizi. "Taharet": 102*).

"Мароқил-Фалоҳ", Тахтавий ва "Мажмаъ-ул-Анхур" номли мўътабар фикҳ китобларида мана бу ҳадиси шарифни манба сифатида кўрсатишган: «Агар қон қирмизи ва қора бўлса, бир динор, сариқ бўлса, ярим динор садақа бериши мустаҳаб бўлади» ("*MerakilFelah*": 44; *Tahtavi*: 78).

Яна бир фикрга кўра: «Агар ҳайз бошланишида алоқа қилса, бир динор, охирида алоқа қилса ярим динор садақа беради» ("*Damat*": 1/36).

Бир динор бир мисқол (4 грамм) оғирликдаги олтин пулдир. Агар бир мусулмон ҳайзли хотини билан яқинлик қилган бўлса, аввал тавба қилади, сўнг юқорида айтилган миқдорда фақирларга садақа беради. Садақани ҳар икки тараф, яъни, эр ҳам, хотин ҳам бериши керак.

Рўзадор, эҳромли ва эътикофдаги хотини билан ҳам алоқа қилиши жоиз эмас ("*Alusi Tefsiri*": 1/420).

в) Ҳайзли ва нифосли билан алоқанинг соғлиққа зарарлари

Бундай алоқа Исломда ҳаром ва соғлиққа зарардир. Мутахассис олимлар шундай дейдилар: «Аёллардан асосан 13-15 ёшдан 40-45 ёшгача ҳар ой 22-28 кунда бир келадиган, 3-5 кун давом этадиган ва кунда бир-иккита бўзни кирлатадиган миқдорда бачадон йўлларида чикқан қон таркибида заҳарли оқинтилар келади. Ҳайз вақтида бачадон йўлларидаги қон томирлари очилиб кетади ва ярали бўлади, бундай ҳолда жинсий муносабат аёлни азоблайди, салбий (маккор ва танбал) микробларни уйғотиб юборади ва хасталикка сабаб бўлади.

Хусусан, белоғриқ — бод касаллигини кечирган аёлларда «гонокок» деган микроблар фаоллашади. Ҳайз ҳолида аёлларнинг терлари ва қонлари заҳарли бўлиб, ёмон ҳид тарқатади. Демак, бу пайтдаги яқинлик эрнинг кўнгли совушига, жирканишига ва натижада ора бузилишига сабаб бўлади. Ҳайзли аёлларда жинсий истак сўсяди ёки сўнади (*Dr. C. Zeki Onal. "Evlilik ve Mahremiyetleri": 169*).

в) Аёлга орқа аъзодан яқинлик қилиш ҳаромдир

Қайси шаклда бўлса ҳам, бундай яқинлик ҳаромдир. Агар аёл бунга рози бўлса, катта гуноҳга шерик бўлади. Жаноби Ҳақ бу хусусда шундай марҳамат қилади: «...**Уларга (хотинларингизга) Аллоҳ буюрган тарафдан келингиз (яқинлашинг). Хотинларингиз зироатгоҳингиздир. Бас, зироатгоҳингизга хоҳлаган ҳолатингизда яқинлашаверинг!**» (*Бақара сураси, 222—223-оятлар, мазмуни*).

Жинсий алоқа бола чиқадиган, туғиладиган жойга бўлиши шарт. Бунда олдидан келсангиз ҳам, орқадан келсангиз ҳам, бўлаверади. Жаноби Ҳақ ҳалол бўлган жойни, яъни, бола

туғиладиган жойни экинзор деб марҳамат қиляпти. Бундан бошқа жойларга яқинлик қилиш ҳаром. Расулulloҳ марҳамат қиладилар: «Хотинларнинг орқасидан яқинлик қилманг!» (*Tirmizi*), «Хотиннинг орқасидан яқинлашганга лаънат дейилгандир!» (*Tirmizi*), «Аллоҳ буюрган жойдан хотинларга яқинлашинг!» (*Tirmizi*).

Эр жинсий аъзосининг суннат қисми хотиннинг орқа аъзосига суқилиши билан ҳаромлик бошланади.

г) Ҳайзли, лоҳуса аёлнинг тиззаси билан киндиги орасидан фойдаланиш

Бир пардасиз, яъни, орада бир либоссиз фойдаланиш ҳаром Абдуллоҳ ибн Саъд Расулulloҳдан сўради: «Ҳайзли вақтида хотинимдан менга нима ҳалол?» Расулulloҳ марҳамат қилдилар: «Изорнинг (этакнинг) усти сенга ҳалол» (*"Neylul Evtar": 1/227*).

Расулulloҳнинг хотинларидан Ҳазрати Маймуна онамиз дейдилар: «Расулulloҳ (с.а.в.) ҳайзли вақтимда мен билан ётардилар. Орамизда бир либос бўларди» (*"et-Tac": 1/104*). Яна Ҳазрати Маймуна айтадилар: «Расулulloҳ хотинлари ҳайзли вақтларида либос устидан улар билан суйишардилар» (*"et-Tac": 1/227*).

Расулulloҳ бу ишни лаззатларини кўзлаб қилмасдилар. Чунки жинсий эҳтиёжларини кетказиш учун бошқа хотинлари ҳам бор эди. У ҳолда бунинг бошқа сабаблари бўлиши керак:

Биринчи, Расулulloҳ бундай иш тутар эканлар, бу хусусдаги ботил ишончларни йўқотдилар ва бундай иш тутиш жоиз эканини кўрсатдилар Чунки яҳудий ва насоролар бундай қилмасдилар;

Иккинчи, ҳайзли вақтида тани ҳам, руҳи ҳам ҳаловатсиз бўладиган хотинни ёлғизлик ва роҳатсизликдан қутқардилар, аввалгидай инсон эканини кўрсатдилар.

Имоми Аъзам билан Имоми Абу Юсуфга кўра, этак остидан тизза билан киндик орасидан фойдаланиш ҳаром. Лекин Имом Муҳаммад: «Қон келган ердан сақланиш шарти билан ҳар тарафдан фойдаланиш ҳалолдир». деган (*"Damat": 1/36; "Dureru'l-Hukkam": 1/42*) ва Имоми Шофеъий ҳам шу фикрдалар. Бу ҳолда қон келган жой очиқ қолмаслиги, ёпиқ бўлиши лозим. Бундай қилганлар эҳтиёт бўлишлари керак.

5. «Ой кўрган» ва лоҳуса аёлнинг масжидга кириши ҳаром

Бундай ҳолда заруратсиз масжид ва жомеъларга кириш ҳаром. Жунубларга ҳам бу ҳукм тааллуқлидир. Ҳазрати Ойиша (р.а.) айтадилар: «Расулulloҳ (алайҳиссалом) бир куни масжидга қараб очилган баъзи асҳобнинг уйларини кўриб, амр қилдилар: «Шу уйларнинг эшикларини бошқа тарафга қараб ўгирингиз! Чунки мен одатли ва жунуб кимсаларнинг масжидга киришларини ҳалол кўрмайман» (*"et-Tac": 1/107*).

6. Ҳайзли ё лоҳуса аёл Қуръонга қўл теккизиши ҳаром

«Ой кўрган» ёки лоҳуса аёл Қуръонга, бир оятига, ҳатто бир оятдан озига ҳам қўл теккизиши ҳаромдир. Чунки Жа-ноби Ҳақ: «Уни фақат таҳоратли — пок кишилар-гина ушларлар» (*Воқеа сураси, 79-оят, мазмуни*), деб марҳамат қилган. Расулulloҳ буюрадилар: «Жунуб ва ҳайз ҳолида бўлганлар Қуръони каримни ушламасинлар!» (*"Umdetu'l Kari": 2/84*).

а) Ҳайзли аёл Қуръон ёзилган лавҳани тутса бўладими?

Лавҳадами, деворлардами, бирор нарсанинг парчасидами ё тахтада ёзилганми оятни ҳайзли ёки лоҳуса аёл ушлаши жоиз эмас (*Tahtavi: 79*).

б) «Ой кўрган» аёл ғилофли Қуръонни ушлай оладими?

Қуръоннинг ўзидан алоҳида, яъни, муқовасига ёпишмаган жидд ёки ғилоф ичида бўлса ёки халта, сумка, портфел, сандиқ каби идишларда бўлса, уларни ушлаши жоиз (*"Halebi Kebir": 58*).

в) Ҳайзли аёл либосининг бир чети ё ўнгири билан Қуръонни ушласа бўладими?

Ҳайзли ёки лоҳуса аёл либосининг чети билан Қуръонни ушлаши таҳриман макруҳ, яъни, ҳаромга яқин макруҳдир. Чунки либос ўнгири ҳам либосни кийганга тобедир. Бу ҳаракат ҳурматдан ва одобдан эмас. Фақат шариат китоблари билан машғул ҳайзли аёл ёки жунуб (эркак-аёл) ҳадис, фикҳ, тафсир каби китобларнинг бир варағини зарурат юзасидан либосининг бир чети билан тутишига рухсат берилган (*Tahtavi: 77*).

г) Ҳайзли аёл Қуръоннинг маъно таржималарини ва китобни ўқий оладими?

Ҳайзли аёл Қуръонга ва оят ёзилган нарсага қўл теккизмайди. Арабчадан бошқа тиллардаги Қуръон таржималарини ушлаш ҳам ҳаром. Унда Қуръон маъно-мазмунини ва аҳкомлари бўлгани учун Қуръон ҳукмидадир (*Tahtavi: 77, "Cevhere": 1/40*). Агар ичида оят бўлмаса, туркча (ўзбекча) китоб ўқишларида зарар йўқ. Агар аёл ҳайз ҳолатини ўрганишни истаса, зарурат юзасидан фикҳ китобларига қараши мумкин (*Tahtavi: 82*).

д) Ҳайзли аёл Қуръонга қарай оладими?

Ҳайзли, лоҳуса аёл ёки жунуб бўлган одам бўғинлаб, ҳижо-ҳижо қилиб ўқиш учун Қуръони каримга қараши мумкин, макруҳ эмас. Чунки жунублик ва ҳайз ҳолатларининг кўзга алоқаси йўқ (*"Fetava-i Hindiyye: 1/39*).

7. "Ой кўрган" ва лоҳуса аёлларнинг Каъбани тавоф этишлари ҳаром

Одатли, нифосли аёлнинг фарз ёки нофила тавоф қилиши ҳаром. Ҳажга борган аёл ҳайз кўриб қолса, ҳажнинг тавофдан бошқа барча рукнларини адо эта олади. Фақат фарз бўлган зиёрат тавофини қилмайди. Бу ҳолда тавоф қилган бўлса, катта гуноҳдир. Бунинг учун мол, сигир ёки туя сўйиб, қурбонлик қилиши керак (*"Umdetul Kari": 2/81*).

НИФОС (Лоҳусалик)

Кўзи ёриганида хотиннинг бачадонидан келадиган қон "нифос" дейилади. Бу ҳолатга "лоҳусалик" ҳолати деб аталади. Лоҳусаликнинг энг кам муддати учун чегара йўқ: бир кун, бир соат қон келиши ёки аёл умуман қон кўрмаслиги мумкин. Бундай аёллар лоҳуса ҳисобланмайдилар, дарҳол ювиниб-чўмилиб, намоз ўқийдилар, рўзаларини тутадилар. Лоҳусаликнинг энг кўп муддати қирқ кун. Қон келиши қирқ кундан зиёд давом этса, қирқинчи кун охирида ювиниб-чўмилиб, вазифаларини, бурчларини адо этишга киришадилар (*"Dureru l-Hukkat": 1/41*). Ундан таъқиқлар кўтарилади, сўнг келган қон узр қони кабидир. Ҳар вақт учун алоҳида таҳорат олиниб, намоз ўқиладди.

Эгиз туққан хотин лоҳусалик муддатини биринчи чақалоқ туғилганидан ҳисоблайди (*«Cevhere»: 1/44*).

Нифос муддати ичида кўрилган поклик нифос ҳукмидадир. Масалан, ўн кун қон келгач, беш кун тўхтаса ва яна ўн кун келса, йигирма беш куннинг ҳаммаси нифос муддатига киради (*«el-ihdiyar»: 27*). Намозини тарк этади, рўзасини пок бўладиган кунларига қолдиради, эри билан жинсий муносабатда бўлмайди (*«el-Mebhut»: 2/141*).

Нифос қонининг ўзига хослиги туғилдан сўнг келишидир. Агар бир хотин кўзи ёригач, ҳеч қон келмаса, лоҳуса саналмайди. Бундай хотинга ғул шарт эмас, таҳорат кифоя. Рўзаси бузилмайди. Лекин Имоми Аъзамга кўра, бундай хотин тадбирини олиб ғул қилиши керак (*Ibn-i Abidin: 1/216*).

Қирқ кундан зиёда келган қон нима?

Лоҳусаликнинг энг кўп муддати қирқ кун. Қирқ кундан зиёд келмайди. Келса, узр қонидир. Истиҳозадир. Нифос саналмайди (*«Cevhere»: 1/44*).

Лоҳусалик қони одатидан аввал тўхтаса

Лоҳуса аёл қони илгари маълум бўлган одатидан аввал тўхтаса, ювиниб-чўмилади, ўзи билладиган одати келгунга қадар намозини ўқийди, рўзасини тутати, фақат эри билан жинсий муносабатда бўлмайди (*«Fetava-i Ali Efendi»: 1/3*).

Чақалоқ туғилмасидан аввал келган қон

Бундай қон нифос эмас, истиҳоза қонидир (*«Cevhere»: 2/44*). Бола гавдасининг кўпи чиқмасидан хотин лоҳуса бўлмайди. Бу ҳолатда келган қон ҳам истиҳоза қонидир. Бу онда хотинга намоз фарздир. Ўқимаса, гуноҳкор бўлади. Чақалоққа зарар бермайдиган шаклда намозини ўқийди (*«Cevhere»: 2/44*).

Бу ҳукмда муҳим бир нуқтага ишорат бор. Балки бу қийин вазиятда намоз ўқиёлмас, агар ўқиёлмаса, зиммасидан тушмайди, қарз бўлиб қолади, кейинроқ қазо қилиб ўқиши керак. Чунки бола тўла туғилмасидан хотин лоҳуса бўлмайди, намоз бўйнидан тушмайди. Олдинги вақт намозини ўқиган, лекин ҳали янги намоз кирмасидан аввал бола туғилса, намоз хотин зиммасидан тушади.

Қорни кесилиб боласи олинган хотин лоҳуса бўладими?

Агар хотин бачадонидан қон келмаса, қорни кесилиб бола туғса ҳам, лоҳуса саналмайди. Фақат ғул қилиши, намоз ўқиши, рамазон бўлса, рўза тутиши керак (*«el-Fikh ala l-Mezahibi l-Erbaa»: 1/123*).

Хотин бола ташласа, лоҳуса бўладими?

Агар ҳомила инсонлар хоҳиши билан — дори ёки жарроҳлик (кесиш) билан туширилган

бўлса, бу иш буюк жинойт ва қотилликдир.

Агар туширилган ҳомиланинг қўл, оёқ, тирноқ, соч ва бармоқ каби аъзолари билиниб-шаклланиб қолган бўлса, лоҳусалик пайдо бўлади, аъзолари ҳануз шаклланмаган-билилмаган бўлса, лоҳуса саналмайди. Туширилгандан сўнг қон уч кун давом этади. Аввалдан ҳам энг кам ўн беш кун поклик ҳоли давом этган бўлса, у ҳайз қони бўлади. Ундай бўлмаса, истиҳоза қони саналади («*Dureru'l-Hukkam*»: 1/43; *Tahtavi*:15).

Лоҳусаликда ўзгариш

Бир хотиннинг лоҳусаликца одати, масалан, йигирма кун қон кўриш бўлса, бу галги лоҳусалигида ўн кун қон, йигирма кун поклик, ўн бир кун яна қон кўрадиган бўлса, бу хотиннинг лоҳусаликдаги одати алмашган бўладиги, бу орада қолган йигирма кунлик поклик ҳоли икки қон орасида бўлгани учун кечиккан қон ҳукмидадир. Шу ҳолда бу қирқ кунниг аввалги йигирма куни лоҳусаликдир. Қан-чалик поклик билан охирига етса ҳам. қолган йигирма бир кун узр қонидир ва бу кунларда ўқий олмаган намозларини қазо қилиб ўқийди («*Menhelul-Varidin*»:88).

ИСТИҲОЗА

(Узр қони)

Истиҳоза бирор хасталик туфайли бачадондан эмас, жинсий аъзо томиридан келган ҳидсиз қондир. Ҳайз қони соғлиқ қони, зр қони хасталиқдандир.

Уч кундан оз, ўн куъан кўп келган қон ҳайз эмас, истиҳоза қонидир. Баъзиларда тўрт, баъзиларида етти, саккиз кун келади. Кўп аёлларда одат муддати маълум. Ҳомиладор хотинлардан, тўққиз ёшга тўлмаган қиздан, одатдан қолган ёшдаги аёлдан келган қон ҳам истиҳоза қонидир. Истиҳоза қони бошқа аъзо чар, яъни, оғиз, бурун ва қулоқдан келган қон кабидирки, бу ҳолда фақат таҳорат бузилади. Давом этса. узр соҳиби саналади («*Merakil Felah*»: 42). Ҳазрати Ойиша (р.а.) хабар беришларича Хубайр қизи Фотима Расулуллоҳдан: «Мендан истиҳоза қони келяпти, намозни тарк этайми?» деб сўраганида, Аллоҳ Расули (с.а.в.): «Йўқ. Зеро, у томирдан келган қондир, ҳайз эмас, фақат ҳайз муддати тугагунча намоз ўқима, тугагач, ғул қил ва намозингни ўқи», деб марҳамат қилганлар («*et-Tac*»: 1/108). Истиҳозали аёллар намоз ўқийдилар, рўза тутадилар, жомеъга борадилар, Каъбани тавоф қиладилар, Қуръон ўқийдилар, Қуръонни ушлайдилар, эрлари билан жинсий муносабатда бўла оладилар. Фақат, узрли одамлар каби, ҳар вақт учун алоҳида таҳорат олиб намоз ўқишлари керак. Бир таҳорат билан бир вақт ичида истаганча фарз ва нафл намоз ўқий оладилар, вақт чиққанида таҳоратлари бузилади. Сўнг ҳар қанақа ибодат учун янгидан таҳорат олишлари керак.

Узр қонининг хиллари

Узр қони етти хилдир:

1. Ҳали тўққиз ёшга тўлмаган қиздан келган қон.
2. Эллик беш ёшдан ўтган аёлдан келган қон. Бунда қоннинг ранги куюқ қирмизи ёки қорамтир ва ҳидли бўлса, ҳайз қони, бошқа рангда ва ҳидсиз бўлса, узр қонидир.
3. Чақалоқ туғилишидан олдин келган қон.
4. Ҳайз ва нифоснинг энг кўп муддатини кечириб, иккинчи ҳайз муддатига қадар давом этиб келган қон ёки нифосдан сўнгра ҳайзга қадар давом этиб келган қон.
5. Ҳайзнинг энг кам муддати бўлган уч кундан оз келган қон.
6. Аёлнинг ҳайзидан уч кун ҳисоби тўлиб, ҳайзнинг энг кўп муддати бўлган ўн кундан ўтиб, иккинчи ҳайз вақтига қадар давом этган қон ҳам узр қонидир.
7. Агар бир аёлнинг ҳайздан ҳисоби бўлмасдан ҳайзнинг энг кўп муддати ўн кундан ўтса. бу қон ҳам узр қонидир.

Истиҳоза қони қай ҳолларда кўрилади?

Истиҳоза қони қуйидаги ҳолларда кўрилади:

1. Мубтадий. Энди балоғатга етиб қон кўра бошлаган қиз деганидир. Бундай қизнинг одати ҳар ойда ўн кун белгиланади. Чунки кўпи ҳайз бўлмайди. Ҳар ойдан йигирма кун поклик деб қабул қилинади. Агар давомли қон кўрадиган бўлса, ўн куни одат, йигирма куни истиҳоза деб қабул қилинади.
2. Илк лоҳусалик қони. Бу ҳолатдаги аёлнинг лоҳусалиги қирқ кун, кейинги поклиги йигирма кун деб қабул қилинади. Агар қон келаверса, қирқ куни лоҳусалик, йигирма куни истиҳоза деб қабул қилинади.
3. Мутода. Аввалги одатида саҳиҳ (тўғри) ўлароқ қон кўрган, покланган, сўнгра яна давомли қон кўрган, одатини ҳам унутмаган аёл демақдир. Бу аёл одат ва поклик вазиятидаги одатига қарайди. Одатидан зиёд кўрилган қон истиҳоза деб қабул қилинади. Одати ўтгач, тарк этган намозларини қазо қилади.
4. Мутахоййира. Одатини унутган аёл деганидир. Бу аёлнинг ҳам одатидан зиёда давом этган қони истиҳозадир. Ле-кин бу аёлнинг бунча куни пок, бунча куни ҳайзли деб ҳар қандай

шаклда ҳукм этилмайди. Аксинча, бундай ҳолатдаги аёл шаръий ҳукмларнинг энг эҳтиётли бўлганини олиб, ўшанга амал қилади («*Fethul-Kadir*»: 1/122; «*el-Lubab*»: 1/32).

Узрнинг шартлари:

Аёлдан келадиган истиҳоза қонининг ҳамда умуман аёл ва эркакка хос узрнинг диний узр ҳисобланиши учун баъзи шартлар бор:

1. Узр ҳоли камида бир намоз вақти қадар давом этиши лозим.
2. Сўнг ҳар намоз вақти ичида кам деганда бир марта кўрилиши керак.

Узр қони тўхтагач, ғул керакми?

Истиҳоза қони тўхтагач, ғул керак эмас. Яъни, фарз эмас. Шунда ҳам, ювиниб-чўмилиш аълодир.

Узрли аёл маҳси кийса, нима қилади?

Узрли аёл фақат таҳорат олаётганида ва маҳсисини кияётганида қон тўхтаган бўлса, маҳси устига масҳ тортиши мумкин. Муқим бўлса, бир кун-бир кеча, мусофир бўлса, уч кун-уч кеча маҳсисига масҳ тартади («*el-Mebhut*»: 2/143).

Узрлилар қачон таҳорат олади?

Узрлилар беш вақт учун алоҳида-алоҳида таҳорат оладилар. Таҳорат олиш учун ўша ондаги намоз вақтининг киришини кутиш керак. Олдин олиб қўйган бўлса, намоз вақти кириши билан таҳорати синади («*Merakil Felah*»: 45; «*Fetava-i Abdurrahim*»: 1/4).

Намоз ичида узр қони тўхтаса

Истиҳозали аёл пешин вақтида таҳорат олиб намоз ўқиса, намоздан сўнг қон тўхтаса, аёлнинг намози тўла ҳисобланади. Агар таҳорат олиб, ҳали намоз бошламасидан аввал ёки намоз ичида қон тўхтаса, таҳорати бузилади («*el-Mebhut*»: 2/143). Бу ҳолда ўқилган намоз қайта ўқилади.

Давомли кўзёши оққан киши узр соҳибими?

Ҳа, узр соҳиби. Бу ҳол хасталиқдандир. Ҳар намоз вақти учун таҳорат олиши керак («*Fetava-i Abdurrahim*»: 1/4).

Узрини кеткиза олса, таҳорат оладими?

Узрини кеткиза олса, яъни, оққан қон ва шунга ўхшаш нарсаларни танғиб боғлаш билан тўхтата олса, жоиз. Бу ҳолда узр кўтарилади, яъни, кетади. Аммо ҳайзли ва нифосли аёл ҳатто оқинтини тўхтатиши жоиз эмас чунки ташқи кўринишидан тўхтагандай кўринса ҳам, аслида қон оқади.

Буруннинг фақат бир тешигидан оққан қон сабабли узрли бўлган одам таҳорат олса, сўнгра бошқа тешигидан ҳам қон оқса, таҳорат бузилади («*Damat*»: 1/38).

У узр қони тўхтаган бир пайтда узрдан ташқари ҳар қандай нарса учун таҳорат олган бўлса-ю, узр қони оқа бошласа, таҳорати бузилади («*Fetava-i Abdurrahim*»: 1/4).

Узрли оққан қонни тазаласа бўладими?

Агар оққан қон узрлининг либосини булғаса ва бу оқинти бир дирҳамдан (2,8 гр.дан) кўп бўлса, айна вақтда бир намоз муддатида тинмаса, уни ювиш керак, агар бу шартлар бўлмаса ювиш шарт эмас («*Fetava-i Abdurrahim*»: 1/3).

Узрли аёл намозини қандай ўқийди?

Агар қон фақат сажда ҳолатида келса, узрли саждани тарк этади, руку вазиятида қон келса, рукуни ҳам тарк этади, намозини имо билан ўқийди.

Сийдигини ёки катта таҳоратини тутта олмайдиган, елини тўхтата олмайдиган, давомли бурун қони ёки истиҳоза қони оқадиган одамнинг узри тўла бир фарз намози вақтича бўлса, у одам узр соҳиби ҳисобланади. Ҳар вақт намози учун янги таҳорат олади, бу вақт ичида фарз ва хоҳлаганча нафл намозлар ўқийди, вақт чиқса, таҳорати бузилади (*«Dureru'l-Hukkam»: 1/43*).

Бир жойи қонаган одам вақтнинг сўнгини кутади, агар қон тўхтамаса, вақт чиқмасидан таҳорат олиб, намозини ўқийди. Эртароқ тўхтаса, вақт сўнгини кутмайди, тўхтаган ондаёқ таҳорат олиб, намозини ўқийди (*«islam ilmihali»: 89*).

Узрли ҳисобланувчилар:

1. Истиҳоза кўрган аёл.
2. Ҳайзни уч кундан кам, ўн кундан кўп кўрган аёл.
3. Лоҳусалиги қирқ кундан кўп давом этган аёл.
4. Сийдиги томчилаб турадиганлар.
5. Тез-тез бурни қонайдиганлар.
6. Ҳар қандай бир аъзосидан қон оқиб турувчи одам.
7. Кўкрак, қулоқ, кўз каби аъзоларидан хасталик туфайли оқинти келганлар.
8. Яраси давомли қонаб турадиган эркак ё аёл.

Узрли одам (аёл) «Қон тўхтамаяпти, оқинти давом этипти», дея, менда ғуслни лозим қилувчи бир ҳолат бор, деган гумон билан билмасдан намозларини ўқимаган бўлса, қазо қилиб ўқиши керак. Чунки бундай узрлар намозни тарк этишга сабаб бўлмайди (*«Damat»: 1/38*).

НАМОЗ ҲАҚИДА МУҲИМ МАСАЛАЛАР

Намоз кимларга фарз?

Исломнинг бошқа амрлари каби намознинг ҳам фарз бўлмоғи учун шартлари бор:

1. Муслмон бўлиш.
2. Ақлли бўлиш.
3. Балоғатга етиш.

Аmmo болалар етти ёшларидан намоз ўқишларини Пайғамбар Жанобимиз амр этганлар ("*Durem'1-Hukkam*": 1/50). Катталар болаларга намоз ўргатиши керак.

Намознинг фарзлари:

Намоз фарзлари ўн иккита. Олтитаси намознинг ташқарисида, буларга намознинг шартлари дейилади. Олтита-си намознинг ичида, буларга намоз рукнлари дейилади.

Намоз шартлари:

1. Ҳадасдан таҳорат.
2. Нажосатдан таҳорат.
3. Сатри аврат.
4. Истиқболи қибла.
5. Вақт.
6. Ният.

1. Ҳадасдан таҳорат

Намоз ўқийдиган одам таҳоратсиз бўлса, таҳорат олиши, жунуб бўлса ғусл қилиши, ювиниб-чўмилиши, агар сув бўлмаса, ёки бўлса ҳам сувдан фойдаланишдан ожиз бўлса, таяммум қшши шартдир (*Halebi Kebir*": 12).

2. Нажосатдан таҳорат

Баданда, либосда, намоз ўқийдиган жойларда ибодат қилишга тўсқинлик қиладиган даражада ифлослик бўлса, тозапаш шартдир. Фақат бу кирларнинг намозга тўсиқ бўладиган даражада экани эътибордан четда қолмаслиги керак.

Бадан, либос ва намоз ўқийдиган жойга тушган ифлослик қуюқ бўлса, бир дирҳамдан (2,8 граммдан), суюқ бўлса, қўл кафтидан кўп бўлса, уни тозалаш фарздир.

Баданидаги ифлосни одамлар кўрадиган даражада аврат жойини очмасдан кетказиш, мумкин бўлмаган ерда, авра! жойини очмаслик учун, шу ҳолда намоз ўқиш жоиз (*Ibn-i Abidin*; "*Halebi Kebir*").

3. Сатри аврат:

Киши вужудида номаҳрам қараши ҳаром қилинган жойлар аврат дейилади.

Аёлларда аврат:

Муслмон ва озод аёлнинг аврат жойлари қўли (билаги ошиғигача), оёғи (тўпикларигача) ва юзидан ташқари бутун баданидир. Сочи ва гажаги ҳам авратга киради ("*Halebi Kebir*": 176—205). Аврат жойларни ёпиш намознинг шартларидандир.

Юз, қул ва оёғидан бошқа аъзосидан бирининг тўртдан бир қисми намоз ичида бир тасбеҳ айтар вақтда, яъни, бир рукни адо этар вақтда очилса, намози бузилади. Тўртдан биридан оз қисмининг очилиши ёки очилган заҳоти ёпилиши намозни бузмайди (*Ibn-i Abidin*; "*Halebi Kebir*": 208).

Намоз ичида ёпилиши фарз бўлган аёл вужуди бир бутун сифатида қаралмай, аъзолар ҳар бири алоҳида аврат қабул қилингандир. Шу сабабдан очилган авратнинг тўртдан бирининг

тайин этилиши учун аврат ҳисобланган аъзолар алоҳида қаралиши керак.

Эркакнинг аврат аъзолари (*эркакларда тананинг киндик билан қўшиб, тиззанинг остигача бўлган қисми авратдир*):

1. Жинсий аъзо ва атрофлари.
2. Тухум (эркак мояклари).
3. Катта таҳорат жойи ва атрофи.
- 4-5. Икки думба.
- 6-7. Икки сон (тиззалар ҳам).
8. Киндик, у билан қовуқ ораси.

Аёлларда буларга қўшимча ўлароқ аврат саналган аъзолар

(*Аёлларда юз, қўллар кафти, оёқлар тўпиқларининг пастки қисмидан бошқа бутун тана авратдир*):

- 1-2. Икки қулоқ.
- 3-4. Икки кўкрак.
- 5-6. Тўпиқлари билан икки оёқ билаги.
- 7-8. Икки мушаги тирсаклари билан.
- 9-10. Тирсакларидан билагига қадар икки қул.
11. Гардан.
12. Бош.
13. Соч.
14. Бўйин.
15. Елкалар (*Ibn-i Abidin: 1/380*).

Бу саналган аъзоларнинг ҳар бири алоҳида аъзо сифатида қабул қилингани учун, улардан бирортасининг тўртдан бири бир тасбеҳ миқдорича, яъни, бир руку ёки сажда қилажак вақт оралиғида очик турса, намоз бузилади (*Ibn-i Abidin: 1/380*).

Қоронғу хонада либоссиз намоз ўқиладими?

Аёл кийими бўлгани ҳолда киймасдан кимсасиз жойда — қоронғу хонада яланғоч ёки ярим яланғоч намоз ўқиса, намози ҳисоб эмас (*Ibn-i Abidin: 1/376*).

Аёллар учун мустаҳаб бўлган либос

1. Елкаларига тушиб турадиган рўмол.
2. Елкадан тўпиққача кўйлаги.
3. Қориндан тўпиқларга қадар ич кийими (*"Fetava-i Hindiyye": 1/59*).

Ички кийим ёки пайпоқ билан намоз

Бадан кўринадиган даражада ҳарир, шаффоф, кенг, очик тикилган тунги, тонгги кийим ва шундай рўмол билан намоз ўқиб бўлмайди (*"Halebi Kebir": 314*).

Қалин бўлиб. баданнинг чегараларини кўрсатмаса, жоиз. Кийилган кийим аврат жойларни ўраб, бадан рангини билинтирмаса, ўзи бир парча мато бўлса ҳам, остида ҳеч ич кийим бўлмаса ҳам, у билан намоз ўқиса жоиз (*"Halebi Kebir": 214*).

Аврат жойининг ёқадан, этақдан кўриниши намозга зарар бермайди. Бир аъзо бегона кўз учун аврат саналади, эгаси учун эмас. Масалан, бир одам намоз. ўқиркан, биттагина кўйлақда бўлса, ўзи кўйлагининг ёқасидан қарасаю, аврат жойи кўринса, намози бузилмайди Аммо бошқа одам кўрадюан бўлса, намоз бузилади (*Bilmen. "Islam ilmihali": 109*).

Тан рангини кўрсатар даражада юпқа пайпоқ билан намоз ўқиб бўлмайди. Чунки аврат бўлган аъзоларни ёки шу аъзоларнинг тўртдан бирини беркитмайди. Агар пайпоқлар тан рангини билдирмайдиган миқдорда қалин бўлса, жоиз (*"Halebi Kabir": 215*).

Намоз ўқиш макруҳ бўлган вақтлар

Баъзи вақтлар бор, у вақтларда фарз, вожиб, нафл, умуман ҳеч қандай намоз ўқилмайди. Баъзи вақтлар бор, у вақтларда фақат нафл намоз ўқилмайди.

Ҳеч қайси намоз ўқилмайдиган вақтлар

Куннинг уч вақти бор, бу вақпарда фарз, нафл ва жаноза намози ўқилмайди, тиловат саждаси қилинмайди:

1. Куёш чиқаётганида (ўртача 15 дақиқа ўтгунига қадар).

2. Куёш тик пайтида. Ҳар нарсанинг сояси энг калта бўлган вақт.

3. Қуёш ботаётганида. Оқшом арафаси қуёш сарғайиб, кўзни олмайдиган ҳолга келганида. Фақат ўша куннинг ўқилмаган аср намозини бу вақтда кароҳатла ўқиса бўлади ("*Fetava-i Hindiyye*": 1/82).

Нафл ва шунга ўхшаш намозларнинг ўқилиши макруҳ бўлган вақтлар

1. Бомдод намозининг вақти киргач, бомдод намозининг суннатидан бошқа нафл намоз ўқилмайди.

2. Бомдод намозини ўқигандан сўнг қуёш чиқиб бўлгунга қадар.

3. Аср намози ўқилгандан сўнг.

4. Шом намозининг фарзидан олдин.

5. Уйида бўлса ҳам, ҳайит намозидан аввал.

6. Ҳайит намозидан сўнг масжидда нафл намоз ўқиш макруҳдир. Уйда ўқиш мумкин.

7. Ҳаж вақтида Арафот ва Муздалифада бирлаштириб ўқиладиган намозлар орасида, пешин ва шом намозларининг суннатлари ҳам дохил ҳеч бир нафл намоз ўқилмайди.

8. Фарз учун вақт жуда тифиз қолганида.

9. Жума куни хатиб хутбага чиққан пайтда.

10. Таҳорати ушалишни қистаб турганида.

11. Дастурхонга сеvimли таом келтирилса-ю қалб унга машғул ҳолда бўлса, хаёлни қочирадиган вазият вужудга келса.

12. Жума куни намоз учун қомат келтириляётганида, қуёш тутилиш ва ёмғир иташ хутбаси ўқилаётганда ("*Halebi Kebir*": 237-242).

Аёлнинг имомлиги жоизми?

Аёлнинг эркакларга имомлик қилиши асло жоиз эмас. Аёлнинг аёлга имомлик қилиши кароҳатла жоиз. Бу ҳолда имом бўлган аёл жамоат бўлган аёллар билан бир сафда туради, олдинга чиқиши макруҳ («*el-Fikh ale'l-mezahibi'l-Erbaa*»: 1/417).

Ҳазрати Ойиша ва Умму Салама (р.а.) аёлларга имомлик қилиб улар билан бир сафда турардилар (*Ebu Davud*. «*Sunan*»: «*Kitabus-solat*»: 2). Аёллар жамоат бўлиб намоз ўқисалар, азон ва қомат айтмайдилар. Айтсалар, макруҳдир. Гуноҳкор бўладилар («*Fetava-i Hindiyye*»: 1/66).

Эркак фақат аёллардан иборат жамоатга имомлик қиладими?

Эркакнинг ораларида маҳрами бўлмаган аёллар жамоатига имомлик қилиши макруҳдир. Агар ёнида эркаги бўлса, макруҳ эмас («*el-Fikh ala'l mezahibi'l Erbaa*»: 1/416).

Аммо эркак ўз маҳрами бўлган аёлларга имомлик қилиши макруҳ эмас. Фарз ва таровех намози учун ҳукм шундай. Фитна андишаси сабабидан аёлларнинг жамоатга боришлари макруҳдир. Фақат кекса аёллар бомдод, шом, хуфтон намозларига борсалар бўлади («*Fetava-i Hindiyye*»: 1/66).

Аёллар имомга қандай иқтидо қилади?

Ҳанафий мазҳабига кўра, Имом жамоат билан ўқиётган аёлларнинг намозлари саҳиҳ бўлиши учун имомлик этишни ният қилиши шарт (*«el-Fikh ale'l-mazahibi'l Erbaa»: 1/417*). Имом аёллар учун ният этмагунича уларнинг имоми саналмайди (*«Fetava-i Hindiyye»: 1/66*). Хуллас, жамоати ичида аёл бўлса, имом аёллар учун ҳам намоз ўқиб бераётганини ният қилиши шарт.

Аёллар жума куни пешин намозини қандай ўқишади?

Аёлларга жума намози фарз эмас. Вақт кирганида, жума намози ўқилмасидан аввал ҳам пешин намозини ўқишлари жоиз (*Tahtavi: 426*). Пешинни жума намозидан кейин ўқишлари авлодир.

Хомиладор хотинларнинг намози

Фарз намозини кучи етгунга қадар оёқда туриб ўқиши лозим. Кучи етмаган қисмини ўтириб ўқиши мумкин.

Расмли жойда намоз ўқиш жоизми?

Дарахт, тоғ, дарё каби жонсиз нарсаларнинг расми бўлса, у жойда намоз ўқиш макруҳ эмас. Фақат қибла тарафга осилмаслиги керак. Жонлиларнинг расми бўлса, у ерда намоз ўқиш макруҳ. Расм ўнг, чап, тепа ва орқада бўлса, танзиҳан макруҳ. Расм олд тарафда бўлса, таҳриман макруҳ. Расмлар фарқланмайдиган даража кичик бўлса ёки оёқ остида бўлса, зарари йўқ (*«Fetava-i Kadihan»: 1/119; «Merakil Felah»: 95*). Намоз ўқиладиган жойда ҳайкал ва расмлар бўлмаслиги керак. Бутпарастликка ўхшамасин деб Ислом бундай нарсаларни таъқиқлаган.

Телевизор қўйилган уйда ва яланғоч расмли жойда намоз ўқиса бўладими?

Яланғоч (очиқ-сочиқ) одам расми бор жойда намоз саҳиҳ бўлмайди (*«Fethul Kadir»: 1/29; Ibn-i Abidin: 1/605*). Бу расмлар деворда осилган ёки ойнаи жаҳонда кўрсатиляптими — фарқи йўқ, муҳими кўз тушишидир. Телевизор қўйилган бўлиб, яланғоч тасвирлар кўрсатилмаётган бўлса ҳам, у ерда намоз ўқиш макруҳ. Чунки ҳар хил ҳоллар намойиш қилиб қолиниши эҳтимоли бор. Ойнаи жаҳон учуриб қўйилган жойда намоз ўқиш макруҳ эмас.

Ҳайкалчалар турган жойда намоз

Ойнаванд кўрғазмаларда ёки махсус оёқчаларда безак учун қўйилган кичик ҳайкаллар барча аъзолари бор бўлган ҳайкалча ҳисобланади ва Исломга кўра харомдир. Бундай жойда намоз ўқиш макруҳ. Агар ҳайкалчалар олд томонда бўлса, харомга яқин макруҳдир.

Безакли ва Каъба расми туширилган жойнамозларда намоз

Турли-туман безакли, ҳар хил каштали жойнамозларда намоз ўқиш танзиҳан макруҳдир. Булар чалғитиши, ғафлатга солиши мумкин, аввало аёлларни. Жойнамозларнинг тасвирсиз, кашта-безаксиз, сидирға бир рангда бўлиши авлодир. Устида Каъба, Масжиди Ақсо расми бўлган жойнамозларда намоз ўқиш макруҳдир. Бунда икки кароҳат бор: биринчиси, ҳурматсизлик бўлади; Каъба суратини оёқости қилмаслик керак: иккинчи кароҳат — у расмларга топингандай, боғлангандай бир ҳолат юзага келиб, диққат-эътиборни бузиши мумкин.

Аёл далада, боғда, водийда намозни қандай ўқийди?

Аёллар сафарда, далада ё боғдалиқ пайтларида, эркаклар кўради, деган андиша ила ўтириб намоз ўқимайдилар. Чунки бу ҳолда намоз фарзларидан бири — қиём узрсиз тарк этилган бўлади. Фақат, сатри авратга мувофиқ намоз ўқиш керак (*«Fetava-i Mecmua-i Cedide»:*

25).

Аёлнинг қиём, руку ва саждада оёқ тўпиқларининг ҳолати

Фикҳ китобларимизда аёл қиём руку ва саждада тўпиқларини бирлаштириши суннат дейилган (*Ibn-i Abidin: 1/320-321*).

Аёл саждада оёқ бармоқларини тик тутадими?

Фатволарда «Аёллар саждада оёқ бармоқларини тик тутмайдилар», дейилади («*Fetava-i Behce*»: 1/9). Аёллар, ҳар вақт ўранишлари керак. Айниқса, намозда. Аёлнинг ўранишига мувофиқ бўлсин учун саждада оёқ бармоқларини тик тутмайди.

Автобусда ва бошқа уловларда намоз қандай ўқилади?

Пайғамбаримиз (с.а.в.) улов устида суннат намози ўқиганлар. Демак, узрли сабаб бўлмаса ҳам, улов воситаларида суннат ўқиса бўлади. Аммо узр бўлмаса, фарзлар уловда ўқилмайди. Шаръий узрларга душман хавфи, ҳайвон хавфи, йиртқич ҳайвон ва ўғрилар хавфи ва йўлдошларини куттириб қўйиш андишаси каби узрлар киради. Шундай шаръий узрларсиз уловда намоз ўқиш жоиз эмас («*el-Mebsut*»: 1/250). Ҳатто вожиб бўлгани учун витр намози ҳам узрсиз уловда ўқилмайди («*el-Mebsut*»: 1/250). Масалан, бир йўловчи автобус зичлигини, таҳорат эҳтиёжи бўлганини айтиб автобусни тўхтата олса, бу автобусда фарз намози ўқилмайди. Узрли бўлса, қиблага юзланади. Ўтириб сажда қилиб ё имо билан ўқилади. Агар намоз вақти чиққунча қулай жойга етиш имкони бўлса, намоз ўшангача кечиктирилади («*el-Fikh ale'l mezehibi'l Erbaa*»: 1/206).

НИКОҲ

"Никоҳ" луғатда "бирлашиш" деганидир. Шаръий маъноси — жинсий муносабатни ҳалол (машруъ) қилиш учун битилган ақдидир. Янада кенг маънода, уйланиш, оила қуришдир.

Дунёвий ҳаёти ва ухровий келажаги жиҳатидан шахсга ҳузур ва саодат берувчи соғлом бир жамиятни вужудга келтириш Ислом динининг асос ғояларидан биридир. Ҳам шахс тарбиясининг илк ўчоғи, ҳамда жамиятнинг тамал тоши бўлган оила муассасасига ва бу муассасанинг бошланғичи бўлмиш никоҳга Ислом алоҳида аҳамият берган. Қуръони карим ҳам бу соҳада кўплаб керакли йўл-йўриқларни кўрсатган.

Никоҳ Китоб, суннат ва ижмо билан собит бўлган ибодат ва муомаладир. Никоҳ туфайли инсон насли Ҳазрати Одамдан (а.с.) бугунгача ва бугундан жаннатгача давом этади. Жаннатда баъзи ибодатлар тўхтатилади, никоҳ ва имон давом этади (*Ibn-i Abidin: 2/280*).

Асҳоби киром (р.а.) у дунёга никоҳсиз кетишдан шу қадар кўрқишардики, ҳатто ўлим олдидан ҳам никоҳла-нишга ғайрат кўрсатишарди.

Никоҳ, шунингдек, Жаноби Ҳақнинг азалий илмида тақдир этилган инсоният давомини энг гўзал шаклда таъмин этишдир.

Никоҳ рукнлари

Ҳанафий мазҳабига кўра, никоҳнинг шартлари тўртта:

1. Ижоб ва қабул ақди.
2. Эр.
3. Хотин.
4. Икки гувоҳ.

Ижоб. Никоҳланаётган икки тарафдан бирининг - хоҳ эр, хоҳ хотиннинг олдидан қилган тақлифидир.

Қабул. Иккинчи тарафнинг бу тақлифга жавобидир.

Ижоб ва қабул ўтган замон феълида ифодаланadi. Масалан, эркак: «Сени хотинликка қабул қилдим»; аёл эса: «Сизни эрликка қабул қилдим», дейиши лозим.

«Сени хотинликка (ёки эрликка) қабул этаман, қабул қилмоқчиман», каби келаси замонни англатадиган сўзлар билан ифодаланган никоҳ ҳисобга ўтмайди. Агар тақлиф келаси замонга оид, қабул эса, ўтган замонга оид феъл билан ифодаланса, никоҳ қийилган ҳисобланади. Масалан, эркак: «Менга хотинликка тег», деса, аёл: «Мен сизга тегдим», деса, никоҳ собит бўлади (*«Durerul Hukkam»: 1/327*). Аммо никоҳни қайд этувчи маъмурларнинг: «Эрликка (ва ё хотинликка) қабул қиласизми?» дейиши ва бунга жавобан эркак ва аёлнинг: «Қиламиз», каби лафзлари келажак замонга оид бўлгани учун ҳисобга ўтмайди.

Исломда никоҳнинг йўриқлари

1. Қуръони каримда уйланиш амр этилган. Жаноби Ҳақ турмуш қурганларни, агар фақир бўлсалар, фазли карами ила бой қилишини ваъда берган (*Нур. 32*). Расулulloҳ (с.а.в.): «Киши уйланиш билан динининг ярмини барпо қилади, қолган ярми учун эса, Аллоҳга тақво қилсин», дея марҳамат қилганлар (*«Miykat»: 2/161*). Бинобарин, оила қуриш ва фарзанд кўриш Жаноби Пайғамбаримизнинг суннатларидир.

2. Жинсий майлни қондиришнинг машруъ йўли уйланишдир. Қуръони каримда аёллар фарзанд етиштирадиган экинзор далага қиёс қилинган (*«Хотинларингиз зироатгоҳингиздир» Бақара, 223*). Ҳақиқатан, уйланишнинг ғояси жинсий майлни қондириш билан бирга, фарзанд етиштиришдир. Жаноби Пайғамбаримиз марҳамат қилдилар: «Туғадиган қора хотин туғмайдиган гўзал хотиндан яхшидир»; «Уйланингиз, кўпайингиз, зеро, мен қиёмат кунида бошқа умматларга нисбатан сизнинг кўплигингиз билан фахрланаман!» (*«Feyzul Kadir»: 3/269*);

«Оилалининг икки ракат намози сўққабошнинг саксон ракат намозидан хайрлидир» («*Feyzul Kadir*»: 4/138).

3. Никоҳда икки катта фойда бор: эр-хотин бир-бирларидан хотиржамлик ва ҳаловат топишади; улар орасида севги ва шафқат туйғулари юзага келади (*Рум*, 21); Эр-хотинлар бир-бирларини тўлдирувчилари, мувозанатлаб турувчиларидир.

Аллоҳ таоло шундай марҳамат қилади: **«Улар сизларнинг либосингиз, сизлар улар учун либоссиз»** (Яъни, эр-хотин бир-бири учун худди баданнинг айбларини яшириб, уни иссиқ-совуқдан асраб турадиган либос кабидирлар) (*Бақара*, 187). Бинобарин, хотинсиз эркак ва эрсиз хотин нуқсонлидир.

4. Пайғамбаримиз (с.а.в.) уйланаётган киши ушбу хусусиятларни назарда тутишини истаганлар: «Аёлга уйланаётганда тўртта нарчасига қаралади: молига, насабига, чиройига ва диндорлигига. Сен булардан диндорини танла, бахтли бўласан» (*Buhari. "Nikah": 16*).

5. Эр-хотин бир-бирларига нисбатан яхши ниятда ва ўзаро чиройли муомалада бўлишлари лозим. Расулulloҳ (с.а.в.) марҳамат қилдилар: «Яхшиларингиз оиласига яхши муносабатда бўлганидир» (*Ibn-i Mase. «Nikah»: 50*).

6. Никоҳ эълон этилиши керак. Шунинг учун яқинларига ва ёр-дўстларга зиёфат берилиши, тўй қилиниши динимизда ташвиқ қилинган (*Buhari. «Nikah»: 66-78*).

7. Эр-хотин бир-биридан масъулдир: «Барчангиз чўпонсиз, қўл остингиздагилардан жавобгарсиз. Эркак оиласига, аёл эрининг уйига ва болаларига чўпондир» (*Buhari. «Nikah»: 80-89*).

8. Ислом эр-хотин орасидаги муносабатларни изга соладиган ҳукмларни ҳам, ота-она билан фарзандлар ўртасидаги муносабатларни ҳам тартибга соладиган йўл-йўриқлар бергандир.

9. Ислом бирхотинлиликни ташвиқ этади, аммо зарурий ҳолларда тўрттагача хотин олишга изн беради.

Никоҳда гувоҳлик

Никоҳда гувоҳ шарт. Ислом кўрсатмаларига асосланган гувоҳлар бўлмасдан Аллоҳни, фаришталарни гувоҳ тутиб қилинган никоҳ саҳиҳ бўлмайди, Гувоҳсиз махфий никоҳ ёки битта гувоҳ билан қийилган никоҳ ўтмайди (*"Cevhere ": 2/10; "Damat": 1/219; "Dureru'l-Hukkam": 1/332*).

Гувоҳларда бўлиши лозим шартлар

1. Муслмон икки эркак (ёки 1 эркак, 2 аёл) бўлиши.

2. Балоғатга етган, ақлли, озод бўлишлари.

3. Кичик ёшда (яъни, сағир) ва уйқуда бўлмасликлари. Никоҳ бўлаётган чоқда «бағишладим», «қабул қилдим» сўзларини эшитишлари шарт. Керак бўлиб қолса, кўзи ожиз никоҳда гувоҳ бўлиши мумкин.

4. Гувоҳлар никоҳ қийилаётган мажлисда иштирок этишлари шарт (*"Dureru'l-Hukkam": 1/334; "Cevhere": 2/14; "Damat" : 1/216*).

Никоҳда вакиллик

Жоиз. Вакил яхши-ёмонни ажратадиган бўлиши шарт. Ваколат бераётганида вакилнинг ёнида гувоҳ бўлиши шарт эмас, бўлса, яна яхши. Қиздан ёки куёвдан ваколат олган одам бошқа бировини вакил қилмайди (*"Durerul-Hukkam": 1/334; "Cevhere": 2/14; "Damat": 1/216*).

Аёл ўзи турмушга чиқаётган эркакка ваколат бера оладими?

Аёл турмушга чиқаётган эркакка никоҳ ақдини қилишга ваколат бериши мумкин. Аёл ва эркак ҳозир бўлиб, никоҳ қийиладиган бўлса, ҳолати бундай: агар гувоҳлар аёлни танисалар, никоҳ жоиз, танимасалар, жоиз эмас. Таниш ўлчови: бўлажак эр уйланажак аёлининг исмини,

отасининг-бобосининг исмини айтади, уларни танитади. Бу ўлчовлар доирасида гувоҳлар аёлни танишса, никоҳ жоиз, танишмаса. жоиз эмас (*«Fetava-i Hindiyye»*: 1/268).

Никоҳ қандай қийилади?

Розиликлари олиниши лозим бўлса, улардан розиликлари олинади. Ҳар икки томон ўзлари ёки вакиллари воситаси билан икки гувоҳ ҳузурида ижоб ва қабул натижасида никоҳ қия олади. Никоҳ икки тарафнинг ижоб ва қабули билан рўй берадиган келишув бўлганидан кимнингдир никоҳ қийиши (ўқиши) шарт эмас. Шу билан бирга, турли сабаблар туфайли ижоб ва қабул учинчи бир киши бошчилигида қилиниши қулай ва чиройли ҳолдир.

Никоҳ қиядиган одам қиз билан куёвнинг (ёки вакилларнинг) исmlарини, оталарининг исmlарини ва гувоҳларнинг исmlарини бир қоғозга ёзади. Сўнг бир оз хутба қилади. Кейин қиздан ёки вакилидан йигитни эрликка қабул этган-этмаганини сўрайди. «Қабул қилдим», деган жавобидан сўнг, эркакдан ёки вакилидан қизни хотинликка қабул этган-этмаганини сўрайди. "Қабул қилдим", деган жавобидан сўнг яхши дуолар қилади.

Никоҳнинг одоблари

1. Никоҳдан аввал қисқа бир хитоб (панд-насихат) қилиш (йўл-йўриқ бериш).
2. Никоҳни атрофга эшиттириш.
3. Аллоҳга итоат ва Расулининг суннатларига мувофиқ ишни бошлаш.
4. Никоҳни масжидда қийиш.

Уйланажак қизни кўриш

Пайғамбаримиз (с.а.в.) марҳамат қиладилар: «Аллоҳ бировнинг кўнглига бир аёл орзуйини солса, аёлни кўришида зарар йўқдир (*«Keshfu'l Gumme»*: 2/55).

Абу Ҳурайра (р.а.) ривоят қилади: «Расулulloҳ ҳузурларига бир киши келди. Ансордан бир аёлга уйланмоқчи эканини айтди. Расулulloҳ сўрадилар: «Аёлни кўрдингми?» У: «Йўқ», деди. Расулulloҳ: «Бор, у аёлни кўр, чунки ансор аёлнинг кўзларида бир нима бор», дедилар (*Muslim. "Nikah "*: 12).

Эркак уйланмоқчи бўлган қизни шаръий ўлчовлар ичида кўриши мумкин, жоиз. Қизнинг юзи ва қўлларидан ташқари, тор ва ҳарир либос киймаслик шarti билан, қолаверса, ёлғиз қолмасликлари ёки ёнларида бегона эркак бўлмаслиги шarti билан, бир-бирларини кўришлари жоиз.

НИКОҲ ҲАҚИДА МУҲИМ МАСАЛАЛАР

Икки байрам орасида никоҳ

Халқ орасида «икки ҳайит орасида никоҳ қийилмайди» деган бир ишонч бор. Бу қараш ботилдир, манбаи, далили йўқ. Аксинча, Пайғамбаримиз (с.а.в.) Ҳазрати Ойишага икки ҳайит ораси — Шаввол ойида уйланганлар. Қайтага Шаввол ойида никоҳ ва тўйларнинг бўлиши мустаҳабдир (*Muslim: 4/12*). Исломдан аввал Арабистонда шаввол ойида вабо тарқалган, ўлим ва хасталик кўпайган, шунинг учун шаввол халқ орасида хосиятсиз ой деб ном олган, бу бидъат кунимизгача етиб келган.

Халқ бу ҳолни «Ҳайит жума кунига тўғри келса, жума намози билан ҳайит намози орасида никоҳ қийишга вақт қолмагани учун шундай дейилади», қабилида таъвил этсада, бунинг исломий манбаи йўқ.

Никоҳни ўқиган одамнинг ўзи гувоҳ бўла оладими?

Никоҳ қийган мусулмон айна вақтда гувоҳ ҳам бўла олади. Чунки никоҳ икки гувоҳ ҳузурда эркак ва аёлнинг ижоб ва қабуллари билан бўлади.

Тўйдан аввал никоҳ

Исломий шартлар билан адо этилган ҳар қандай никоҳ саҳиҳдир. Тўйдан анча олдин қийилса ҳам. Бу ҳолда аёл шаръан эркакнинг хотинидир. Эр-хотинлик ҳуқуқлари ўрталарида бошланган бўлади. Ҳозирги пайтда тўйдан аввал қийилган никоҳлар келин билан куёвнинг бемалол кўришиб юришлари учундир. Чунки никоҳданмаган қиз билан йигит бир-бирларига номаҳрамдирлар. Шу номаҳрамликни ўртадан кўтариш учун тўйдан олдин никоҳ қийилади.

Никоҳ учун балоғат ёшига етган бўлиш шартми?

Никоҳ никоҳ бўлиши учун болиғлик шарт эмас. Валий ёки вакил тарафидан қилинган никоҳ ҳам никоҳга ўтади.

Ақлий хасталар уйлана оладими?

Ақлий хасталар ҳам валийлари томонидан уйлантирилишлари мумкин.

Никоҳга мажбурлаш жоизми?

Ақли ва балоғат ёшига етган бир эркак ўз орзуйи ва хоҳишини баён этиш билан уйлана олади. Валийи унинг розилигини олмасдан зўрлаб уйлантириши мумкин эмас. Тул ё бева хотиннинг ҳам розилиги олинмасдан ёки у истамаган бир кишига турмушга чиқарилмайди. Шунингдек, балоғатга етган қизни ҳам розилигисиз ҳеч ким турмушга узата олмайди. Чунки Пайғамбаримиз (с.а.в.): «Очиқ изни олинмасдан тул хотин ва розилиги олинмасдан бокира қиз узатилмас», дея марҳамат қилганлар ва бокира қиз рози-лигини сукут билан ҳам билдириши мумкинлигини баён этганлар (*Buhari. «Nikah»: 40*). Расулulloҳга (с.а.в.) бир қиз, отам мени мен истамаган одамга турмушга беряпти. деб айтганида, бу никоҳни бузишинг мумкин, дея марҳамат қилганлар (*Buhari. «Nikah»: 41*).

Бундан келиб чиқадики, балоғатга етган қизни турмушга узатиш учун унинг розилиги олинishi шарт. Қизнинг розилиги аломати: валийга сукут, бошқа яқинларига эса очиқ баён қилишидир. Қизнинг йиғлаши, кулиши ҳам ҳолатга қараб, розилигини кўрсатади. Аввал турмуш кўрган хотин эса, эрга берилаётганида розилигини очиқ айтмоғи керак.

Ҳанафий мазҳабига кўра, балоғатга етган қиз валийсиз ҳам турмушга чиқа олади (*«Damat»: 1/207*).

Никоҳ ақди юзага чиқиши учун лозим шартлар

1. Ижоб (таклиф) ва қабулнинг тўла маънода масалага уйғун келиши.
2. Ижоб ва қабулнинг бир пайтда ва бир жойда бўлиши.
3. Никоҳланувчилар бир-бирларининг сўзларини эшитишлари.
4. Ижоб билан қабул орасида ижобни ботил қиладиган бирор ҳолнинг юзага келмаслиги.
5. Ҳар икки тарафнинг уйланиш ёки уйлантириш ҳуқуқига эга бўлиши.
6. Мусулмон аёлга уйланаётган эркакнинг ғайримусулмон бўлмаслиги (*«Damat»: 1/208*).

Қандай эркакка тегиш мумкин эмас?

Эркак мусулмон бўлмаса, муртад (яъни, диндан қайтган) бўлса; никоҳида тўртта хотини бўлса, мусулмон аёл бундай эрга никоҳланмайди.

Қандай аёлга уйланиб бўлмайди?

Аёл бошқа эркакнинг никоҳида бўлса, иддада бўлса, динсиз бўлса, (яхудий ёки насроний динида бўлиши тўсиқ эмас).

Насаб ва эмиқдош маҳрамлиги, никоҳ туфайли вужудга келган маҳрамлик. Ўртага уч талоқ тушиши каби ҳолатлар ҳар икки тараф учун турмуш қуришга тўсиқдир.

Никоҳ ақдига кимлар гувоҳ бўла олади?

Никоҳ ақди пайтида тарафларнинг ижоб ва қабулига икки озод, мукаллаф мусулмон эркак ёки шу сифатларга эга бир мусулмон эркак билан икки мусулмон аёл гувоҳ бўлиши лозим. Гувоҳдар ҳар икки томоннинг катталари ё кичиклари бўлишининг аҳамияти йўқ.

Аммо ақлли ва балоғат ёшида бўлишлари шарт.

Балоғатга етмаган қизнинг никоҳи

Турмушга чиқадиган қиз балоғатга етган бўлса, унинг розилиги шарт. Агар балоғатга етмаган бўлса, валийи никоҳлаши мумкин (*«Damat»: 1/209; «Cevhere»: 2/3; «Fetava-i Hindiyye»: 1/267*).

Ёш боланинг ақди

Мумаййиз (яхши-ёмонни фарқлайдиган) ёш боланинг никоҳ ақди валийнинг рухсатига боғлиқ. Васият остидаги кишининг никоҳ ақди учун валийининг розилиги олиниши керак. Буларнинг розилигисиз қийилган никоҳ охирига етмаган ҳисобланади. Розиликлари олингач, никоҳдари никоҳ бўлади (*«Damat»: 1/209; «Cevhere»: 2/3; «Fetava-i Hindiyye»: 1/267*).

Никоҳнинг боғловчилик шартлари

Боғловчилик шартлари бўлмаган никоҳ ақд сифатида тугалдир. Аммо бунда тарафлардан бири ёки валийлар бу турмушни бузиш ё буздиришни талаб этишга ҳақли бўладилар. Масалан, ота билан бободан бошқа бир валий никоҳлаган кичиклар балоғат ёшига етгач, бу никоҳга рози бўлмасалар, бузиш даъвосини очишлари мумкин. Яна тенги бўлмаган ёки ўзига лойиқ даражада маҳр беришни чўзиб келаётган кимсага никоҳланган балоғат ёшидаги қизнинг валийлари рози бўлмасалар, никоҳни бузишни талаб қилишга ҳақлари бор. Яна, жинсий ҳаётга иқтидорсизлик ҳам никоҳни бузиш даъвосига сабаб бўлади ҳамда эр-хотинликнинг давом этишига тўсиқдир. (*"Dureru'l-Hukkam": 1/326; "Cevhere": 2/3; "Damat": 1/209*)

Ҳукм жиҳатидан никоҳнинг хиллари

1. Жинсий ҳаётга кучли истак тинчлик бермай қўйса. зино қилиш тахликаси юзага келса, уйланиш фарздир.
2. Хотиржам, мўътадил ҳолатда уйланиш таъкидланган суннатдир.
3. Хотинга азият бериб қўйиш (м., иқтидорсизлик туфайли унинг ҳақларини адо этмаслик)

хавфи бўлса, уйланиш макруҳдир («*Damat*»: 1/209; «*Cevhere*»: 213; «*Dureruʼ-Hukkam*»: 1/326).

Тўғри бўлиш жиҳатидан никоҳнинг турлари

1. Саҳиҳ никоҳ.
2. Фосид никоҳ.
3. Ботил никоҳ.

1. Саҳиҳ никоҳ. Никоҳ ақдининг дуруст ва саҳиҳ бўлиш шартлари мавжуд бўлган уйланиш "саҳиҳ никоҳ" дейилади.

Саҳиҳ никоҳда эрининг хотини олдидаги бурчлари

- а) маҳр: никоҳ ақди пайти маҳрни тайин этиш эсдан чиқса ҳам, аёл унга ҳақли бўлаверади;
- б) нафақа: хотиннинг асосий эҳтиёжларини қондиришга эрни бурчли қилади;
- в) бошқа хотинлари ҳам бўлса, ўрталарида адолат қилиш.
- г) тинч-тотув яшаш, яхши муомалада бўлиш.

Хотиннинг эри олдидаги вазифалари

- а) турмушга чиққан хотин эридан бошқага ҳаромдир, бошқа билан никоҳдан ўтмайди;
- б) хотин эридан шартлашган маҳрни олса, унинг уйига боради ва унга бўйсуниб тобеъ бўлади;
- в) Ислом жоиз кўрган ҳолатлардан бошқасида ташқарига фақат эр изнила чиқиши мумкин;
- г) эрининг Исломга эвд бўлмаган истакларини адо этади;
- д) эрининг Ислом доирасидаги тарбия ҳаққини қабул қилади («*Damat*»: 1/209; «*Cevhere*»: 2/3; «*Fetava-i Hindiyye*»: 1/268).

2. Фосид никоҳ. Фосид никоҳ нима?

Гувоҳсиз никоҳ, иддаси тугамаган опасидан сўнг синглисига уйланиш, тўртинчи аёлининг иддаси ўтмай бешинчисига никоҳ қийиш, иддадаги аёлга никоҳланиш кабилар фосид никоҳлардир. Никоҳнинг фосид бўлганини билган эр ҳам, хотин ҳам дарҳол уни бузишлари лозим бўлади.

Саҳиҳ никоҳ шартлари бўлмаса, у фосид ҳисобланади. Гувоҳсиз ёки бир гувоҳ билан қийилган никоҳ ёхуд керак бўлган жойда валийнинг изни бўлмаган никоҳ.

Фосид никоҳнинг ҳукмлари:

- а) бундай уйланганлар (турмуш қурганлар) дарҳол ажрашишлари керак;
- б) жинсий қовушиш бўлмаса, фосид никоҳ ёмон оқибат туғдирмайди;
- в) жинсий қовушиш бўлса, маҳри мисл билан маҳри мусаммадан қайси оз бўлса, аёл ўшанисига ҳақли бўлади. Олти ой билан бир қуёш йили орасида туғилган боланинг насаби собит бўлади.

3. Ботил никоҳ. Асл унсурлари ёки шартлари нуқсонли бўлган уйланиш ботил ҳисобланади. Масалан, мусулмон эркакнинг бутпараст аёл билан ёки мусулмон аёлнинг мусулмон бўлмаган эркак билан қурган турмушлари ботилдир. Жинсий муносабат бўлсин ё бўлмасин, бу хил уйланиш эр-хотинликка алоқадор ҳеч қандай натижа бермайди, дарҳол ажрашиш керак («*Damat*»: 1/2010; «*Cevhere*»: 2/5; «*Fetava-i Hindiyye*»: 1/203).

Эмиқдошлик туфайли маҳрам бўлганлар

Насл-насаб қариндошлиги ва уйланишдан юзага келган қариндошлик даражасидаги сут қариндошлиги ҳам уйланишга давомли тўсиқлардандир: сут оналари, уларнинг қизлари, опасингиллари, сут қайноналар, сут ўгай қизлар, сут ўғилнинг хотинлари, сут отанинг хотинлари ҳам ҳаромдир («*Damat*»: 1/210; «*Cevhere*»: 2/205).

Опа-сингилга бир вақтда никоҳланиш жоизми?

Опа-сингил билан бир пайтда никоҳда бўлиш ҳаромдир. Хотиннинг аммаси, холаси ва хиянларини ҳам бир пайтда никоҳга олиш жоиз эмас, аммо бирини никоҳидан чиқарганидан кейин бошқасига никоҳланса, мумкин.

Шунингдек, иддаси тугамаган аёлга уйланиш ҳам ҳаромдир.

Қайнота ва қайнонага қандай мурожаат қилинади?

Бир мусулмон бировнинг отаси эмаслигини билгани ҳолда отам деб даво қилиши ҳаромдир (*Muslim. "Iman": 113; Cassas. "Ahkamul Kur'an": 222*).

Оналик масаласи ҳам шундай. Фақат эр-хотин бир-бирларига юшоқ ва назокатли бўлишлари ва бир-бирининг яқинларига бир-бирларига ёқадиган ифодалар билан мурожаат этиш ва ҳурмат кўрсатиш устларидаги ҳақлардан экани ва хоссатан мамлакатимиздаги урфга кўра бўлган қайнотани "ота", қайноналарга "она" деб аташнинг исломий бир тўсқинлиги йўқ. Айни чоқда, мажбурияти ҳам йўқ. Қуръони каримда бу масалада оят бўлмагани каби, ҳадиси шарифларда ҳам бунга оид бирон кўрсатма йўқ.

Пайғамбаримиз (с.а.в.) қайноталари Ҳазрати Абу Бакрни ё Ҳазрати Умарни "ота" демаганлар, куёвлари Ҳазрати Усмон ва Ҳазрати Али ҳам (Аллоҳ барчаларидан рози бўлсин) Пайғамбаримизни "ота" дейишмаган. "Расулуллоҳ" дея мурожаат қилишган.

Аллоҳни, Пайғамбарни, Китобни, динни сўкканнинг никоҳи жоизми?

Аллоҳни, Пайғамбарни, Китобни, динни ва муқаддас ҳисобланган бошқа нарсаларни ҳақоратлаган, сўккан киши диндан чиқади, кофир бўлади. Бу кишининг имони кетганидан кейин никоҳи ҳам кетади. Тавба қилиб, имонини янгилламагунича, яъни, бошқатдан имон келтирмагунича имони ҳам. никоҳи ҳам йўқдир. Тавба қилиб, имонини ҳам, никоҳини ҳам янгिलाши керак (*Karafi. "el-Faruk ": 4/295*).

Қайнонасини сўкканнинг никоҳи

Қайнонани ёки онани сўкиш энг катта гуноҳлардандир. Лекин никоҳи бузилмайди. Никоҳга зарар келтирмаслиги гуноҳнинг кичиклигига далолат эмас. Мусулмон бундай ишдан сақланиши, қатъийан ўзини тийиши керак.

Ҳеч намоз ўқилмайдиган жой (қишлоқ, туманда) никоҳ

Шайхул Ислом Абу Сууднинг мавзуга алоқадор бир фатвоси бор: "Агар бир ўлка (жой, шаҳар) халқининг барчаси беш вақт намозни тарк этса ва бу тарк этиши қатъийан бўлса, барчаси имонини ва никоҳини янгिलाши керак (*"Ebussuud Efendi Fetvalari ": 191*). Беш вақт намоз ўқиган мусулмонлар ўша жойда ҳам ўқимаганлар учун раҳматдир.

Уйланадиган эркакка ва суннат бўладиган болага хина қўйиш

Аёлларга хина қўйишга ижозат берилган. Лекин уйланадиган эркакка ёки суннат бўладиган болага хина қўйиш ҳаром. Фақат эркаклар шифо ниятида хинадан фойдаланишнинг зарари йўқ (*"el-Havi lil-Fetavi": 1/114*).

Исломда бўйдоқ қолиш, турмуш қурмаслик борми?

Йўқ. Фақир бўлса, унинг уйланиши учун ёрдам бериш бой мусулмонларнинг бурчидир. Бу нарса эркак ва аёлни ахлоқсизликдан муҳофаза қилиб, жамиятда номусли ҳаёт кечирининг ягона йўлидир.

Қуръонга кўра, турмуш қуриш мусулмоннинг табиий ҳаққидир. **"Ўз ораларингиздаги тул-беваларни ҳамда қул ва чўриларингизни солиҳларини уйлантиринглар. Агар улар**

камбағал бўлсалар, Аллоҳ ўз фазлу карами билан уларни бой-беҳожат қилади. Аллоҳ (фазлу карами) кенг, билгувчидир" (*Нур, 32*). Бу ояти жалиладан мурод шулдир: ҳеч ким Ислом жамиятида бўйдоқ, бева, турмуш қурмасдан қолмасин. Зеро, жинсий истаклар уни ғайри йўлларга бошламасин. Бу амр барча мўминларга шомилдир. Расулуллоҳ бўйдоқ ўтишни истаган Усмон ибн Мазъунга шундай буюрганлар: "Сўққабош ҳолда Аллоҳга қовушма!" (*"Deylemi": 2/290*). Ҳазрати Умардан: "Уч кундан кейин ўлишимни билсам ҳам, бўйдоқ ўтмасдан, уйланишни афзал кўрардим", деганлари ривоят қилинади (*Suyuti. «Cemi'ul Cevami»: 1/190*).

Ҳомилали хотин бошқага никоҳлана оладими?

Ҳомиладор хотин қорнидаги боласининг насаби собит бўлгач, эри ўлса ёки эридан ажрашса, бошқа бир эркакка никоҳланиши жоиз эмас. Чунки аёлнинг иддаси туққанидан кейин тугайди.

ИСЛОМДА ЭМИҚДОШЛИК

Никоҳ хусусида сўз кетганида эмиқдошлик ҳақида ҳам тўхталиб ўтиш лозим. Зеро, эмиқдошлик туфайли ҳам одамлар ўртасида никоҳга тўсиқ (маҳрамлик) пайдо бўлади. Шунинг учун ҳам аёллар заруратсиз ўз боласидан бошқаларни эмизмасликлари керак. Мабодо эмизсалар, бир жойда қайд этиб қўйиш лозимки, кейинчалик ўзларига куёв ёки келин қилиб қўймасинлар.

Бола қанча эмизилади?

Болани эмизиш муддати Имоми Аъзамнинг фикрларига кўра, икки ярим йилдир.

Аллоҳнинг Расули (с.а.в.): «Бола сутдан айрилгач, эмиқдошлик собит бўлмайди», деганлар. Ҳадисдаги «сутдан айрилиш»дан мурод муддатдир. Яъни, икки ярим ёшга етмаган бола сутдан айрилган бўлсада, эмиқдошлик собитдир. Аммо икки ярим ёшдан ошганидан кейин бошқа онани эмса, эмиқдошлик собит бўлмайди («*el-Hidaye*»: 1/223; «*Cevhere*»: 2/34).

Хотин эридан рухсатсиз бошқа болани эмиза оладми?

Бошқанинг боласини эмизиш шаръан ҳалол. Аммо эрнинг рухсати керак. Эрдан изн олинмасдан бошқа болани эмизиш макруҳдир («*Duretu'l-Hukkam*»: 1/355; «*Cevhere*»: 2/34).

Сут муддатида сўнг эмизиш мумкинми?

Бу хусусда Имом Марғиноний шундай дейдилар: «Муддати чиққач, эмизиш ёки эмиш мубоҳ бўлмайди, чунки уни мубоҳ қилган нарса боланинг зарурий ҳолатидир. Сут аёлнинг бир парчасидир, инсоннинг парчасини ейиш эса, ҳаромдир» («*el-Hidaye*»: 1/223; «*Cevhere*»: 2/34). Демак, эмизиш фақат зарурат юзасидан ҳалол бўлади.

Эмиқдошлар меросда шерикми?

Йўқ. Сут ўртада меросхўрликни ҳосил қилмайди.

Сут миқдори

Ўртада сут маҳрамлиги собит бўлиши учун сутнинг меъдага етадиган миқдорда эмилиши кифоядир. Кўкрақдан эмиш ҳам шарт эмас, соғиб олиб, эмизик ёки қошиқ билан ичирилиши ҳам мумкин. Муҳими сутнинг меъдага тушишидир.

Киши сут ўғли қўйган хотинга уйлана олаоими?

Никоҳтуфайли маҳрамлик сут орқали ҳам собит бўлади. Масалан, киши сут ўғлининг ёки сут отасининг хотинига уйланмайди. Аёл ҳам сут қизининг эрига турмушга чиқмайди. Бир эркак сут қизига шаҳват билан тегинса, хотини талоқ бўлади. Бир аёл ҳам сут ўғлига шаҳват билан тегинса, ўша хотинга талоқ тушади.

Қариндошга уйланишнинг ноқулай томонлари

Юқорида амма, тоға, хола ва амакилар маҳрам экани, аммо уларнинг фарзандлари номаҳрам бўлиши айтиб ўтилди. Демак, холавачча, амакиваччалар ўзаро никоҳланишлари шаръан ҳалолдир.

Аммо бегоналарга қараганда қариндошларга уйланишнинг баъзи хавфли ва ноқулай томонлари бор. Маълумки, фарзанднинг соғлом ва бақувват туғилишида эр-хотиннинг бир-бирига меҳр-муҳаббатли ва кучли жинсий истақда бўлишлари ғоят аҳамиятлидир. Зеро, Пайғамбаримиз ҳам эркакларга жинсий алоқа чоғи шошилмасликни, хотинларини қондиришга ҳаракат қилишни тавсия этганлар. Баъзан шундай бўладими, амакиваччалар бир ҳовлида вояга етишади, бир-бирларини жуда яқин хис қилишади, бинобарин, уларда бир-бирларига нисбатан

жинсий майл баъзан умуман бўлмайди. Шунингдек, қариндошлар орасида эмиқдошлик кўп учрайди. Мана шу икки жиҳат фарзандларнинг ногирон тутилишига сабаблардан асосийларидир.

Бугунги илм-фан болаларнинг нуқсонли, ногирон туғилишига асосий сабаб қилиб қариндошларга, яъни, амакивачча, холавачча, тоғаваччаларга никоҳланишни кўрсатмоқда. Қон ўхшашлиги туфайли туғилган қариндошлар орасида кўпроқ учраши дўхтирларнинг шундай хулосага келишига сабаб бўлгандир. Аммо улар юқорида айтганимиз эмиқдошлик масаласини ёддан чиқармоқчалар. Бу хусусга ноҳолис ёндошаётганлар Ислоннинг ҳукмини ҳам бир ўйлаб кўрсалар, ҳақиқатга яқинлашган бўлар эдилар.

Турмуш қуражак эркак-аёл тенглиги

Бу тенглик арабчада "куфув" дейилади. Фикҳда, турмуш қурадиган жуфтлар баъзи жиҳатдан бир-бирларига тенг бўлишлари, демақдир. Бу хусусда Қуръони каримда ҳукм йўқ. Алоқиди ҳадис мавжуд эмас. Фақат бир ҳадиси шариф бор: «Уч нарсани кечиктирма, намозни, жанозани ва тенги топилган қизни» (*Beyhaki: 7/133*). Кўпчилик олимларнинг тенглик шарт дейишларига сабаб, эр-хотин ўртасида тушунмовчилик ва келишмовчиликларнинг олди олинсин, айниқса, эркакнинг баъзи жиҳатларда хотинидан қўйи бўлмаслиги оиладаги раҳбарлиги соғлом кечсин, бирон-бир маънода тили қисик бўлмасин, деган ниятадир. Уйланишда тенглик хотинда эмас, эркакда аҳамият берилади. Эркак ўзига тенг бўлмаган аёлга уйлана олади. Бир аёл тенги бўлмаган бир эркакка турмушга чиқса, валийлар уларни ажратиш учун даъво очишлари мумкин. Турмуш қурилганидан кейин майдонга келган фарқлиликларнинг оилага зарари йўқ, мўътабар эмас (*Bilmen. «Hukuku Islamiyye»: 2/65*).

Тенглик деганда кўзланган хусусиятлар

1. Насабда тенг бўлиш.
2. Диндорлик жиҳатдан тенг бўлиш.
3. Илм, ҳунар ва маслакда тенг бўлиш.
4. Бойлик жиҳатидан тенг бўлиш.
5. Ҳурриятда тенг бўлиш.

Мазҳаблар турмуш қурадиган кишилар орасида диндорлик жиҳатидан тенгликнинг зарурлиги масаласида бир хил фикрдадирлар. Шу билан бирга, ҳанафийлар эркакнинг насаби аёлниқидан паст бўлмаслигини сўзлайдилар (*"Fethul-Kadir": 2/419*). Шофеъийларга кўра эса, эркак хотиндан диндорлик, насаб, маслак ва ҳуррият жиҳатидан паст бўлмаслиги керак. Ҳанбалийлар майда фарқлар билан шофеъийларга қўшилишади. Моликийлар диний далиллар жиҳатидан янада соғлом тушунчададирлар (*"Fethul-Kadir": 2/419*). Буларга кўра, тенгликда фақат диндорлигига ва вужуд аъзоларининг соғломлигига аҳамият берилиши керак (*Bilmen. "Hukuku Islamiyye ": 2/65*). Ҳанафийларга кўра ҳам, шофеъийларга кўра ҳам, тенгликнинг бўлмаслиги ни-коҳнинг сиҳҳатиға тўсиқ эмас. Ҳанафийлардан ёлғиз Имоми Кархийга кўрагина никоҳда тенглик асло шарт эмас (*Bilmen. "Hukuku Islamiyye": 2/71*).

Тенгликни аҳамиятли деб билмайдиган олимлар инсон аслида тенг яратилганига, Ислон турли ижтимоий синфлар орасида тенгликни вужудга келтирганига эътиборни қаратишади. «Ҳақиқатан Ислонда барча инсонлар тароқ тишларидай тенгдирлар (*"Fethul-Kadir": 2/48*). Инсонлараро устунлик фақат Аллоҳдан кўрқиб жиҳатидандир. Мол-дунё ўлчов бўлолмайди, чунки келгувчи-кетгувчидир (*Bilmen. "Hukuku Islamiyye": 2/75*). Бу маънода йўқ бўладиган хусусиятда тенглик масаласида ортиқча тўхталмаслик керак. Йўқ бўлмайдиган хусусиятлар устида тўхталиш керак бўлади. Уларга диндорлик, гўзал ахлоқ, чирой ва илм кабилар киради. Фақир бойиши мумкин, аммо ахлоқи ва диний ишончлари заиф, ислоний илми бўлмаган, жоҳил ва чиркин инсоннинг ўзгариши қийин. Ота-она ва аждодларининг диндор, илм ва фазилат соҳиби бўлиши бу каби қийматли ўлчовлардан йўқсил бўлган фарзандларга мақтаниш ва

устунлик сабаби бўлмайди ("*Fethul-Kadir*": 2/424).

Бинобарин, тенглик оилалардан ҳам кўра кўпроқ энди турмуш қурадиганларнинг ўзидан суриштирилиши керак. Шунда оилада ҳузур бўлади. Агар тенглик оилалардан (отаналаридан) изланиб, турмуш қурадиганларнинг ўзларига аҳамият берилмаса, ёш оила отанаси бағридан ажралиб чиқса, бу тенглик бузилиши мумкин.

Ғайримуслим билан турмуш қуриш

Мусулмон эркак Китоб аҳлига - яҳудий ёки насроний (христиан) аёлга уйланиши жоиз (*Моид*, 5) Аммо динсизга, даҳрийга уйланиши жоиз эмас.

Қуръонда мушрик аёлларга, улар имон келтирмагунларича, никоҳланиш таъқиқланган (*Бақара*, 221).

Мусулмон аёлнинг ғайримуслим эркакка турмушга чиқиши ҳаромдир. Бу ғайримуслим эркак хоҳ яҳудий, хоҳ насроний, хоҳ мушрик, хоҳ тамоман динсиз бўлсин — фарқи йўқ. Қуръони каримда шундай марҳамат қилинади: «То имонга келмагунларича мушрик аёлларга уйланмангиз. Шубҳасиз, озод мушрик аёлдан, гарчи у сизга ёқса-да, имонли чўри яхшироқдир. То имонга келмагунларича мушрик эрларни (қизларингизга) уйламангиз! Шубҳасиз, озод мушриқдан, гарча у сизга ёқсада, имонли қул яхшироқдир» (*Бақара*, 221), деб марҳамат қилинган. Мусулмон аёл ғайримуслимга турмушга чиқса, Исломга чақирилади, агар эри мусулмон бўлмаса, аёл ажралади, ажралмаса, Исломнинг бир ҳукмини инкор қилган бўлади ва ибодати қабул бўлмайди.

Ғайримуслим эр-хотин бирга мусулмон бўлшиса, никоҳлари нима бўлади?

Агар Китоб аҳлидан бўлган эр-хотин бирга Исломни қабул қилишса. илгариги турмушлари мўътабар, янгидан никоҳ керакмас ("*Cevhere*": 2/30; "*el-Lubab*": 2/30). Лекин улар мусулмон бўлгач, ораларида уйланишга тўсиқ бўладиган сабаблардан бири (м., насаб ва сунт маҳрамлиги каби) ўртага чиқса, никоҳлари бекор бўлади, бузилади.

Эр-хотинлардан бири диндан қайтса-чи?

Никоҳ бузилади. Ўша заҳоти ажрашган ҳисобланишади. Уларга талоқнинг аҳамияти йўқ. Иккови бир пайтда диндан қайтса ҳам, ҳукм шу ("*Cevhere*": 2/30; "*el-Lubab*": 2/30).

Ҳурмати мусахҳара

Бу масалалар жуда оз бўлса ҳам, мусулмонлар ҳаётида учраб турган ҳодисалардандир. Чунки вақти-вақти билан сўралаётган бир масала бу. Яна шуни таъкидлаш керакки, бу мавзулар тақво мавзулари ёки майда масалалар эмас, балки муҳдем бўлган шаръий масалалардир. Мусулмонлар бунга жуда ҳам эътибор беришлари керак.

Мазҳабимизга кўра, «ҳурмати мусахҳара» шундай таърифланади: «Бир-бири билан жинсий муносабатда бўлган ёки ялан-ғоч ва ё вужуд иссиқлигини хис этадиган даражада юпқа либос устидан бир-бирига тегишиб шахват туйган ёхуд бир-бирининг жинсий аъзосини очик кўриб (тукли жойинигина кўриш етарли эмас), шахват сезсалар, "ҳурмати масахҳара" пайдо бўлади ("*Dureru'l-Hukkam*": 1/330; "*Cevhere*": 2/5; "*el-Lubab*": 2/5; "*Fetava-iHindiyye*": 1/274; "*Fetava-iKadihan*": 2/360).

Яъни, худди бир-бири билан эр-хотин бўлганга ўхшаб, бир-бирларининг катталари ва кичиклари ўзларига ҳаром бўлади. Ҳукмий бир қариндошлик пайдо бўлади. Қисқача баъзи мисоллар келтирамиз:

Бир одам шахват билан қайнонасининг ёки келин қайнотасининг қулини тутса, жуфти унга ҳаром бўлади.

Бир эркак қайнонасининг ёки бир хотин қайнотасининг қулини тутиб, бу сабаб билан ҳар иккисида ёки бирида шахват ҳисси сезилса (пайдо бўлса), жуфтларнинг эрлари ўзларига ҳаром

бўлади, никоҳ кетади (*"Dureru'l-Hukkam": 1/330; "Damat": 1/212; "Cevhere": 2/6*).

Шаҳватнинг ўлчови: фақат ақлидан (хаёлидан) ёмон фикрнинг ўтиши эмас, балки эркакнинг жинсий аъзоси қўзғалиши, аёлнинг ва кексанинг кўнглида майл пайдо бўлиши (*"Dureru'l-Hukkam": 1/330; "Damat": 1/212; "Cevhere": 2/6*).

Бундай ҳаромлик юзага чиқиши учун ўзига тегинган ёки жинсий аъзосига боқдиган кипш «муштаҳог» бўлиши шарт. Тўққиз ёшга етмаган болалар муштаҳот эмаслар (*"Dureru'l-Hukkam": 1/330; "Damat": 1/212; "Cevhere": 2/6*).

МАҲР

Эркакнинг уйланаётган аёлига ҳадя тариқасида берадиган пули ёки моли маҳрдир. Маҳр никоҳ ақдининг бир шарти бўлиб, Қуръони карим ва суннат билан собит бўлган.

Имоми Аъзам ва Имом Моликка кўра, маҳрнинг энг ози ўн дирҳам (28 грамм) кумушдир. Бундан ози маҳр бўлмайди. Мободо оз белгиланган бўлса, барибир ўн дирҳам таъйин этилади. Кўпининг миқдори чегараланмаган.

Пайғамбаримиз (с.а.в.): «Маҳрнинг энг яхшиси озидир» («*Neylul-Evtar*»: 6/179), деганлар. Маҳр аёлнинг ҳақи бўлади. Ота ёки валий унга эгалик қилолмайди. Саҳиҳ никоҳ ақди тузилса, маҳр эсланса ҳам, эсланмаса ҳам, собит бўлади. Бу жиҳатдан маҳр икки хилдир:

1. Маҳри мисл. Никоҳ қийилаётганида маҳр миқдори аниқланмаган бўлса, аёлнинг тенгига қараб унга лойиқ миқдор чиқарилиши керак. Шуни "маҳри мисл" дейилади. Бу борада эътиборга олинадиган жиҳатлар: бокиралик, ёш, чирой, ахлоқ, ақл, илм, одоб, бойлик каби қадриятлардир. Аёлнинг яқин қариндошлари ичида бу қадриятларда ўзига тенг бўлганларга белгиланган маҳр бу аёлнинг маҳри мислидир. Яқинлари орасида ўхшаши топилмаса, атрофга қараб миқдор чиқарилади.

2. Маҳри мусаммо. Никоҳ қийилаётганида ёки аввалроқ ёки кейинроқ келишилган маҳрдир. Бу ҳам ўн дирҳам (28 грамм) кумушдан кам бўлмайди. Маҳр олдиндан берилиши мумкин бўлганидек, маълум муддат кейинга ҳам қолдирилиши мумкин. Бу жиҳатдан маҳр икки хилдир.

а) маҳри муъажжал — шошилиш, олдиндан берилган маҳр;

б) маҳри муажжал — барисининг ёки бир қисмининг ўталиши турмуш қургандан кейинга қолдирилган маҳр. Яъни, "кечиктирилган маҳр" дегани.

Агар кечиктириш муддати белгиланмаган бўлса, вафот чоғи ёки ажралиш пайтида ўталиши керак. Аёл муажжал маҳрини олмагунича турмуш муносабатларига киришмаслиги мумкин. Маҳри муажжални вақтидан кейинга қолдирмаслик керак. Никоҳда маҳр берилиши вожиб бўлгани учун илоҳий ҳаққа тааллуқли. Шу боис никоҳнинг бошланғичида маҳрни бекор қилиш жоиз бўлмайди. Лекин никоҳ қийилганидан сўнг хотин истаса, маҳрини эрига ҳадя этиши, воз кечиши мумкин ("*Fetava-i Hindiyye*": 1/203).

Маҳр фақат аёлнинг ҳаққи. Аёл маҳрни сепга ишлатиш мажбуриятида эмас. Қизнинг яқинлари эркақдан ҳеч Нарса талаб қила олмайдилар. Бу дегани, элда урф бўлган қалин Исломга зиддир. Никоҳ қилиниши билан аёл маҳрга ҳақли бўлади. Бунда ҳақ тўла ва ярим бўлиши мумкин.

Маҳрни тўла олишга аёлни ҳақли қиладиган ҳолатлар

1. Қовушмасидан олдин эр ё хотиндан бири вафот этса.

2. Саҳиҳ хилватнинг пайдо бўлиши. Саҳиҳ хилват эр-хотиннинг овлоқда ёлғиз қолишларидир.

Маҳрнинг ярмини олишга ҳақли қиладиган ҳолатлар

1. Қовушмасдан ажрашса.

2. Саҳиҳ хилватдан аввал ажрашса ("*Damat*": 1/210 "*Cevhere*": 2/18, "*Dureru'l-Hukkam*": 1/341).

Маҳр қандай бекор бўлади?

Қовушишдан ёки саҳиҳ хилватдан олдин аёл сабаб бўлиб ажралишса, маҳр бекор бўлади. Масалан, аёл тенги бўлмаган бири билан турмуш қурганида валийининг норозилигидан кейин ҳоким бу никоҳни бұзса, маҳр бекор бўлади. ("*Damat*": 1/210 "*Cevhere*": 2/18, "*Dureru'l-Hukkam*": 1/341).

Унаштирилган қизга жўнатилган ҳадя

Эркак унаштирилган қизга ҳадя юбориб, ораларида никоҳ бўлмасидан олдин келишув бузилса, ҳолат бундай: агар юборган ҳадяси қисқа вақтда бузиладиган жинсдан ейиладиган нарса бўлса, қайтарилмайди. Олтин, кийим-кечак, пул каби ашёлар бўлса, қайтарилиши керак. Ишлатилиб қўйилган, эскиртирилган ё йўқолган бўлса, тўланади ("*Damat*": 1/210, "*Cevhere*": 2/18. "*Dureru'l-Hukkam* ": 1/341). Агар уйланишдан аввал эркак ўлиб қолса, олтин ва қимматбаҳо нарсалари қайтарилади, мавжуд бўлмаган нарсанинг тўланиши шарт эмас ("*el-Fethu'r-Rahman*": 2/17).

Хилвати саҳиҳа

"Хилват" бир ерда ёлғиз қолиш дегани. Саҳиҳ хилват эса, эр-хотиннинг ҳеч ким кўрмайдиган, биров ўз ихтиёри билан кира олмайдиган, берк ёки берк ҳисобланадиган бир жойда бирга ёлғиз қолиши демакдир. Ҳукми зифоф деса бўладиган бу ҳолда ҳам хотиннинг тўла маҳрга ҳаққи қатъийлашади. Эр ё хотиннинг бирида жинсий муносабатга тўсиқ бўладиган бирор ҳолат бўлмаса, саҳиҳ хилват саналади. Тўсиқ: ё хасталик, кичиклик, бадбашаралик каби шахсий ҳол, ёки фарз намоз, фарз рўза, ҳажда эҳромда бўлиш, ҳайз, нифос каби шаръий ҳукм бўлиши мумкин. Ёнларида кўрми, ухлаётган болами, биронтаси бўлса ва юқорида қайд этилган тўсиқлардан биттаси эр ёки хотинда бўлса, хилватнинг саҳиҳлигини бузади. Иқтидорсизлик хилватга моне эмас ("*Cevhere*": 2/1, "*Damat*": 1/211, "*Dureru 'l-Hukkam* ": 1/332).

Саҳиҳ хилват ғул қилишни, қизларнинг эркакка ҳаром бўлишини, уч талоқ билан ажрашган жуфтнинг аввалги эрига қайтишини, меросхўр бўлишни зарур қилмайди. Фақат насли собит бўлишини, идда кутишни, на-фақа ва маҳрни лозим қилади ("*Cevhere*": 2/10, "*Damat*": 1/219, "*Dureru'l-Hukkam*": 1/332).

Охират қардошлиги ва ё авлодлиги

Исломда насаб ва сут йўлидан бошқа эркак билан хотин орасида қардошлик йўқ ("*Nimet-i islam* ", *Mufarakat*: 30). Бинобарин, Исломда охират қардошлиги ва ё охират авлодлиги деган бир муассаса йўқ.

Уйланажак қизни кўриш

Шаръан зарари йўқ. Зеро, Пайғамбаримиз (с.а.в.) марҳамат қиладиларки: «Аллоҳ таоло киши қалбига бир аёлга унашиш истагини солса, унга қараши жоиздир».

Совчи устига совчи юбориш жоизми?

Расулulloҳ (с.а.в.) марҳамат қиладилар: «Мўмин учун биродарининг савдоси устига савдо қилиши ва юборган совчиси устига совчи юбориши то ора очилмагунча ҳалол эмас» ("*Bulugul Meram*": 3/246).

Тул ўтиш ҳақида

Шаръий ва тиббий тўсиқлар бўлмаса, тоқ ўтиш жоиз эмас. Фақирларни уйлантириб қўйиш бой мусулмонларнинг бурчидир. Бу нарса жамиятни ахлоқсизликдан муҳофаза қилиб, ифбатли ва номусли турмушнинг ягона йўлидир.

Қуръони каримда шундай дейилади: «**Ўз ораларингиздаги тул-беваларни ҳамда қул ва чўриларингизнинг яхшиларини уйлаб қўйинглар. Агар улар камбағал бўлсалар, Аллоҳ ўз фазлу карами билан бой-беҳожат қилур. Аллоҳ (фазлу карами) Кенг, Билгувчидир**» (*Нур*, 32).

Бу ояти жалиладан мурод, Ислом жамиятида узрсиз бўйдоқ ва бевалар бўлмасин, жинсий истаклар фақат шаръий йўллар билан қондирилсин, демакдир.

Ҳазрати Умар (р.а.) шундай дейдилар: «Уч кундан кейин ўлишимни билсам ҳам, бўйдоқ

Ўтишдан уйланишни афзал кўраман» (*Suyuti*).

«Аёллар ҳаққи хусусида Аллоҳдан қўрқинг! Зеро, сиз уларни Аллоҳнинг аҳди билан олдингиз ва Аллоҳнинг калимаси билан танларини ўзингизга ҳалол қилдингиз» (*Расулуллоҳнинг (с.а.в.) "Ҳажжатул-вадо " хутбаларидан*).

ТАЛОҚ

- "Талоқ" сўзининг луғавий маъноси ҳар қандай нарсанинг "боғини ечиш", боғланишни "бўшатиб юбориш", "узиш" деганидир.

Шаръий истилоҳда эса, никоҳ билан собит бўлган боғланишни ечиб юбориш, демакдир. Яъни, эр билан хотин ўртасида пайдо бўлган (тугунни) боғланишни ечиб юбориш. Турмушдаги келишмовчиликнинг ҳеч давоси бўлмаса, сўнги чора сифатида Жаноби Ҳақ талоқни ҳалол қилган.

Ғарбликлар неча асрдан бери ажрашни машруъ қилгани туфайли Исломни қоралайди. Уларнинг фикрича, бу нарса аёлларни ерга уриш, қадрини тушириш эмиш. Насроний Оврупада ажрашиш (талоқ) йўқ. Хоҳ хотиннинг, хоҳ эрнинг, истасалар ҳам, бунга имконлари, ҳақ-ҳуқуқлари йўқ.

Эр-хотин турмушини давом эттиролмайдиган даражада сўнги нуқтага келса ҳам, жаҳаннам азобида яшашга маҳкумдирлар. Чунки қонунлар ва ботил ақидалар ажрашмасликни тақозо қилади. Ҳеч иложи бўлмаса, мутлақо имконсиз қолганларида алоҳида яшашга имкон берилади, шунда ҳам қонунан ажрашишмайди.

Исломнинг талоққа муносабати қандай:

Ислом эр-хотин турмуши доимий тарзда давом этишини, ўлимдан бошқа нарса уларни ажратмаслигини истайди. Фақат, ҳеч имкон қолмаганидагина ажрашишга рухсат беради. Бундай ёндашув инсон табиатига мувофиқдир. Сабабсиз ажрашиш ҳаромдир. Қуръони каримда: «Хотинларингиз сизларга итоат қилсалар, уларга қарши бошқа йўл ахтарманглар!» (*Нисо, 34*) деб буюрилган. Расулulloҳ (с.а.в.): «Уйлансангиз, ажрашманг. Чунки Аллоҳ лаззатга берилган эркакларни ва лаззатга берилган аёлларни севмайди» (*«Keshful-Hafa»: 1/304*), деганлар. Яна: «Талоқ Аллоҳ таолога ёқмайдиган мубоҳдир. Уйланинг, фақат қурган бу оилангиз биносини талоқ билан қулатманг. Талоқнинг ёмонлигидан Аллоҳнинг Арши титрайди», деганлар (*«Umdetu 'l Kari»: 9/528*). «Талоқ билан фақат мунофиқ киши қасам ичади ва бу билан қасам ичишни ҳам мунофиқ кимсадан бошқаси таклиф этмайди» (*«Umdetu'l Kari»: 9/528*). «Қайси хотан муҳим бир сабабсиз эридан талоқ беришини сўраса, ҳатто жаннатнинг ҳиди ҳам унга ҳаромдир». (*Ebu Davud, Hadis №: 1187*).

Келишмовчиликлар қандай бартараф этилади?

Жуфтлар орасида турли сабаблар туфайли келишмовчиликлар чиқиши мумкин. Бунинг чорасини топиш учун катта ғайрат кўрсатиш керак. Аввал эр-хотиннинг ўзлари бу келишмовчиликни бартараф этмоқлари керак. Башарти бунга эришолмасалар, икки тарафдан ҳакамларга мурожаат қилиш лозим. «Агар эр-хотиннинг оралари бузилиб кетишидан қўрқсангизлар, эр томондан бир ҳакам, хотин томондан бир ҳакам чақирингиз. Агар улар ислоҳ қилишни истасалар, Аллоҳ эр-хотин орасига иттифоқликни солур» (*Нисо, 35*). Оят мазмунидан кўринадики, оиланинг иттифоқ бўлиши ёки бузилиб кетиши ҳакамларнинг истакларига, демак, кўнгилларига, ниятларига, саъй-ҳаракат ва ғайратларига кўп жиҳатдан боғлиқ экан. Бундан ташқари, ҳакамларнинг ўзларидан танланиши оила сирини сақлашнинг гўзал тадбири ҳамдир.

Ажралишнинг ҳукми

Барча йўллар синаб кўрилгач, ажрашиш ҳақида Қуръонда шундай марҳамат қилинади: «Бордию эр-хотин ажралиб кетгудай бўлсалар, Аллоҳ иккаласини ҳам Ўзининг кенг карами билан беҳожат қилиб қўйгай» (*Нисо, 130*).

Ҳукм жиҳатидин талоқнинг турлари

1. Мубоҳ. Барча ҳаракатларга қарамай, жуфтлар бир-биридан нафратланадиган даражага

бориб етишса, ажрашиш мувоҳидир.

2. Мустаҳаб. Ифбатсиз ва динсиз жуфтдан ажраш мустаҳабдир. Намозини, рўзасини ва бошқа фарз ибодатларини тарк этган хотинни талоқ қўйиш мустаҳабдир (*"Umdetul Kari": 3/528*).

3. Вожиб. Жуфтларнинг жинсий аъзолари қовушишга ярамаса, эр-хотинлик қилишолмаса, фаҳшга алоқадор ҳатти-ҳаракати ва юқумли касаллиги бўлса, ажрашиш вожибдир.

4. Макруҳ. Заруратсиз ва қусури бўлмаган жуфтдан ажрашиш, усулга мувофиқ бўлса ҳам, тахриман макруҳдир. Яъни, ҳаромга яқиндир.

5. Ҳаром. Суннатга мувофиқ бўлмаган ажрашиш осийлиқдир. Зеро, ажрашгач, болалар қаровсиз, дин ва дунё ишлари чала бўлиб қолади. Фақат зарурий эҳтиёж билан ва бирга яшашнинг имкони қолмаганидагина ажрашиш машруъ ва мувоҳидир. Ҳалоллар ичида энг нохуши талоқ эканини Расулуллоҳ (с.а.в.) таъкидлаган эдилар (*«Umdetul Kah»: 9/528*).

Талоқ ҳуқуқи

Исломда талоқ ҳуқуқи эркакка оиддир. Маълум сўзларни айтиш билан талоқ содир бўлади. Эркак хотинига «сени қўйдим», «сендан ажрашдим», «бошинг бўш» каби сўзлар айтса, талоқ бўлади.

Ажраш ҳуқуқи хотинга ҳам бериладими?

Исломда ажраш эрнинг ҳаққидир. Эр истаса, бу ҳуқуқни хотинига бериши мумкин. Масалан, хотинига: «Ўн йилгача ажраш ҳуқуқини сенга бердим, ўн йилгача шу ҳаққа эгасан», деб бу ваколатни хотинига берса ва хотини истаса, шу муддат ичида талоқ ҳаққига эга бўлади. Истамаса, ажрашмайди (*Ibn-i Abidin: 2/481*). Бунга «тафвизут-талоқ» дейилади.

Никоҳ асносида ажрашиш ҳуқуқи қўлида бўлган эркак хотинига ўзи истаган вақтда ажраш ҳуқуқини беради. Ажраш шакли ва талоқ сонини белгилайди. Хотин фақат шу шартлар ичида ажраш ҳаққини қўллайди. Лекин эр хотинига берган бу ажраш ваколатини қайтиб олмайди. Бундай ваколат берилмаган бўлса, хотиннинг ўзида эридан ажраш ҳуқуқи йўқ (*«Fethul-Kadir»: 3/99; «el-Hidaye»: 1/224*).

Талоқни қўллаш шартлари

Киши талоқ ҳуқуқини қўллай олиши учун баъзи шартларга эга бўлиши керак:

1. Ажрашаётган эр ёки унинг вакили бўлиши керак. Турмуш қураётганида бўлгани каби, ажрашаётганида ҳам ваколат жоиздир.

2. Ақлли бўлиши лозим. Руҳий касал, ақли заиф (кексалик ё бошқа сабаб билан) ҳамда уйқудаги одамнинг ажрашиши ҳақиқий эмас.

3. Балоғатга етган бўлиши керак. Боланинг талоғи мўъта-бар эмас.

4. Ажраш нияти бўлмасдан хотинга ҳазил-мазах билан ажрашни ифодаловчи сўз ишлатса, талоқ берган бўлади. Бунда ният шарт эмас. Зеро, Расулуллоҳ (с.а.и.) бир ҳадисларида талоқнинг жиддийи ҳам, ҳазили ҳам жиддий эканини хабар берганлар (*Ebu Davud: «Talak»: 9*).

Талоқ неча хил бўлади?

1. Суннатга мувофиқ талоқ

Қуръони каримга ва суннатга мувофиқ ажрашга «сунний талоқ» дейилади. Барча мужтаҳидларнинг фикрича, эркак ва хотин ўрталарида аввал жинсий муносабат бўлган бўлса, ҳайздан сўнгра бир талоқ бериши, жинсий муносабат бўлмасдан эса, бир марта талоқ бериши суннатга мувофиқдир. Бу талоқ ражъий талоқдир. Бунга кўра, сунний талоқнинг уч шарти бор:

- ҳайз ичида бўлмаслиги керак;
- ҳайздан поклангач, жинсий муносабат қилмаган бўлиши керак;
- фақат бир талоқ қўйиши керак.

Суннатга мувофиқ ажрашнинг бир қанча ҳикматлари бор. Аввало, бунда инсон ўйлаш имконига, фурсатига эга бўлди. Хотинини қўймоқчи бўлган одам бир поклик ҳолида бир талоқ беради, иккинчи талоқни бергунча кутади, бу муддат ичида айрилиққа сабр этолмаслигини билиб, пушаймон бўлса, яна хотинига қайта олади. Хотин ҳам турмушни сақлашга ҳаракат қилади. Жуфтлар ортиқча ташвишдан қутулади.

2. Бидъат талоқ

Суннатга зид, яъни, хотинга ҳайз ҳолида ёки покланиши билан жинсий муносабатда бўлиб ёки бир поклик муддати ичида биттадан зиёд берилган талоқлар «бидъий талоқ» дейилади. Бундай талоқ қилиш айни вақтда гуноҳдир («*el-Hidaye*»: 1/226).

Қайтиб ўйланиш жиҳатидан талоқ турлари

1. Ражъий талоқ.

Бу талоқда қайтадан никоҳ қилиш ва маҳр тайинлаш эҳтиёжи йўқ, талоқ қилган хотини билан қайтадан яшашни давом эттириши мумкин.

Бир эркак хотинига «сени қўйдим» ёки «бошинг бўш» деса, бир ражъий талоқ тушган бўлади. Ражъий талоқда эр идда ичида хотинига қайтиш ҳуқуқига эга. Қайта никоҳсиз ҳам турмуш давом этаверади, маҳр ва никоҳни янгилашга ҳожат йўқ («*el-Hidaye*»: 1/228; «*Umdetu'l-Kari*»: 9/ 528). Гувоҳсиз хотинига қайтиш ражъий талоқда саҳиҳ бўлсада, гувоҳ билан қайтиш мандубдир. Ражъий талоқда эр хотинига қайтмасидан идца вақти тўлса, талоғи боинга айланади («*Umdetu'l Kari*»: 9/529; «*Fethul-Kadir*: 3/99).

2. Боин талоқ

Қатъий ажраш шаклидир. Бунда оила бузилади. Қуйидагиларда боин талоқ тушади:

1. Киноя билан ёки муболаға ва қаттиқ сўзлар билан ажрашиш.
2. Хотиннинг истагига кўра бирор бадал эвазига келишиб ажрашиш.
3. Учинчи талоқ ҳаққини қўллаган бўлиш. Боин талоқ икки хил бўлади:

а) байнунати суғро — кичик ажрашиш. Бир ёки икки боин талоқ (ажраш) бўлса, кичик ажрашиш ҳисобланади. Бунда аёл розилиги ва икки гувоҳ билан никоҳ янгиланиши мумкин. Ражъий талоққа бўлгани каби, фақат эрнинг розилиги, пушаймонлиги ва қайтиши етарли эмас;

б) байнунати кубро — катта ажрашиш. Талоқ учта ёки учинчиси бўлса, бундай айрилиш катта ажрашдир. Бу боин талоқнинг ҳукми: аёл эркакка ҳаром бўлади. Биргаликдаги турмушлари поёнига етади («*Umdetu'l Kari*»: 9/528; «*Fethul-Kadir*»: 3/99).

Талоқ қандай сўзлар билан айтилади?

1. Очик, аниқ ифода билан: «Сени қўйдим»; «Бошинг бўш»; «Талоқ қилдим» каби сўзлар. Бу сўзлар айтилиши билан талоқ воқеъ бўлади. Маъносини, ҳукмини хоҳ тушуниб айтсин, хоҳ тушунмасдан ё билмасдан айтсин — фарқи йўқ («*el-Hidaye*», 230; «*Fethul-Kadir*»: 3/99).

2. Киноя (очиқ бўлмаган сўз) билан. Ҳам ажраш, ҳам бошқа маъно эҳтимоли бўлган сўзлар: «тур», «чиқ», «бор», «кет», «бошингни бекит», «юзингни ёп», «ҳаромсан», «мен сенинг эрингмасман», «ўзингга эр топ», «изла», «сендан айрилдим», «идда кут» каби сўзлар.

Эркак бу сўзларни ажраш ниятида ёки ажрашишни музокара этиб ёхуд аччиқ устида, қаҳр-ғазаб ҳолатида айтса, бу сўзлар ажрашга оид экани англашилган ва талоқ пайдо бўлган бўлади («*el-Hidaye*»: 1/240; «*Fethul-Kadir*»: 3/100).

Уч талоқ масаласи

Бир дафъада эр хотинига "Уч талоқ билан сени қўйдим" деса, бир талоқ эмас, уч талоқ тушади.

Саҳобаларга, тобеъинларга ва тўрт мазҳабга кўра, бир сўз билан аёл уч талоқ қўйилса, уч

талоқ ҳаққи бирдан қўлланган бўлади. Хотинга: «Сени уч талоқ билан қўйдим»; «Сенга учдан тўққизга қадар талоқ бердим»; «Минг талоқ бердим» дейишга ўхшаш.

Ажрашишга алоқадор баъзи муҳим масалалар

1. Қўрқитиб ёки ҳазил-мазах билан ажрашиш

Эр қўрқитиб ёки ҳазиллашиб хотинига: «Сени қўйдим, ажрашдик» ёки «Сенинг бошинг бўш», деса, хотини аж-раган бўлади. («*el-Fikh ale'l-mezahibi'l Erbaa: 5,4/280; «Fethul-Kadir»: 3/38*») Зеро, ажрашнинг ҳазили йўқ. Расулulloҳ (с.а.в.): «Уч нарсанинг жиддийи ҳам, ҳазили ҳам жиддийдир: талоқ, никоҳ ва ражъат (ажрашган хотинига қайт-моқ)дир», деганлар (*Ebu Davud. «Talak»: 9*).

2. Мастнинг талоғи

Маст қилувчи ичимликларни, яъни, Ислом таъқиқлаган ҳар қандай моддаларни ичиб, хотинига: «Сени қўйдим», деса, ҳанафий ва шофеъий мазҳабларига кўра, хо-тин ажраган бўлади («*Damat»: 1/585*).

3. Мактуб орқали талоқ

Эр ёнида бўлмаган хотинига мактуб битиб, имзо чекиб ё муҳрини қўйиб, ажрашганини ёзиб жўнатса, хотиннинг боши очиқ бўлади. Агар ўзи ёзолмасдан бировга ёздирса ва бу мактубнинг унга оидлиги қатъий билинса, хотиннинг боши очиқ бўлади («*Fetava-i Hindiyye»: 1/379*).

4. Телба ва руҳий хастанинг ажраши

Пайғамбаримиз (с.а.в.) марҳамат қиладилар: "Акли бузук ва ақли заифдан ташқари ҳар кимнинг талоғи ўтади" (*Ibn-i Mace. "Talak": 15, Tirmizi. "Talak": 15*).

"Уч кишидан талоқ кўтарилган: ухлаган одамдан, уйғонгунигача; боладан то у балоғатга етгунига қадар; жиннидан то у ўзига келгунига қадар" (*Ibn-i Mace. "Talak": 15; Ebu Davud. "Talak": 17*).

Бир одам ҳушдан кетиш, тутқаноқ каби хасталиклар пайтида талоқ айтса, талоқ тушмайди. Бундай хасталар ақл-ҳушлари ўзларида бўлган пайти талоқ қуйсалар, ҳақиқий бўлади (*Ibn-i Abidin: 2/426*).

5. Қалбдан ажраш

Тилда айтмасдан, фақат дил билан ният қилиб ажраб бўлмайди. Талоқ рукни бўлган хоҳиш баёни очиқ ёки унча очиқ бўлмаган сўзлар (киноя) билан айтилмагунича ёки ёзилмагунича ажраш (талоқ) ҳақиқий бўлмайди («*Istilahati Fikhiye kamusu»: 2/184*»). Пайғамбаримиз (с.а.в.) марҳамат қиладилар: «Аллоҳ умматимнинг қалбидан кечирган нарсалари амалга ошмагунча ёки сўзламагунча масъул тутмас (жавобгар қилмас)» (*Ibn-i Mace: 1/658*).

6. Шартли ажраш

Бир киши хотинидан ажрашни бир нарсага боғласа, масалан, «Кўчага чиқсанг, талоқсан (қўйдим)», деса, ажраш кўчага чиқишига боғланмоқда. Хотин кўчага чиқса, бир талоқ бўлади.

Талоқдан эрнинг нияти хоҳ қўрқитиш бўлсин, хоҳ ҳазил бўлсин, бир талоқ тушади («*Damat»: 1/418*).

Жинсий аъзога қарашнинг ўлчови

Жинсий аъзо очиқча кўринганидагина унга қаралди деб ҳукм қилинади. Фақат тукли жойинигина кўриш кўрди дейишга етарли эмас. Аёл оёқда турган ҳолатдагина эмас, ҳатто тиззаларини букиб ўтирган аёлнинг ҳам жинсий аъзосига шаҳват билан қаралса, «ҳурмати мусаххара» ҳақиқийлашади («*Fetava-i Kadihan": 1/360*»). Яна, ўтирган аёлнинг жинсий аъзосига ойна-шиша ёки жуда юпқа парда ортидан қараш ёхуд сув ичида қараш билан ҳам ҳаромлилик ҳақиқийлашади. Сувда ёки ойнада акс этган жинсий аъзога боқилса эса, «ҳурмати мусаххара»ни ҳосил қилмайди, ҳақиқийлаштирамайди («*Dureru'l-Hukkam": 1/330, "Damat": 1/212; "Fetava-i Kadihan": 1.360*»). Оёқда турган эракнинг жинсий аъзосига боқшп ҳаромлиликни ҳақиқийлаштиради.

Ўғлининг ёки қизининг жинсий аъзосига қараш

Аёл тўққиз ёшдан ўтган ўғлининг жинсий аъзосига шаҳват билан боқса, эри ўзига ҳаром бўлади. Эркак қизининг жинсий аъзосига боқиб шаҳват сезса ёки шаҳват билан боқса, хотини ўзига ҳаром бўлади («*Cevhere*": 2/5; "*el-Lubab*": 2/5; "*Fetava-i Kadihan* ": 1/360).

Ўғлига ёки қизига шаҳват билан тегиниш

Аёл маълум шартларга эга бўлган ўғлининг вужудига яланғоч ҳолда шаҳват билан тегинса ёки кечаси билмасдан эрим деб ўйлаб ёпишса ва ўпса ёки чимчиласа, эри ўзига ҳаром бўлади. Эркак билмасдан хотиним деб ўйлаб ёки билиб шаҳват билан қизига тегинса, ўпса, чимчиласа, хотини ўзига ҳаром бўлади ("*Dureru'l-Hukkam*": 1/330; "*Damat*": 1/2128; "*Fetava-i Hindiyye*": 1/275).

Қайнота шаҳват билан келинини ўпса, никоҳ кетадими?

Агар бир эркак ўғлининг хотинини шаҳват билан ўпса, шу аёл, яъни, келин эрига ҳаром бўлади («*Fetava-i Abdur-rahim*»: 141. «*Fetava-i Hindiyye*»: 1/275). Ҳурмати мусаххара ҳақиқийлашади.

Ёноқдан ёки лабдан ўпиш: Эркак қайнонасининг ёноғидан, лабидан шаҳватсиз ўпса қам, ҳурмати мусаххара ҳақиқийлашади, хотини ўзига ҳаром бўлади. Чунки бундай ўпиш асосан шаҳватдан бўлади ("*Dureru'l-Hukkam*": 1/330; "*Damat*": 1/212; "*Fetava-i Hindiyye*": 1/275). Бўйнидан қучоқлаш ҳам ўпишга ўхшаш ("*Dureru'l-Hukkam*": 1/330; "*Damat*": 1/212; "*Fetava-i Hindiyye*": 1/275). Ёноғи, лаби, боши, ияк-жағидан ўпиш ҳам шундай ("*Dureru'l-Hukkam*": 1/330; "*Damat*": 1/212; "*Fetava-i Hindiyye*": 1/275). Ҳурмати мусаххаранинг ҳақиқийлашиши учун шаҳват шартдир.

Буюк ҳадис олими, фақиҳ Бадриддин Айний «Ҳидоя»га ёзган шарҳида ҳурмати мусаххарага алоқадор белгиларни келтиргач, мавзуга алоқадор икки ҳадис қайд қилади:

Умму Ҳоний ривоят қилган ҳадиси шарифда Пайғамбаримиз шундай марҳамат қиладилар: «Бир эркак бир аёлнинг аврат жойига боқса, шу аёлнинг онаси ва қизи кўрган эркакка ҳаром бўлади» (*Ayni*. "*Binaye alal-Hidaye*": 2/14). Яна Ибн Абу Шайба ва ибн Умар ривоят қилган бир ҳадиси шарифда Расулulloҳ марҳамат қиладилар: «Бир эркак бир аёл билан алоқа қилишса ёки шаҳват билан ўпса ёхуд шаҳват билан тегинса ёки шаҳват билан аврат жойига қараса, аёл ўша эркакнинг отасига ва ўғлига ҳаром бўлади (*Ayni*. "*Binaye alal-Hidaye*": 2/41).

Бугун кўп фикҳ масалалари унутилгани учун баъ-зи мусулмонларга оғир туюлади. Бу ҳол исломий ҳукмларга бепарволик бўлаётгани учундирки, бугун яқинлар тарафидан жинсий бездириш ва тажовузга дучор инсонлар учраб туради. Мавзунини кенгроқ ва чуқурроқ ҳис этиш учун «Ҳурмати мусаххара» бўлимини қайта-қайта ўқишга тўғри келади.

Кўкрак ва жинсий аъзони ушлаш: Агар эркак бир аёлнинг кўкраги ва жинсий аъзосини ушлаб, шаҳват билан ушламаганини иддао этса ҳам, ҳаромлик собит бўлади. Бир аёл эркакнинг жинсий аъзосини ушлаб, шаҳватсиз бўлганини иддао этса ҳам, «ҳурмати мусаххара» ҳақиқийлашади. Фақат яланғоч ҳолда ёки иссиқликни ўтказадиган юпқа мато устидан ушлаганидагина шундай ("*Fetava-i-Hindiyye*: 1/276).

Зино қилган кишининг фарзандига турмушга чиқса бўладими?

Бир эркак билан зино қилган аёлга у эркакнинг отаси, бобоси ва ўғиллари ҳаромдир, турмуш қуролмайди. Эркакка ҳам у аёлнинг онаси, бувиси, қизлари ва набиралари ҳаромдир, буларга асло ўйланомайди ("*Fetava-i Kadihan* ": 1/360; "*Cevhere*": 2/5; "*el-Lubab*": 2/5) Зино қилган эркак ва аёл бир-бири билан турмуш қура олади. Аввал қилган зиноларининг гуноҳи бошқа мавзу.

ИДДА

Идда «санаш» деганидир. Фикҳда аёлнинг эрдан ажраб, бошқасига теккунича орада кутиши керак бўлган вақтга айтилади. Идда хотиннинг ҳомилали бўлган ё бўлмаганининг билиниши, ражъий талоқда эр-хотинлик ҳаётига такрор қайтиш имконининг берилиши ва талоқни суистеъмол қилинмаслиги, ёмон ниятда қўлланмаслиги учундир.

Талоқ чоғида ҳайз кўрган аёл уч ҳайз муддат кутади. Қуръонда: **«Талоқ қилинган аёллар ўзларини уч ҳайз муддатида кузатадилар»** (*Бақара, 228*), дейилган.

Кексалиги ёки ёши кичиклиги туфайли ҳайз кўрмайдиган аёлнинг иддаси уч ойдир. Ҳомиладор аёлнинг иддаси бола туғилиши билан тугайди. Қуръонда: **«Аёлларингиз орасидаги ҳайз кўришдан умид узганлари, агар шубҳалансангизлар, бас, уларнинг иддалари уч ойдир, яна (ҳануз) ҳайз кўрмаган (аёл)ларнинг (иддалари ҳам уч ойдир)»** (*Талоқ, 4*), деб марҳамат қилинади. Шу оят давомида: **«Ҳомиладор (аёл)ларнинг (идда) муддатлари ҳомилаларини қўйишлари (кўз ёришлари)дир»**, дейилади.

Эри ўлиб, ҳомиласи бўлмаган аёлнинг иддаси тўрт ойу ўн кундир. Қуръони каримда марҳамат қилинади: **«Сизлардан вафот қилган кишилар хотинларини қолдирган бўлсалар, улар тўрт ой ўн кун ўзларига қараб (идда сақлаб) турадилар»** (*Бақара, 234*).

Боин талоқ билан ажрашган хотин идда муддатида эридан алоҳида туради. Учинчи киши бўлмаган жойда иккиси бирга қололмайди. Чунки ўрталарида эр-хотинлик тугаган. Иддаси битгунча нафақасини бериб, алоҳида яшайди. Ражъий талоқда булар шарт эмас, хотинига қайтаётганида гувоҳ тутиши мандубдир (*«Istilahat-i Fikhiyye Kamusu»: 2/210*).

ИСЛОМДА ҲАРОМ БЎЛГАН ТУРМУШ ТУРЛАРИ

Қуйида саналадиган никоҳ турлари Исломдан аввалги — жоҳилият давридаги никоҳ турлари бўлиб, бутунлай ботилдир.

1. Мутъа никоҳи.
2. Мақд никоҳи.
3. Сиғар никоҳи.
4. Истибдо никоҳи.
5. Гуруҳ бўлиб қўшилиш.
6. Эркин қовушиш.
7. Бадал никоҳи.
8. Ҳидн никоҳи.
9. Тажриба учун уйланиш.

Булардан мутъа никоҳи баъзи жойларда ҳамон ёйилгани учун сўз юритиш эҳтиёжини сездик. Зеро, давримизда мутъа никоҳи жоиз дея ёшларимиз гуноҳга ботишмоқда.

Мутъа никоҳи Исломда борми?

Мутъа никоҳи жоҳилият давридан қолган никоҳ шакли бўлиб, Исломнинг илк йилларида, хоссатан, уруш йиллари, аёлларидан узоқ қолган аскарлар учун мутъа никоҳига изн берилган эди. Ҳайбар урушига қадар мубоҳ ҳисобланган бу никоҳ кейин Пайғамбаримизнинг суннатлари билан таъқиқланиб, ҳаром қилинган. Мутъа никоҳи бирон ҳақ эвазига маълум муддатга турмуш қуришдир. Муддатнинг кўпи тўқсон тўққиз йил, ози бир марта қовушиш бўлган (*Islam ve Osmanlı Hukukunda Evlenme*: 36).

Эркак аёлга мурожаат қилиб, «Мени беш ойга мутъалантир»; ёки «Беш ойлик ҳақ эвазига сен билан мутъаландим», деса, аёл ҳам қабул қилса, мутъа бўлади. Халқ тилида «ажам никоҳи» номи билан машхур. Бу иш фаҳшдан бошқа нарса эмас. Буни Расулulloҳ (с.а.в.) кескин таъқиқлаганлар. Асҳобдан, тобеъинлардан, мужтаҳидлардан бу хил никоҳни мақбул деган киши йўқ (*Fathul-Kadir*: 2/384). Бундай келишув на хотинни ҳалол қилади, на ажраш ҳукмига эшик очади, на зиҳор ва на мерос ҳаққи беради. Аёл эркакка, эркак аёлга ворис бўлолмайди (*Fetava-i Kadihan*: 1/330). Мутъа никоҳининг муддати оз-кўплигида ҳеч бир фарқ йўқ. Лекин «Қиёмат келгунича, Дажжол чиққунича сени никоҳладим», шаклидаги ифода қўлланилса, вақтинчалик шарти ҳам ҳукмсиз қолади ва улар никоҳнинг бошқа шартларини ҳам ўрнига қўя олса, никоҳ саҳиҳ бўлади (*Fetava-i Kadihan*: 1/330) Чунки у вақтгача яшашлари номаълум. Ҳазрати Алидан (р.а.) ривоят этилган ҳадиси шарифда Пайғамбаримиз (с.а.в.) шундай марҳамат қилганлар:

Ҳазрати Али (р.а.) Ибн Аббосга (р.а.) шундай дейдилар: «Расулulloҳ (с.а.в.) мутъа никоҳини ва эшак гўштнини ейишни Ҳайбар фатҳи қуни ман этдилар» (*Buhari*: 6/ 129; *Nesai*: 2/90; *Muslim*: 4/134). Расулulloҳ Автос (Макка фатҳи йили)да мутъа никоҳига уч марта рухсат берганлар, кейин таъқиқлаганлар (*Muslim*: 4/131).

Пайғамбаримиз (с.а.в.) буюрдилар: «Эй инсонлар, мен мутъа никоҳи билан аёллардан фойдаланишингиз учун рухсат берган эдим. Шубҳа йўқки, Аллоҳ қиёматга қадар буни муҳаққақ ҳаром қилди. Кимнинг ёнида бундай аёллардан бўлса, дарҳол озод қилсин ва берган нарсаларини улардан қайтариб олмасин» (*el-Hidaye*: 1/1950).

Тўртала мазҳабга кўра ҳам бундай ақд қилиш ботилдир. Шиа ва рофизийлардан ташқари барча Ислом олимлари бу никоҳнинг ҳаромлигида бир фикрдалар (*el-Mebhut*: 5/ 152; «*Fethu'l Kadir*»: 2/384; «*Bidayetul-Muctehit*»: 2/43) Ҳат-то шианинг машхур мазҳабларидан зайдийа ҳам мутъа никоҳининг ботиллигига инонади ва бу борада ҳанафий олимлари билан бир фикрдадир. Аҳли суннат мазҳабларининг далиллари Қуръон ва суннатдир.

1. Қуръони каримда:

Идда ва мерос ҳақидаги ҳукмларнинг бу хил уйланишга алоқаси йўқ. Шу боис ҳам бундай никоҳ шакли, бошқа саналган никоҳ шакллари каби, ботилдир. Шиалар мутъа никоҳига Нисо сурасининг 24-оятини далил қилиб келтиради. Оят бундай: **«Улардан никоҳ орқали фойдаланишларингиз билан уларга белгиланган маҳрларини берингиз!»** Буюк муфассир ибн Жарир Табарий бу оят тафсирида бундай дейдилар: оятнинг маъноси: «Уйлансангиз маҳрини берингиз», деганидир. Чунки мутъа Пайғамбаримизнинг суннатлари билан абадийан таъқиқлангандир. Ибн Вакий отасидан, у бобоси Сабрадан ривоят қилади: «Расулulloҳ «Бу аёллардан фойдаланингиз», деб буюрдилар. «Фойдаланингиз» ифодаси Расулulloҳ замонларида «уйланингиз» маъносида эди" (*"Tefsir-i Taberi": 5/30*).

Ояти жалиладаги «истамтаътум», яъни, "фойдаланиш", уйланиш маъносида, "ҳақ" калимаси эса маҳр маъносидадир (*"Tefsir-i Taberi": 5/30*).

2. Ҳадиси шарифларда:

Ҳадиси шарифлар ҳам бу хил никоҳнинг ҳаром эканини очиқ кўрсатиб турибди (*Buhari: 6/129; Mislim: 4/132*) Муҳаммад ибн Ҳанафийа Ҳазрати Алидан (р.а.) ривоят қилади: "Ҳайбар уни Расулulloҳнинг жарчиси: «Диққат қилинглари, Аллоҳ ва Расули сизларни вақтинчалик никоҳдан ман этадилар», деб бақирди (*"el-Mebsut": 5/153*). Бу ҳақдаги ҳадисларнинг кўпи Ҳазрати Алидан ривоят қилингани ҳолда, Ҳазрати Алига муҳаббат иддаосида бўлган шиа ва рофизийларнинг бундай никоҳни маъқул кўриши илм ва ақлга тўғри келадиган иш эмас.

Бир-бирдан қиз олиш сиғар никоҳга кирадими?

Сиғар никоҳ. Ҳозирда гоҳо қизлари ёки сингиллари бор икки эркак маҳр бермасдан бири иккинчисининг, иккинчиси биринчисининг қизини (сингисини) олиб уйланыпти. Бундай никоҳ вожиб бўлган маҳр тарк этилиши ва аёл ҳаққи йўқолишига сабаб бўлгани учун Расулulloҳ (с.а.в.) таъқиқлаганлар: «Исломда сиғар никоҳи йўқ», деганлар (*Muslim: 4/139*). Асҳоб ҳам шундан хабар беради: «Расулulloҳ бизларга сиғар никоҳини ман этдилар» (*Buhari: 6/128*). Никоҳ қийилаётганида, ҳар икки тарафнинг маҳри тайин этилса, бу никоҳ сиғар никоҳи бўлмайди. Сиғар никоҳида қизлар бир-бирларининг маҳри бўлиб қабул қилинадилар.

Фарзанд асрашнинг исломий ҳукми

Ислом қаровсиз, ёрдамга муҳтож болаларга эгалик қилиб, уларга ҳартомонлама кўмак беришни ташвиқ этади. Аммо асранди болани худди ўзининг ота-онасидай бўлиб ўстириш ва ўзларини "ота", "она" дегиздириш, оила аъзолари қаторига қўшиб ворис (меросхўр) қилиш Исломда йўқ. Бу иш жоҳилият одатидир. Бундай шаклда фарзанд асраш Аллоҳга қарши чиқмоқдир. **«Муҳаммад сизлардан бирон кишининг отаси эмасдир, балки у Аллоҳнинг элчиси ва пайғамбарларнинг сўнггисидир?»** (*Аҳзоб, 40*) ояти билан асрандилик таъқиқланди. Расулulloҳ (с.а.в.): «Билиб ўзини отасидан бошқага нисбат берганга жаннат ҳаромдир», деб марҳамат қилдилар (*"Camiu's Sagir": № 8370*).

Пайғамбаримиз ўзлари ҳам биринчи хотинлари Ҳазрати Ҳадича (р.а.) ҳадя қилган Зайдни асранди фарзанд қилиб олган эдилар. Шу сабабли уни «Муҳаммаднинг ўғли Зайд» ("Зайд ибн Муҳаммад") дейишарди. Сўнгра Жаноби Ҳақ ҳам ушбу билан бунақа ота-болаликни таъқиқлади. **«Аллоҳ бирон кишининг ичида икки юрак қилган эмасдир, (шунингдек,) сизлар зиҳор қиладиган хотинларингизни ҳам сизларга она қилган эмас ва асранди болаларингизни ўз болаларингиз қилган эмасдир. Бу** (яъни, хотинларингизни «она» дейишларингиз, асрандиларингизни «бола» дейишларингиз) **сизларнинг оғизларингиздаги сўзингиздир. Ёлғиз Аллоҳ ҳақиқатни айтур ва Унинг Ўзи (Ҳақ) йўлга ҳидоят қилур. Уларни ўз оталари (исми) билан чақиринглари (атанглари). Шу Аллоҳ наздида тўғридир. Энди агар уларнинг оталарини билмасангизлар, у ҳолда (улар) сизларнинг диний**

биродарларингиз ва дўстларингиздир» (Аҳзоб, 4-5).

Бу оят ингач, Зайдни "ибн Ҳориса" - "Ҳорисанинг ўғли" дейдиган бўлишди.

Асранди ўғилга қиз бериш, қиз бўлса, унга уйланиш мумкин.

Аллоҳ таоло марҳамат қилади: «(Эй Мухаммад,) **Эсланг, Сиз Аллоҳ** (Исломга ҳидоят қилиш билан) **инъом-марҳамат қилган ва Сиз ҳам** (қулликдан озод қилиб, ўзингизга ўғил қилиб олиш билан) **инъом қилган кишига** (яъни, Зайд ибн Ҳорисага): **«Жуфтингни ўз ҳузурингда ушлагин** (яъни, талоқ қилишга шошмагин), **Аллоҳдан қўрққин", деб Аллоҳ ошкор қилгувчи нарсани ичингизга яширган эдингиз ва Аллоҳдан қўрқингиз муҳаққак бўлгани ҳолда, Сиз одамлардан** (яъни, уларнинг таъна қилишларидан) **қўрққан эдингиз. Бас, қачонки Зайд ундан** (яъни, Зайнабдан) **ҳожатини адо** (яъни, уни талоқ) **қилгач, Биз Сизни унга уйлантирдик. Токи мўминларга асранди болалари ўз хотинларидан ҳожатларини адо** (яъни, уларни талоқ) **қилишгач, уларнинг** (хотинларига уйланишларида) **танглик бўлмаслиги учун** (шундай қилдик)» (Аҳзоб, 37).

Асранди болалар насл-насаб жиҳатидан яқин бўлмасалар, бегоналар кабидир. Асранди ўғилга ўз қизини никоҳлаш мумкин. Агар асрандиси қиз бўлса, ўзи ҳам уйланиши мумкин ёки ўғлига ҳам олиб бериши мумкин. Асранди ўғилнинг қўйган (талоқ билан ажрашган) хотинига иддаси тугагач, асраб олган киши уйланиши мумкин (*"Isūlahat-i Fikhiye Kamusu": 2/431*).

Исталган қизни истамоқ жоизми?

Расулulloҳ марҳамат қиладилар: «Сиздан бировингиз дин қардошининг совчилари устига совчи қўямасин. Совчи юборган ундан аввал воз кечгунча ёки ўзига изн бергунга қадар» (*"Buluḡu'l Meram": 3/246*).

Ийло (хотинига яқинлашмасликка қасам ичиш)

"Ийло" қасам билан бир нарсадан кечиш, тарк этиш деганидир. Фикҳда эса, тўрт ой ёки янада кўпроқ хотинига яқинлашмасликка Аллоҳ номи билан қасамёд қилиш. Тўрт ойдан оз муддатга қасам ичиш ийло эмас. Ийлонинг сабаби эр-хотиннинг оила муросасизлиги. Эр ийлони тадбир сифатида қўллаши мумкин. Ийлонинг шарти эрнинг талоққа салоҳиятли бўлиши ва аёлнинг ҳам никоҳли бўлишидир. Боланинг ва телбанинг ийлоси ҳақиқий эмас.

Ийлонинг рукни хотини билан жинсий муносабатда бўлмасликка онт ичиш ёхуд жинсий муносабатда бўлишни оғир бир ибодатга боғлашдир. Қасамсиз, тўрт ойга етмаган ва жуда енгил бир ибодатга боғлаб қилинган ийло ҳақиқий эмас. Ийлонинг муддати, Қуръони каримнинг далолатига кўра, тўрт ойдир: "Хотинларидан қасам билан юз ўгирган кишилар учун тўрт ой кутиш муҳлати бор. Агар (шу муддат ичида хотинларига) қайтсалар (жоиздир). Зеро, Аллоҳ, шубҳасиз, Мағфиратли, Раҳмлидир. Ва агар талоқ қилишни қасд қилган бўлсалар, бас, албатта, Аллоҳ Эшит-гувчи, Билгувчидир" (*Бақара, 226—227*).

Ийло абадий ҳам бўлиши мумкин. Тўрт ой ичида хотини билан жинсий муносабатда бўлса, ийло бузилади. Бу ҳолда эр ё қасам каффороти беради, ёки ийло учун мақсад қилиб қўйган ибодатни жазо сифатида ўтайди. Сўнг хотинига қайтиб, турмушни давом эттиради. Агар тўрт ой тўлгунча хотинига қайтмаса, боин талоқ билан ажрашган бўлади. Ийлодан қайтиш фақат жинсий муносабат билан бўлади. "Мен ийлодан қайтдим", дейишнинг ўзи етарли эмас. Агар жинсий муносабат қилолмаслик даражасида хаста бўлса, шу сўзлар ҳам етарли бўла олади. Аммо тузалгач, қўшилиши шарт (*"Damat": 1/287; "Cevhere": 2/79; "Dureru'l-Hukkam": 1/395*).

Лиъон (эрнинг хотинини зинода айблаши)

Лиъон "лаънатлаш" деганидир. Фикҳда эса, эр хотинини ўзга билан зино қилишда айблашидан пайдо бўлган масала. Агар бу айблаш тўрт гувоҳ билан исбот этилмаса, эр билан хотин ҳакам ҳузурда қасам ичишади. Шунга "лиъон" дейилади ва у бир талоқ сабабидир.

Исломда зинонинг ўзи ҳам, зинода айблаб қилган тухмат ҳам ҳаром. Ислом динида ҳар

иккисига жазо бор. Ислом мамлакатада эр хотинига хоҳ очикча, хоҳ "бу бола мендан эмас" деб зино тухматида бўлса, хотин ҳакамга мурожаат қилиб, ҳақ-ҳуқуқини талаб қилади. Эр даъвосини тўрт гувоҳ билан исбот қилолмаса, лиъонга мурожаат қилинади ва ҳакам шунга қараб ажрим чиқаради. Қуръон бу мавзуда шундай марҳамат қдпади: "Ўзларидан бошқа гувоҳлари бўлмаган ҳолида ўз хотинларини (бузук деб) бадном қиладиган кимсалар — уларнинг ҳар бири ўзини шак-шубҳасиз ростгўйлардан деб Аллоҳ номига тўрт марта гувоҳлик бериши (вожибдир). (У эрнинг) бешинчи (гувоҳлиги эса) агар ёлғончилардан бўлса, устига Аллоҳнинг лаънати (тушишини сўрамоқдигидир). Ундан (яъни, аёлдан) азоб-жазони: "У (яъни, эри) шак-шубҳасиз ёлғончилардан", деб Аллоҳ номига тўрт марта гувоҳлик бериши даф қилур" (*Нур*, 6—8).

Аёл даъвосида туриб олса, эр ҳам тухмат қилганини эътироф этмаса, аёл ҳам иддиосини далиллаб олмаса, лиъон тушади. Эрнинг айблови ё ўзининг эътирофи ва ёки хотинининг далили билан тухмат бўлиб чиқса, яъни, тухматлиги исботланса, лиъон тадбирига мурожаат қилинади. Лиъонни аввал эр бошлайди. Қасам ичишни истамаса, ёлғон айтганини эътироф этади ёки қасам ичириш учун қамалади. Ё лиъон этиб қутулади, ёки қамоқ жазосига тортилиб, калтакланади. Эр лиъон этиб (қасам ичиб) ҳаддан (калтакдан) қутулса, энди хотин лиъон этишдан (қасам ичишдан) бош тортса, лиъон этгунча ёки эрини тасдиқ этгунча қамоқда сақланади. Хотин лиъон қилса, ҳакам уларни ажратади. Лиъон қилувчилар абадий қайта бирга бўлолмайди, никоҳланмайди.

"Зиҳор" сўзи сирт, орқа ёки сиртни ўхшатиш маъноларини билдиради. Фикҳда эса, балоғат ёшига кирган эркакнинг хотинини ёки хотинининг бошини, бўйнини, юзини, баданини ёки ярмини, учдан бирини онасининг, опасинглисининг, қайин онасининг, хуллас, маҳрамларидан бирининг қараш ҳаром бўлган бир аъзосига ўхшатишидир ("*Damat*": 1/283; "*Cevhere*": 2/81). Зиҳор Қуръон ва суннат билан собитдир. Қуръони каримда шундай марҳамат қилинади: **"Ораларингиздаги ўз хотинларини зиҳор қиладиган кимсаларнинг (зиҳор қилинган хотинлари) уларнинг оналари эмасдирлар. Фақат уларни туққан (аёл)ларгина уларнинг оналаридир. Шак-шубҳасиз, улар сўзнинг номақбул ва ёлғонини айтурлар. (Лекин) Аллоҳ, шубҳасиз, Афв этгувчи ва Мағфират қилгувчидир. Ўз хотинларини зиҳор қилиб, сўнгра айтган сўзларидан қайтадиган кимсалар (зиммасида эр-хотин) қўшилишларидан олдин бир қулни озод қилиш бордир. Бу сизларга мавъиза-ибрат бўлгай. Аллоҳ қилаётган амалларингиздан Хабардордир. Энди ким (озод қилиш учун қул) топа олмаса, (унинг зиммасида эр-хотин) қўшилишларидан илгари пайдар-пай икки ой рўза тутиш бордир. Энди ким (рўза тутишга) қодир бўлмаса, (унинг зиммасида) олтмишта бечора-мискинга таом бериши бордир. Бу (ҳукмлар) сизлар Аллоҳ ва унинг пайғамбарига иймон келтиришларингиз учун (нозил қилинди)"** (*Мужодала*, 2—4).

Салама ибн Сахрдан ривоят этилган ҳадиси шарифда ҳам зиҳор ва зиҳор каффорати англатилган ("*et-Tac*": 2/353).

Зиҳор жоҳилият давридаги талоқ шаклларидадир. Ислом ийлони олди, лекин зиҳорни инкор этди. Фақат, зиҳор қилган кимсага каффорат беришни буюрди (*Мужодала*, 34).

Насаб, эмикдошлик ёки уйланиш йўли билан маҳрам бўлган аёлнинг қаралиши ҳаром бўлган қисмлари унинг сирти, қорни, сонлари ва жинсий аъзоларидир. Хотинининг аъзоларини бу аъзоларга ўхшатиш зиҳор бўлади. Ёки маҳрамнинг ярми, учдан бири каби ёйғин бўлган қисмига ўхшатиш ҳам зиҳор бўлади ("*Cevhere*": 2/83; "*Damat*": 1/283).

Бир эркак хотинини ўз онасига, эмган онасига ёки қайнонасига, ўғлининг хотинига, опасинглисига, қиз қариндошига, холасига ё аммасига ўхшатса, зиҳор бўлади. Лекин қайинсинглисига ўхшатса, зиҳор бўлмайди. Чунки уларнинг маҳрамлиги доимий эмас ("*Hukuku Islamiyye*": 2/312). Зиҳор ҳалолни ҳаромга ўхшатишдир. Шу ўхшатиш зиҳорнинг шартидир. Масалан, бир эркак хотинига "Сенинг орқанг онамнинг орқасидай ёки сенинг сонларинг

онамнинг ёки онангнинг сонларидай, сенинг жинсий аъзоинг онамнинг жинсий аъзосидай", деса, зиҳор қилган бўлади. Каффорат бермагунича хотинига яқинлашмайди. Яқинлашиш ҳаром. Яъни, яқинлашса, ҳаром иш қилган бўлади ("*Cevhere*": 2/84; "*Damat*": 1/283).

Зиҳорнинг ҳукми

Юқорида зикр этилган сўзлар билан хотинини зиҳор қилган кимсага хотини билан қўшилиш ҳаром бўлади. Зиҳор каффоратини ўтамасидан (тўламасидан) туриб хотинига яқинлашмайди, ўпмайди (шаҳват билан). Каффоратни ўтагачгина, бу ишлар ҳалол бўлади. Каффорат бермасидан бундан ишларни қилса, гуноҳкор бўлади ("*Dureru'l-Hukkam*": 1/393; "*el-Hidaye*": 2/21).

Баъзи сўзлар бор, айтилиш ниятига қараб маъно қозонади. Киши хотинига: "Сен ғирт онамга ўхшайсан" ёки "онанг кабисан", деса, ундан нимани қасд қилганини сўралади. "Мен бу сўзлар билан онамдан кўрганим гўзал ёки онасидан кўрганим ёмон феълларни назарда тутдим деса, зиҳор бўлмайди. Бундай деган одамдан зиҳорними, талоқ-ними ё ахлоқий ўхшатишними — нимани қасд этгани сўралади ("*el-Hidaye*": 2/21; "*Cevhere*": 2/83).

Зиҳор ахлоқ, феъл ўхшатиши эмас, аъзоларни ўхшатишдир. Агар эркак хотинининг бир аъзосини онаси, опа-синглиси, қайнонасининг қараш жоиз бўлган аъзосига, масалан, юзига, қўлига ўхшатса, зиҳор бўлмайди (*Bilmen*. "*islam ilmihali*": 2/33).

Заифлик (ориқлик) ёки семизликни ўхшатиш

Бир эркак ориқликни ёки семизликни қасд этароқ: "Сенинг сиртинг (ёки оёқ-бутинг) онамнинг (ёки онангнинг) сиртига (ёки оёқ-бутига) ўхшайди", деса, зиҳор каффорати лозим бўлади (*Bilmen*, "*islam ilmihali*": 2/328).

Эркак хотинини "онам-қизим", хотин ҳам эрини "ўғлим" деса бўладими?

Агар эркак хотинига "онам", "қизим", "сен менинг онамсан", "қизимсан" деса, зиҳор бўлмайди. Лекин хотинга бундай мурожаат қилиш ҳаромга яқин макруҳдир ("*Hukuku Islamiyye*": 2/314) Хотин эрига "ўғлим", "отам" дейиши ҳам ҳаромга яқин макруҳдир.

Шартли зиҳор ҳам бўлади. Агар эркак хотинига: "Фалон жойга борсанг, менга онам кабисан" деса, шарт ўринлаган вақтда зиҳор бўлади ("*Hukuku Islamiyye*": 2/315).

Агар эркак хотинига: "Сен менга бир кун (ёки "бир ой" ёхуд "бир йил") онам кабисан", деса, вақтли зиҳор бўлади ("*Hukuku Islamiyye*": 2/317).

Рух (жон), бош, кўз каби аъзоларга ўхшатиш билан зиҳор қасд этилмаса, зиҳор бўлмайди. Чунки бу сўзлар билан, асосан, ахлоқ қасд этилади. "Сен менинг онамга ўхшайсан" ёки "онам кабисан" сўзлари ҳам шундай. Бу сўзлар билан талоқ, зиҳор ният қилинмаса, талоқ, зиҳор пайдо бўлмайди ("*Hukuku Islamiyye*": 2/311).

Хотинни эркакка ўхшатса, зиҳор бўладими?

Эр хотинини ўз отасининг ёки ўғлининг бир аъзосига ёки орқасига ўхшатса, зиҳор бўлмайди. Чунки зиҳор ҳақидаги оят аёлларга ўхшатиш ҳақидадир. Лекин Имом Муҳаммадга кўра, зиҳор бўлади (*Bilmen*. "*Hukuku Islamiyye*": 2/313).

Хотин эрини отасига ёки ўғлига ўхшатса-чи?

Зиҳор хотиннинг эрини ўхшатиши билан ҳам ҳақиқийлашади. Фақат бу зиҳор эркакнинг зиҳори каби эмас. Агар хотин эрига: "Менимча, сизнинг орқангиз отамнинг орқасига ёки ўғлимнинг орқасига ўхшайди" деса, зиҳор бўлмайди. Хотиннинг зиҳори фақат хотин эрига: "Сизнинг жинсий аъзоингиз отамнинг ёки ўғлимнинг жинсий аъзосига ўхшайди" (яъни, "жинсий аъзоси кабидир"), деса, зиҳор бўлади ("*Cevhere*": 2/83). Бошқа аъзолар эмас, ёлғиз жинсий аъзо ўхшатиш, хотин томонидан ҳам зиҳор бўлади. Бу қараш Имом Абу Юсуф, Зухрий, Авзойнинг қарашидир. Имоми Аъзам ва Имом Муҳаммадга кўра, хотиннинг ўхшатмаси билан

зиҳор пайдо бўлмайди ("*Cevhere*": 2/83; "*Hukuku Islamiyye*": 2/314).

Имом Ахмадга кўра эса, бундай ўхшатиш учун қасам каффорати керак ("*Hukuku Islamiyye* ": 2/314). Бундай ўхшатишлардан кечиш керак.

Зиҳор каффорати

а) Бир қул озод қилиш. Агар бунинг имкони бўлмаса,

б) пайдар-пай икки ой рўза тутиш. Бунга ҳам қодир бўлмаса,

в) олтмиш фақирни тўйдириш (*Мужодала*, 4). Зиҳорда никоҳ бузилмайди. Зиҳор билан майдонга келган ҳаромлик каффорат билан кетади ва у юқорида саналган уч йўлдан бошқа йўл билан кетказилмайди. Ҳатто зиҳор қилган хотинини каффорат бермасдан туриб талоқ қилса ҳам, зиҳор тушмайди, зиҳор туфайли юзага келган ҳаромлик ўртадан кўтарилади ("*Dureru'l -Hukkam*": 1/324; "*el-Hidaye*": 2/22).

Асқобдан бири хотинини зиҳор қилгач, Расулulloҳга (с.а.в.) келиб сўради: "Мен каффорат беришдан аввал хотиним билан жинсий муносабатда бўддим", деди. "Расулulloҳ (с.а.в.) марҳамат қилдилар: "Аллоҳнинг амрини адо этмагунингча, хотинингга яқинлашма" ("*Subulu's Salam*": 3/290).

Хулла ёки таҳлил

Қуръони каримда айтилган: **"Энди агар уни (учинчи марта) талоқ қилгандан кейин эса, то у аёл бошқа эр билан турмуш қурмагунича (аввалги эрига) ҳалол бўлмайди. Сўнг агар (кейинги эр ҳам) талоқ қилса, бу ҳолда Аллоҳ буюрган қонун-қоидаларни адо қилишларига ишонсалар, (у хотин аввалги эри билан) бир-бирларига қайтишларининг (яъни, қайта турмуш қуришларининг) гуноҳи йўқдир"** (*Бақара*, 230).

Ўртада бир эрга тегиб чиқиши хулла ёки таҳлил (ҳалоллаш) дейилади.

Бу ояти жалилада ҳукм тамоман очиқдир. Эрақ хотинини икки (марта) талоқдан сўнг яна талоқ қилса, бу оятга кўра. бошқа эрга тегмагунича ва у уни қўймагунича (талоқ бермагунича) аввалги эрига қайта олмайди. Қайта турмуш қуриш учун эса, ушбу шартлар бўлиши керак:

1. Ажрашган хотин иддасини тўла ўтказди (*Бақара*, 228).

2. Бошқа эраққа тўғри (ростакамига) никоҳ билан тегади (яъни. қалбаки, вақтинча никоҳ-билан эмас).

3. Турмушга чиққач, янги эри билан жинсий алоқа қилади.

4. Иккинчи эр ўз хоҳиши билан ажраган ёки вафот этган бўлиши керак.

5. Оила бирлигини барпо этишга қаноат келтирганларидан кейин қайта турмуш қуришлари мумкин. Оятда шу шарт бор (*Бақара*, 230).

7. Иккинчи эрдан ажрашганидан кейин ҳам иддасини тўла ўтказди.

8. Шаръий ўлчовлар ичида фақат шундан сўнггина биринчи эр билан қайта турмуш қуриши мумкин.

Ислом ҳукми шу. Шаръий хулла ёки таҳлил шу. Яъни, иккинчи эрга тегиши сунъий, ҳазилаки ёки бир кечалик ёки бир соатлик шаръий ҳийла, биринчисига қайтиш учун йўл эмас, ростмана уйланиш бўлиши керак. Расулulloҳ: "Хулла қилганга ҳам, ўзи учун хулла қилдирганга ҳам Аллоҳнинг лаънати бўлсин!" деганлар (*Ebu Davud. "Nikah* ": 14; *Tirmizi. "Nikah*": 28). Ибн Аббос хулла ҳақида сўраганида Пайғамбаримизнинг шундай жавоблари бор: "Қўддан қўлга ўтган никоҳ бўлмайди. Уйланиш хоҳиш билан бўлади. Аллоҳнинг китоби билан эрақ қилинмайди. Эрақ хо-тиннинг қинидан лаззатланмагунича никоҳ бўлмайди" ("*et-Tac*": 2/313).

Расулulloҳ хулла қилган эрақни омонат такага ўхшатганлар: "Сизга ориятга (ишлатишга) олинган такадан хабар берайми?" деганлар. "Ҳа, ё Расулulloҳ", дейишганида, Пайғамбаримиз: "Хулла қилган эрақдир", деганлар (*Ibn Mace. "Nikah*": 33).

Бир киши Ҳазрати Умарнинг ўғилларидан вақтинчалик никоҳ билан хулланинг ҳукмини

сўради. Ҳазрати Умарнинг ўғиллари Абдуллоҳ бундай жавоб қилдилар: "Никоҳ фақат истак билан бўлади. Биз Пайғамбаримиз замонларида бундай уйланишни зино санардик" ("*Tefsir-i Ibn-i Kesir*": 1/280). Ҳазрати Умар, розийаллоҳу анҳу: "Менга ҳулла қилганни ҳам, ўзи учун ҳулла қилдирганни ҳам келтирсалар, тошбўрон қилдириб ўлдирардим", деганлар ("*Umdetu'i Kari*": 9/541).

Иккинчи уйланиш ёлғиз никоҳ билан эмас, жинсий қовушишли уйланиш бўлиши керак. Ҳазрати Ойишадан (р.а.) ривоят қилинади: "Рифоа Қурозийнинг хотини Ҳазрати Пайғамбар ҳузурларига келиб: "Мен Рифоанинг никоҳида эдим. У мени қўйиб юборди, қатъий талоқ берди. Сўнг Абдурахмон ибн Забирга турмушга чиқдим. Унинг эркаклиги либоснинг ипига ўхшайди", деди. Пайғамбаримиз: "Сен Рифоага қайтмоқчимисан?" деб сўрадилар. Хотин "Ҳа" деб жавоб қилди. Пайғамбаримиз: "Асло! Сен унинг пуштидан, у ҳам сенинг қинингдан тотмагунича бўлмайди", дедилар (*Buhari*. "*Libas*": 23; *Ebu Davud*. "*Talak*": 49).

Аёл аҳволини арз қилиб турганида Ҳазрати Абу Бакр ҳам Пайғамбаримиз ҳузурларида эдилар. Ичкари киришга рухсат кутиб турган Холид ибн Ос аёлнинг сўзларидан аччиқланиб, Ҳазрати Абу Бакрга: "Пайғамбаримиз ҳузурларида бу хотиннинг шундай гапларни айтаётганини эшитмаяпсизми?" деди ("*Umdetu'i Kari*": 9/540). Асҳоби киром Пайғамбаримиз ҳузурларида бу мавзуларни бунақа шаклда сўрашларига ҳам тоқат қилишмаган.

Ҳалоллаш шарти билан қийилган никоҳ мазҳаб имомларининг кўпига кўра ҳаром, баъзиларига кўра, таҳриман макруҳ (ҳаромга яқин)дир ("*Umdetu'l Kari*": 9/540; "*Fethul-Kadir*": 3/178). Чунки аҳли суннатга кўра, вақтинчалик никоҳ ботилдир ("*el-Hidaye*": 1/190). Биронта олим бундай никоҳни ҳалол демаган. Таҳриман макруҳ ҳам азобни лозим қиладиган гуноҳдир ("*Umdetu'l Kari*": 9/541).

Аёл биринчи ва иккинчи эридан ажрашгач, уч ой идда кутиши шарт. Ҳомиласи бўлса, туққунича идда сақлайди. Юқорида саналган шартларга ҳам риоя этилган тақдирдагина аввалги эрига қайта олади. Бинобарин, бу никоҳ баъзи Ислом душманлари айтгани каби, бир кечалик ёки бир соатлик никоҳ эмас...

ЗАКОТ

«Закот» сўзининг луғавий маъноси ортмоқ, орттирмоқ, кўпаймоқ, кўпайтирмоқ, покламоқ, поклик ва баракот. Бинобарин, закот берганнинг моли кўпаяди, покланади.

Шаръан закот бой одамнинг ҳар қамарий йилда бир марта молининг қирқдан бирини камбағалларга, мискинларга беришидир. Закот молиявий ибодатдир. Закотда вақт тайин этиш жоиз.

Закот Исломнинг беш асосидан биридир. Фарзлиги Китоб, Суннат, ижмо билан собитдир. Инкор этган диндан чиқади. Ишониб, адо этмаган катта гуноҳ орттиради. Аллоҳ Куръони каримда марҳамат қилади: **«Албатта, садақалар (закотлар) Аллоҳ томонидан фарз бўлган ҳолда, фақат фақирларга, мискинларга, садақа (закот) йиғувчиларга, кўнгиллари Исломга ошно қилинувчи кишиларга, бўйинларни озод қилишга, Аллоҳ йулида юраётганларга, йўловчи ва мусофирларга берилур. Аллоҳ билим ва ҳикмат соҳибидир»** (Тавба, 60).

Расулulloҳ (с.а.в.) марҳамат қилдилар: «Шубҳасиз, Аллоҳ мўминларга ўз бойликларидан бир садақа фарз қилгандир. Бу садақа (закот) бойлардан олинади, фақирларга берилади» («*Bulugu'1-Meram*»: 2/335).

Закот бермаган фақирнинг ҳаққини еган булади, демак, ҳаром еган бўлади. Шундай қилиб, бойлигига ҳаром аралашади. У закотни берган замон молини ҳаромдан айирган, поклаган ва хар хил бало-қазодан муҳофаза қилган бўлади. Ҳеч бир бой закот олинаётганини сўзлашга ҳақли эмас. У фақирни танқид қилиб, ўзининг ҳунармандлиги, уддабуронлиги, оқиллигини мақгаб, эришган нарсаларим фақат ўзимга оид бўлиши керак, дея олмайди. Чунки жамият ва миллат фақир, бой, кўр, майиб-мажруҳ, соғлом кишилардан, уларнинг дунёга келишига сабаб бўлган ота-оналаридан ҳамда болаларидан иборат. Бой фақат ўзи бир хонадан чиқмай, бу жамиятга аралашмай бой бўла оладими? У қанча оқил бўлса ҳам, бу саволга жавоб беришдан ожиздир. Бойнинг бойлигида ва молида фақирнинг ва тоғдаги чўпоннинг ҳаққи бор. Бермагунича, ҳаром еган бўлади. Бу бировни тунаб, қароқчилик қилиб, қўрқитиб ёки чўнтагидан уриб олинган гулнинг ҳаромлигига ўхшаш ҳаромдир.

Закотнинг берувчи ва олувчирга фойдалари

- фақирнинг ҳаққини бераркан, молини бировнинг ҳақи аралашиб ҳаром бўлишдан қутқаради ва ҳалол қилади;

- молнинг хайрли ва баракотли бўлишига, кўпайишига сабаб бўлади; фақирларга харид имконини бергани учун бу кўпайиш айни чоқда моддий жиҳатдан ҳам ҳақиқатга айланади;

- закот адоватни йўқотиб, меҳрни орттиради;

- илоҳий неъматларга нисбатан шукрона адо этишга васила бўлади;

- розилик билан берган одам яхши фазилатлар билан хулқланган бўлади;

- мол тўплашга мубталолик ва хасислик иллатларини тузатади;

- охиратга имонни кучайтиради. Қуръони каримда закот бермаганнинг охиратга имон келтирмагани, ишонч-сизлиги айтилган;

- закот берувчи закот олишга ҳақдор фақирни, йўқсилни, йўловчини, мусофирни, қулни, қарздорни муҳтожлик асоратидан қутқариб, унга инсонлик шаъни, миннатдорлик. шукроналик туйғуларини бахш этади;

- кин, нафрат, адоват, душманлик туйғуларини даф этади;

- жамиятда тинчлик-хотиржамлик бўлишини таъмин этади, кўнгилларни Исломга мойил қилади, мусулмонларга ёмон ниятда бўлганларни бу йўлдан қайтаради, олдини олади. Муносабатларни яхшилаб, жамиятда бирдамлик ва ҳамкорликни пайдо қилади.

Закот фарзлигининг шартлари

Закот берадиган киши мусулмон, озод, оқил ва балоғатга етган бўлиши шарт.
Қарздан бошқа нисоб миқдорида моли бўлиши шарт.
Қўлидаги мол ҳукман ва ҳақиқатан ортиқча бўлиши шарт.
Закот берилаётган мол қўлда бир йил турган бўлиши шарт.
Закот берилажак мол берганнинг мулки бўлиши шарт (*Kuduri: 66*).

Закотнинг турлари

1. Олтин ва кумушнинг закоти.
2. Пулнинг закоти.
3. Тижорат молларининг закоти.
4. Уй ҳайвонларининг закоти.
5. Еридан чиққан маҳсулот закоти (ушр).
6. Садақаи фитр (нафс закотидир, вожибдир) (*«Hak dini Kuran dili»: 2573*).

Нисоб миқдори

Асосий эҳтиёжлардан ва қарздан ташқари олтиндан 20 мисқол (80 грамм), кумушдан 200 дирҳам (560 грамм). Бунга қадар олтин ва кумуш хоҳ ёмби, хоҳ зийнат ашёси, хоҳ пул шаклида бўлсин, бир хилдир.

Пуллар нисоби олтин ва кумушга кўрадир. Қўй ва эчки нисоби 40 та, сигир ва хўкиз нисоби 30 та, туя нисоби эса бештадир. Закот молнинг жинсидан берилиши ёки пулта чақиб қиймати берилиши мумкин.

Ердан чиққан маҳсулотнинг ўндан бири (ушр) берилади. Агар ер қудуқдан ё пастдан тортиб суғориш пулли бўлса, маҳсулотнинг йигирмадан бири берилади.

Закот кимларга берилади?

1. Фақирларга, яъни, моли нисоб миқдorigа етмаганларга.
2. Мискинларга, яъни, ҳеч нарчасиз йўқсилларга.
3. Омилларга, яъни, закот йиғувчиларга (ҳозир бундай маъмурият йўқ).
4. Озод бўлиш учун хўжайини билан шартнома тузгаи қулларга.
5. Муаллафаи қулубга, яъни, кўнгилларини Исломга мойил қилинувчиларга.
6. Қарздорларга, яъни, молдан қарзи кўпроқларга.
7. Аллоҳ йўлидагиларга, яъни, сафарда, урушда, илм талабида юрганларга.
8. Йўлда қолганларга мамлакатларига етиб олгулик миқдорда закот берилади (*Тавба, 60-оятдан*).

Закот кимларга берилмайди?

Закот Қуръонда қайд этилган саккиз тур кишиларга берилишини айтиб ўтдик. Ота-она, бобо-момо, фарзандлар бу турдан бўлсада, уларга берилмайди. Чунки киши фақир ота-онасини боқиши вожиб. Болаларини ҳам боқишга мукаллаф. Закот булардан ташқари Қуръонда ўқдирилган саккиз табақанинг бирига кирадиган қариндошга, қўшнига ва бошқа мусулмонларга берилади. Ота-она, бобо-буви, ўғил-қиз, набираларга, эр хотинига, хотин эрига закот бермайди. Бойларга ҳам закот берилмайди. (*«Fetava-i Hindiyye», 151*).

Фитр садақаси

Фитр Рамазон ойининг сўнгига етишган ва ҳожати аслийасидан бошқа нисоб миқдорича молга эга бўлган мусулмонларга вожибдир. Фитр инсон нафсининг закотидир. Садақаи фитр учун закот каби молнинг ошиқча бўлиши, бир йил ўтиши ёхуд мол эгасининг оқил ва балоғатга етиши шарт эмас. Кичик болаларининг фитрини бериш отасига вожиб. Болиғ болалари ва хотини учун фитр бериш вожиб эмас. Фитр Рамазон ҳайити куни тонг отганида вожиб ва

савобли бўлади. Фақирлар эҳтиёжи учун байрамга-ча, яъни, аввалроқ бериб қўйилса бўлади. Фитр закот бериладиган кишиларга берилади. Закот берилмайдиганларга фитр ҳам берилмайди.

Бир фақирга бирдан кўп фитр берилиши мумкин. Фақат бир фитр биттадан ортиқ фақирлар орасида тақсимланмайди. Фитр дунё ва охират саломатлигига, рўза қабулига, қабр азобидан қутулишга сабаб бўлиши билдирилган.

Закот ҳақида муҳим масалалар

Закот, фитр, садақа, назр ва шу кабилар берилаётганида қуйидаги тартибга диққат этиш ва керакли кишиларга биринчи навбат бериш керак:

- 1) фақир ака-ука ва опа-сингилларга;
- 2) буларнинг болаларига;
- 3) сўнгра амаки ва аммаларга;
- 4) сўнгра тоға ва холаларга;
- 5) уларнинг болаларига;
- 6) сўнгра она тарафдан узоқ қариндошларга;
- 7) ундан кейин яқин ва узоқ қўшниларга, касбдошларга навбат берилади (*«Fetava-i Hindiyye»: 1/190*).

Турмушга чиқмаган кишинг сепи учун закоти бериладими?

Закот берилмайди. Чунки у тижорат учун олинмаган.

Хотин маҳрининг закоти

Хотин маҳрини феълан (қўлга) олмагунча унга закот тушмайди. Чунки бу маҳр — мол бўлмаган бир нарсанинг бадалидир. Бу жиҳатдан маҳр қўлга кирмагунча унга закот тушмайди, яъни, маҳридан закот бермайди. Агар хотин маҳр олиб, маҳр нисоб миқдорида бўлса ва бир йил ўтса, унга закот беради (*Tahtavi: 390*). Агар хотиннинг ёнида маҳрдан ташқари нисоб миқдорида пул бўлса ва бу пулга Қам маҳрнинг бир қисмини қўшса ва бир йил ўтса, маҳр билан биргаликда ўша пулга закот тушади, яъни, закот берилади (*Tahtavi: 390*).

Хотин эрига закот берадими?

Имоми Аъзамга кўра, бой хотин фақир эрига закот бермайди. Чунки эрининг муҳтожлигини кеткизиш хотиннинг вазифаси эмас (*Tahtavi: 393*). Имом Абу Юсуф ва Имом Мухаммадга кўра эса, бой хотин фақир эрига закот бериши мумкин. Бу қарашга кўра, муҳтожлиги кетгунча фақир эрига бой хотин закот берса, зарари йўқдир (*«el-Fikhul-Vadih»: 5/69*).